# O'ZBEKISTON TARIXI

HISTORY OF UZBEKISTAN

2/2016



O'ZBEKISTON MUSTAQILLIGIGA 25 YIL

O'ZBEKISTON
FANLAR AKADEMIYASI

O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI FANLAR AKADEMIYASI TARIX INSTITUTI
FATi

2
2016

Jurnalga 1998-yil iyulda asos solindi.

*Bir yilda to'rt marta chiqadi.*

© O'zbekiston Respublikasi Fanlar akademiyasi

O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI FANLAR AKADEMIYASI

# O'ZBEKISTON TARIXI

*Илмий журнал*

***Ўзбекистон Республикаси мустақиллигининг 25 йиллигига бағишланади***

## МУНДАРИЖА

**М. Қирғизбоев**. Ўзбекистон 25 йил ичида: юксалиш ва тараққиёт йўли ..................... 3

**Ш. Рахматуллаев.** Бозор иқтисодиётига ўтишнинг «Ўзбек модели»: босқичма-босқич ислоҳотларнинг шаклланиш хусусиятлари ....... 17

**О. Абдимўминов**. Ўзбекистоннинг БМТ билан ҳамкорлик алоқалари: устувор йўналишлар ва ривожланиш тенденциялари ..................... 29

**С. Толибова.** Ўзбекистоннинг АСЕАН давлатлари билан туризм соҳасидаги алоқалари ривожи ва истиқболи ..................... 40

**Д. Зияева.** Ўзбекистон замонавий шаҳарларининг тараққиёти масалалари ..................... 48

**В. Холов.** Эркин индустриал-иқтисодий зона сиёсатининг Ўзбекистон тараққиётидаги ўрни ..................... 59

**С. Давлетов.** Ўзбекистонда экологик хавфсизликнинг миллий омиллари ..................... 68

***Тарих фани мустақиллик йилларида***

**Р. Абдуллаев.** Ўзбекистоннинг энг янги тарихини ўрганишнинг айрим долзарб масалалари ..................... 78

**А. Аширов.** Ўзбекистон этнология фани мустақиллик йилларида ..................... 87

***Илмий ҳаёт***

**Д. Чориева.** «Соғлом она ва бола: ижтимоий-маданий жиҳатлар. Тарих ва ҳозирги замон» мавзусидаги илмий-амалий семинар ҳақида ...... 97

**М. Исакова.** «Ўзбекистон шаҳарларининг энг янги тарихи: ислоҳотлар ва модернизация жараёнлари» мавзусидаги илмий-амалий конференция ҳақида .....................

O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI
FANLAR AKADEMIYASI
TARIX INSTITUTI
KUTUBXONASI

*Посвящается 25-летию независимости Республики Узбекистан*

## СОДЕРЖАНИЕ

**М. Киргизбоев.** Узбекистан за 25 лет: путь развития и прогресса ........ 3

**Ш. Рахматуллаев.** «Узбекская модель» перехода к рыночной экономике: особенности формирования поэтапных реформ ........ 17

**О. Абдимуминов.** Сотрудничество Республики Узбекистан с ООН: приоритетные направления и тенденции развития ........ 29

**С. Толибова.** Развитие и перспективы взаимоотношений Узбекистана и стран АСЕАН в сфере туризма ........ 40

**Д. Зияева.** Вопросы развития современных городов Узбекистана ........ 48

**В. Холов.** Политика свободной индустриально-экономической зоны и ее значение в развитии Узбекистана ........ 59

**С. Давлетов.** Национальные факторы экологической безопасности Узбекистана ........ 68

***Историческая наука в годы независимости***

**Р. Абдуллаев.** Некоторые актуальные вопросы изучения новейшей истории Узбекистана ........ 78

**А. Аширов.** Этнологическая наука Узбекистана в годы независимости ........ 87

***Научная жизнь***

**Д. Чориева.** О работе научно-практического семинара «Здоровая мать и ребенок: социально-культурные аспекты. История и современность» ........ 97

**М. Исакова.** О работе научно-практической конференции «Новейшая история современных городов Узбекистана: реформы и процессы модернизации» ........ 99

Таҳрир ҳайъати:

**Дилором Алимова**
(бош муҳаррир)
**Равшан Абдуллаев**
**Баҳром Абдуҳалимов**
**Мируэрт Абусеитова**
(Қозоғистон)
**Бахтиёр Бабаджанов**
**Алишер Дониёров**
**Доно Зияева**
**Мирсодиқ Исҳоқов**
**Сурайё Каримова**
(бош муҳаррир ўринбосари)
**Нодира Мустафаева**
**Зоя Орифхонова**
**Мирзоҳид Раҳимов**
**Эдвард Ртвеладзе**
**Ильза Сиртаутас** (АҚШ)
**Рустам Сулаймонов**
**Темур Ширинов**
**Нозим Ҳабибуллаев**
**Назокат Қосимова**
**Шоира Асадова**
(масъул котиб)

Манзилимиз:

100060. Тошкент ш.,
Шаҳрисабз 5-тор кўчаси.

Журнал Ўзбекистон
Матбуот ва ахборот агентлиги
томонидан рўйхатга олинган.
Гувоҳнома № 0051

Теришга берилди 12.08.2016.
Босишга рухсат этилди 14.09.2016.
Қоғоз бичими 70×100 1/16.
Таймс гарнитура. Офсет босма.
Офсет қоғози.
Ҳисоб-нашриёт т. 6,25.
Шартли босма т. 8,13. 250 нусха.
Буюртма № 53.
Келишилган нархда.

Оригинал-макет «ILM ZIYO»
МЧЖ нашриёт уйида тайёрланди.
Тошкент ш., Навоий кўчаси, 30-уй.

«PAPER MAX» ХК
босмахонасида чоп этилди.
Тошкент ш., Навоий кўчаси, 30-уй.

*М. ҚИРҒИЗБОЕВ*

# ЎЗБЕКИСТОН 25 ЙИЛ ИЧИДА: ЮКСАЛИШ ВА ТАРАҚҚИЁТ ЙЎЛИ

Мустақиллик, суверенлик ва миллий тикланишни чуқур англаш учун ёки мустақилликни ҳис этиш учун бироз бўлса-да, мустабидлик даврини тасаввур қила олиш, тарихий хотирага мурожаат қилишга тўғри келади. Акс ҳолда, мустақилликнинг улуғвор одимларини англаш қийин кечади. Шу боис, Ўзбекистон давлатининг 25 йил ичида қўлга киритган салоҳияти ва қудрати манбаларини идрок этиш учун тарихий илдизларимизга назар ташлаш, улардан хулоса чиқариш, эски тузумда яшаб кўрмаган ёш авлодга ўтмиш мустабидлик даври ҳақида тарихий ҳақиқатни айтиш долзарб вазифалардан бири саналади.

Президент И. Каримов Ўзбекистоннинг мустабидлик давридаги ҳолатини қуйидагича ифодалаган эди: «Бир неча ўн йиллар мобайнида республика иқтисодиёти марказдан бошқариладиган ягона халқ хўжалиги мажмуасининг таркибий қисмига айланган эди. Марказ қабул қиладиган кўпгина қарорлар Ўзбекистоннинг манфаатларидан йироқ эди. Хуллас, чор империяси давридагидек, республика арзон хом ашё ва стратегик минерал ресурслар етказиб берувчи, тайёр маҳсулот сотиладиган қулай бозорга айланиб қолаверди, яъни республика хом ашё базаси бўлиб келди»[1].

Дарҳақиқат, Ўзбекистон собиқ Иттифоқ даврида ҳам миллий, ҳам яккаҳоким коммунистик мафкура зулми остидаги мустабид бир минтақа (давлат эмас!) эди. Маълумки, коммунистик мафкура ўз табиатига биноан тоталитар руҳдаги мафкура бўлиб, у асосан ҳаётнинг барча жабҳаларига кириб борган, ҳар бир инсоннинг шахсий ҳаётини назорат қилар эди. Тоталитар мафкура ўз табиати ва характеридан келиб чиқиб «буюк келажак» учун ўтмишни ҳам, бошқа ҳар қандай қарашлар ва мафкураларни ҳам инкор этган эди. Коммунизм ғояси нафақат ўтмишдаги қадриятларни йўқ қилишга, балки ўзига хос янги қадриятларни шакллантиришга зўр берди. Бу ғояга асосланган коммунистик партия зўрлик билан, куч ишлатиш воситасида, мажбурлаш йўли билан тоталитар жамиятни қурган эди.

Собиқ Иттифоқ даврида давлат ҳокимиятининг барча жабҳаси коммунистик партия тасарруфида эди. Бу ҳолатни таниқли сиёсатшунос Ханна Арендт ўзининг «Тоталитаризм вируси» номли асарида қуйидагича ифодалайди: «Партия доимий равишда жамиятнинг тизилмалашуви билан узвий боғлиқ бўлиб, у жамиятнинг фақат маълум қатламлари манфаатларини ифода этди. Оломон учун тизилмавийликнинг етишмаслиги янги типдаги партияга бўлган заруриятни

[1] К а р и м о в И.А. Ўзбекистон — бозор муносабатларига ўтишнинг ўзига хос йўли // Биздан озод ва обод Ватан қолсин. Тошкент, 1994. 11-б.

шакллантирган эди. Бутун бир жамият манфаатларини ифода этишга даъвогарлик қилаётган партия фуқаролик жамиятини оломон гуруҳларига айлантирди, партиянинг ўзи эса партиявий-бюрократик давлат тизимига ўсиб ўтди»[2].

Мамлакатда яккаҳоким партия ва мафкуранинг тазйиқи оқибатларида шахснинг эркин фикрлаши, ўз атрофидаги воқеликни эркин ва ҳалол таҳлил этиши, ўз ташаббускорлиги ва ижодий қобилиятини тўлиқ намоён қилиши, шунингдек, ўзи хоҳлаган тарзда ижтимоий-сиёсий жараёнларда иштирок этиши учун ҳеч бир шарт-шароитлар қолмаган эди. Шунинг учун ҳам жамият аъзолари ўртасида ижтимоий бефарқлик ва боқимандалик кайфиятлари мислсиз тарзда кучайди. Партия ва совет давлатининг бараварлаштириш сиёсати кишилардаги шахсий ташаббус, ижодий фикрлаш, сиёсий ёки ишлаб чиқаришдаги муаммоларни мустақил тарзда ечиш каби қобилиятларининг ривожланишига имкон бермас эди. Шунинг учун ҳам 1980-йилларнинг иккинчи ярмидан бошлаб Совет иттифоқининг инқирозга учраш даври бошланди. Шундай қалтис ва таҳликали бир даврда — 1989 йилда Ўзбекистон давлати раҳбарлигига Ислом Абдуғаниевич Каримов келиши билан мамлакатда сиёсий муносабатларнинг кескин ўзгариш даври бошланди. Шундай мураккаб шароитларда Ўзбекистон Республикасининг Давлат мустақиллиги эълон қилинди. 1990 йил 24 мартда Ўзбекистон Олий Кенгаши И.А. Каримовни республиканинг биринчи Президенти этиб сайлаши — миллий мустақиллик сари бошланган ҳаракатнинг илк ғалабаси эди. Чунки, бундай сиёсий институтнинг киритилиши марказ ва иттифоқдаги бошқа республикалар учун кутилмаган янгилик эди.

Мустақиллик учун ҳаракат янада кенг кўламда давом этди. Олий Кенгаш 1990 йил 21 июлда Мустақиллик Декларациясини қабул қилди. Мазкур Декларация республика давлат ва миллий мустақиллиги ўрнатилиши жараёни учун муҳим аҳамият касб этди. Шунингдек, 1991 йил август ойида республикада маҳаллий давлат органларида ҳокимлик лавозимларининг таъсис этилиши, иқтисодиёт ва ижтимоий соҳаларда миллий руҳиятга яқин бошқарув тизимларининг тузилиши каби воқеликларнинг рўй бериши Ўзбекистон раҳбариятининг миллий истиқлол сари ҳеч бир иккиланишсиз, дадил ҳаракат қилаётганлигининг натижаси эди. Ўша даврдаги кучли ижтимоий сиёсат юритиш, оқибатда аҳолининг ижтимоий барқарорлигини таъминлаш йўли ҳам фақат Ўзбекистон учун хос эди.

Ўзбекистон ҳали Иттифоқ таркибида бўла туриб, бошқа республикалар раҳбарлари ўз мамлакатларини конфедератив Иттифоққа киришига кўз тутиб турган бир пайтда Президент И.А. Каримов 1991 йил 31 августда Олий Кенгаш сессияси минбаридан Ўзбекистон Республикасининг Давлат мустақиллигини эълон қилди. Шу куни Олий Кенгаш «Ўзбекистон Республикасининг Давлат мустақиллиги тўғрисидаги Баёноти»ни эълон қилди.

---

[2] Арендт Х. Вирус тоталитаризма. Изучая прошлое во имя будущего (круглый стол) // Политические исследования. Москва, 1991. № 6. 65–166-б.

Ўзбекистонда Миллий мустақиллик учун ҳаракат бир томондан коммунистик тоталитар тузум асоратларидан халос бўлиш, покланиш жараёнлари билан уйғун равишда кечган бўлса, иккинчи томондан, жаҳондаги ривожланган мамлакатлар тажрибаси ва миллий анъаналардан келиб чиққан ҳолда жамиятни демократлаштириш йўлидан борди. Президент И.А. Каримов бу даврда ўз ечимини кутаётган муаммолар ва уларни бартараф этиш борасида қуйидаги вазифаларни қўйган эди: «Биз ўз мустақиллигимизни қўлга киритиб, янги тараққиёт йўлига қадам қўйганимиздан сўнг халқимизнинг хоҳиш-иродаси, асрий орзу-интилишларига таянган ҳолда, шўро давридан оғир мерос бўлиб қолган маъмурий-буйруқбозлик тизимини тубдан ислоҳ қилиш, унинг ўрнида моҳият эътибори билан бутунлай янги — эркин бозор муносабатларига асосланган ҳуқуқий давлат, демократик жамият барпо этишга азму қарор қилдик. ... Бу борада тараққий топган давлатлар мисолида ўзини оқлаган илғор тажрибаларни чуқур ўргандик»[3].

Мустақиллик даврида жамият ва давлатнинг барча соҳаларида туб ўзгаришлар амалга оширилди. Қисқа давр ичида тоталитар жамиятдан фуқаролик жамиятига ўтиш, социализмга барҳам бериш, бозор иқтисодиётини шакллантириш, ҳуқуқий давлат асосларини яратиш каби ислоҳотлар амалга оширилди. 25 йил ичида бир неча асрларда рўй бериши мумкин бўлган ўзгаришлар амалга оширилди. Мамлакат жаҳон иқтисодий интеграциясидан ўзига муносиб ўринни эгаллаб, тараққий этган мамлакатларга хос бўлган ривожланиш йўлига кирди. Бу ривожланиш йўли халқаро майдонда «ўзбек модели» номи билан танилди. Бу модель иқтисодиётни мафкурадан холи қилиш ва унинг сиёсатдан устунлигини эътироф этиш, барча ўзгаришларни амалга оширишда давлатнинг бош ислоҳотчилик ролига амал қилиш, жамиятда қонун устуворлигини ўрнатиш, давлатнинг аҳолини кучли ижтимоий ҳимоя қилиш сиёсатини олиб бориши, ривожланишнинг ҳеч бир зўриқишларсиз тадрижий йўл билан боришини таъминлаш кабиларни ўз ичига олди.

**Сиёсий модернизациялашув жараёнлари**. Мамлакатда чорак аср ичида фуқаролик жамияти ва ҳуқуқий давлат қуришнинг пойдевори яратилди. Унинг ҳуқуқий асоси сифатида 1992 йилда Ўзбекистон Республикаси Конституцияси ва минглаб янги демократик принциплар асосидаги қонунлар қабул қилинди. Унда «Ўзбекистон Республикасининг Президенти давлат бошлиғидир ва давлат ҳокимияти органларининг келишилган ҳолда фаолият юритишини ҳамда ҳамкорлигини таъминлайди», деган олий принцип мустаҳкамлаб қўйилди. Ҳали мамлакат тарихида илгари синаб кўрилмаган Президентлик республикаси ўрнатилди. Давлат бошқарувининг бу шакли Ўзбекистон жамияти сиёсий тизимида ўзининг беқиёс самарасини берди. Янги барпо этилган давлат миллий манфаатлар асосида сиёсат олиб борди.

Мамлакатда ҳуқуқий давлат қуриш ислоҳотлари натижаси ўлароқ шакллантирилган олий вакиллик органи — Қонунчилик палатаси ва Сенатдан иборат

[3] Каримов И.А. Юксак маънавият — енгилмас куч. Тошкент, 2008. 102-б.

Олий Мажлис профессионал асосда фаолият юрита бошлади. Шунингдек, мамлакатда маҳаллий ҳокимиятнинг бутунлай янги тизими — ҳокимликлар ва халқ депутатлари кенгашлари шакллантирилди. Қонунчилик палатаси ва маҳаллий вакиллик органлари депутатлигига номзодларни сиёсий партиялардан кўрсатиш русуми жорий этилди. Сиёсий партиялар ўз аъзоларидан сайланган депутатлари воситасида халқ манфаатларини қонун чиқарувчи ҳокимиятга етказиш, ана шу манфаатларни қабул қилинадиган қонунларда эътиборга олинишига эриша олиш тажрибасини эгаллади. Парламентнинг халқчиллик, миллийлик ва минтақавийлик принциплари асосида фаолият юритиши учун барча шарт-шароитлар яратилди ва бу принципларнинг бир-бирига уйғун ҳолда амал қилиши тажрибаси эгалланди.

Марказий ва маҳаллий ҳокимиятнинг иқтисодий, ижтимоий-сиёсий бошқарувдаги ҳиссаси кескин камайтирилди. Корхоналар, хўжалик, ўрта ва кичик бизнес субъектларига бозор иқтисодиёти талабларига мос бўлган иқтисодий эркинликлар берилди. Улар ўзини ўзи бошқариш принципи асосида фаолият юрита бошлади. Қорақалпоғистон Республикаси, Тошкент шаҳри, туманлар, шаҳарлар, вилоятларда фуқаролар ташаббуслари ва иштироклари асосида амалга ошириладиган демократик бошқарув тизими шаклланди. Ҳуқуқий давлатга хос бўлган суд-ҳуқуқ тизими шаклланди. Давлат бошқарувини номарказлаштириш ва либераллаштиришга доир ислоҳотлар чуқурлашиб борди.

Иттифоқ даврида партия ва давлат жамиятга ҳукмронлик қилган бўлса, мустақиллик даврида давлат жамиятнинг сиёсий институти сифатида фаолият юрита бошлади. Энди ўзини ўзи бошқариш органлари, сиёсий партиялар, нодавлат нотижорат ташкилотлар жамият институтлари сифатида фаолият юрита бошлади. 10 мингга яқин ўзини ўзи бошқариш органларини фуқаролик жамиятининг институтига айлантириш ислоҳотлари ўз ниҳоясига етди. Мустақиллик арафасида 210 та жамоат ва нодавлат ташкилотлар фаолият юритган бўлса, уларнинг сони чорак аср давомида 8190 га етди[4]. Иттифоқ даврида жамоат ва нодавлат нотижорат ташкилотлар партиянинг «соялари» сифатида фаолият юритган бўлса, улар энди жамият институтлари сифатида турли ижтимоий қатламлар манфаатлари ифодачиси ва ҳимоячисига айланди. Мамлакат «ўзбек модели»нинг «Кучли давлатдан — кучли фуқаролик жамияти сари» стратегик принципи асосида фуқаролик жамияти ва ҳуқуқий давлат қуриш палласига кирди. Бу жараён янада чуқурлашиб бормоқда.

**Иқтисодий юксалишлар**. Мустақилликнинг дастлабки йилларидаёқ «бозор муносабатларини ривожлантиришга қаратилган Ўзбекистон иқтисодиётининг негизини хилма-хил шакллардаги мулк ташкил этади»[5] деган принцип ўрнатилди. Давлат мулклари хусусийлаштирилди. Мулкнинг турли шакллари ва улар ўртасидаги иқтисодий рақобатчиликка асосланган иқтисодий муносабатлар шаклланди.

[4] В Ташкенте обсудили опыт Узбекистана и международную практику в сфере развития гражданского общества.11.08. 2015 // http://www.uzembassy.ru/110815.htm.

[5] Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси. Тошкент, 2016. 18-б.

Мустақиллик даврида давлатнинг иқтисодиётга аралашувини чеклаш асосида кўп укладли иқтисодиёт шаклланди, хўжалик фаолиятига аралашувлар чегараланди, хўжалик субъектларининг иқтисодий ва молиявий масъулияти ортиб борди, бозор инфратузилмалари ривожланди, ташқи иқтисодий фаолият тизими қайта шаклланди ва валюта тизими эркинлиги кенгайиб бориши натижасида реал рақобат муҳити шаклланди, эркин тадбиркорлик фаолияти учун иқтисодий ва ҳуқуқий шарт-шароитлар яратилди. Шунингдек, мулкдорлар синфининг роли ва ҳуқуқи мустаҳкамланди, жумладан, хориж инвестициялари учун кафолат ва енгилликлар берадиган қулай ва соғлом инвестицион иқлим ва рағбатлантириш тизими яратилди. Давлатнинг пухта ишлаб чиқилган иқтисодий сиёсати туфайли 2008 йилда бошланган жаҳон молиявий ва иқтисодий инқирози мамлакат иқтисодиётига деярли салбий таъсир кўрсата олмади.

Мамлакат жаҳондаги автомобиль ишлаб чиқарадиган етакчи давлатлар сафига қўшилди. Мустақиллик шарофати билан мамлакатда «Женерал-моторс-Ўзбекистон» акциядорлик жамияти иш бошлаб, Асакада замонавий ва рақобатбардош автомобиллар, Хоразм вилоятида «Дамас», «Орландо» автомобиллари ва «Шевроле Лабо» кичик юк машинаси ишлаб чиқариш жараёни йўлга қўйилди.

Мамлакат мустақиллик даврига кириши билан иқтисодиётнинг барча тармоқларида чуқур ўзгаришлар даври бошланди. Республика иқтисодиётида амалга оширилаётган чуқур ислоҳотлар нефть ва газ саноатини ҳам ўзига қамраб олди. Чунки, нефть саноати республика иқтисодиётининг ажралмас тармоғи бўлганлиги учун ҳам иқтисодий ислоҳотларнинг умумий жараёнидан ажралиб қололмас эди. Шунинг учун ҳам Президент Ислом Каримов бу соҳадаги энг асосий мақсад-вазифанинг мазмун-моҳиятини қуйидагича ифодалаган эди: «Республика энергетика мустақиллигига эришган тақдирдагина тўла мустақил бўлади»[6].

Бу соҳадаги институционал ўзгаришларнинг асосий мақсади — энергетика мустақиллигига эришиш эди. Мамлакатда углеводородлар захиралари ўсиш суръатларини ошириш мақсадида «Ўзбекнефтгаз» Миллий холдинг компанияси маълумотларига биноан ҳозирги даврда мамлакатимиз ҳудудида 232 та газ ва нефть кони аниқланган. Улардан 103 тасида қазиш ишлари кетмоқда, қолганлари эса келгуси авлодлар учун консервация қилинган ёки ўз қидирув босқичини давом эттирмоқда. Ҳозирги давргача ўрганилган углеводород захиралари республикада табиий газ қазиб олишни 32 йил, нефть ва конденсатни эса 33 йил давом этишини таъминлай олади[7]. Нефть ва газ саноати соҳасида инновацияларни кенг қўллаш натижасида Ўзбекистон МДҲ ва Европа ҳудудида табиий газдан синтетик суюқ ёқилғи ишлаб чиқаришни ўзлаштирган биринчи мамлакат сифатида танилди. Ҳозирги даврга келиб Ўзбекистон ҳудудида бешта нефть ва газ ишлаб чиқарувчи (Устюрт, Бухоро-Хива, Сурхондарё, Ҳисор ва Фарғона) ҳамда

---

[6] Каримов И.А. Ўзбекистон иқтисодий ислоҳотларни чуқурлаштириш йўлида. Тошкент, 1995. 234-б.

[7] Жалилов Т. Нефтегазовая вертикаль: взгляд из Ташкента // Зеркало XXI. 2011, 25 мая.

учта истиқболли (Хоразм, Ўрта Сирдарё ва Зарафшон) минтақалар мавжуд. Расмий маълумотларга биноан Ўзбекистонда 243 та нефть ва газ конлари очилган[8].

Жанубий Корея инвесторлари билан ҳамкорликда Сурғил кони негизида барпо этилган умумий қиймати 4 млрд. доллардан ошадиган Устюрт газ-кимё мажмуаси дунёдаги энг замонавий, юқори технологиялар асосида ишлайдиган йирик корхоналардан бири сифатида эътироф этила бошлади[9]. Кўриниб турибдики, мамлакатда мустақилликнинг ўтган 25 йили ичида замонавий ёқилғи-энергетика комплекси шаклланиб, у бу соҳада ривожланган мамлакатлар даражасига етиб олди.

Мустақиллик даврида бозор иқтисодиётининг асосий тармоғи, фуқаролик жамиятининг иқтисодий таянчи бўлган хусусий бизнес ва тадбиркорликнинг ривожланиши ҳам беқиёс даражада ривожланди. Айниқса, унинг ҳуқуқий асослари фуқаролик жамияти қуриш талаблари асосида шакллантирилди. Мамлакатда кичик бизнес соҳасида якка тадбиркорлик энг кўп тарқалган хўжалик сифатида ривожланди. Статистик маълумотларга кўра, 1992 йилда рўйхатга олинган кичик бизнес корхоналарининг сони атиги 16,5 мингтани ташкил этган бўлса, 2010 йилда бу кўрсаткич (фермер ва деҳқон хўжаликларини ҳисобга олмаганда) 224,2 мингтадан ошиб кетди. Бу кўрсаткич 2000 йилга нисбатан 2 баробар ўсди[10]. Мустақиллик давридаги ислоҳотлар натижаси ўлароқ ялпи ички маҳсулотда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг улуши 2000 йилдаги 31 фоиздан 2016 йилда 56,7 фоизга етди ёки бу даврда 1,8 баробар ошди. Ҳозирги даврда бу соҳада жами саноат маҳсулотларининг учдан бир қисми, қишлоқ хўжалиги маҳсулотларининг 98 фоизи ишлаб чиқарилмоқда[11]. Иш билан банд жами аҳолининг 77 фоиздан ортиғи мазкур тармоқда меҳнат қилмоқда. Тадбиркорлик фаолиятидан олинган даромадлар улуши 2010 йилдаги 47,1 фоиз ўрнига 2015 йилда 52 фоизга ўсди. Бу МДҲ мамлакатларидаги кўрсаткичлардан анча юқори эканлиги билан ажралиб турибди[12].

Мустақилликнинг илк даврида ғалла мустақиллигига эришиш энг долзарб вазифа эди. Шунинг учун ҳам Президент Ислом Каримов аграр соҳани ривожлантиришга алоҳида эътибор қаратди. Бу даврда қишлоқ хўжалигида туб исло-

---

[8] Қориева М. Мустақиллик — эркин ва фаровон ҳаёт. Тошкент, 2013. 69-б.

[9] Каримов И.А. Бош мақсадимиз — иқтисодиётимизда олиб бораётган ислоҳотларни ва таркибий ўзгаришларни кескин чуқурлаштириш, хусусий мулкчилик, кичик бизнес ва тадбиркорликка кенг йўл очиб беришдир / Мамлакатимизни 2015 йилда ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш якунлари ва 2016 йилга мўлжалланган иқтисодий дастурнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамасининг кенгайтирилган мажлисидаги маъруза. 2016 йил. 15 январь. Тошкент, 2016. 15-б.

[10] *Қаранг*: O'zbekistonda demokratik jamiyat qurish nazariyasi va amaliyoti / M. Qirg'izboyevning umumiy tahriri ostida. Toshkent, 2014. 204-b.

[11] Каримов И.А. Бош мақсадимиз — иқтисодиётимизда олиб бораётган ислоҳотларни ... 11-б.

[12] Ўша манба. 23-б.

ҳотлар амалга оширилиб, хўжалик юритишнинг бозор иқтисодиёти муносабатларига хос бўлган замонавий шакллари жорий этилди. Айниқса, хусусий мулкчилик шаклидаги фермер хўжаликларининг ташкил этилганлиги соҳа ривожида муҳим аҳамият касб этди. Мустақиллик даврида фермер хўжаликлари қишлоқ хўжалик маҳсулотлари етиштирувчи асосий кучга айланди.

Мустақилликнинг дастлабки 15 йили ичида колхозлар, совхозлар ва бошқа давлатга қарашли хўжаликлар тугатилиб, 215 мингдан ортиқроқ фермер хўжаликлари ташкил топди. 2009 йилда фермер хўжаликларининг ер майдонларини мақбуллаштириш бўйича кенг кўламли ва пухта ўйланган ишлар амалга оширилди. Натижада, 26 минг 753 та (24,9 фоиз) фермер хўжаликлари тугатилиб, фермер хўжаликларининг умумий сони 80 минг 628 тани ташкил этди. Ўртача бир фермер хўжалигига тўғри келган ер майдони 62,4 гектардан иборат бўлди. Пировард натижада мамлакатдаги жами ҳайдаладиган ерларнинг 85 фоиздан ортиғи, етиштириладиган қишлоқ хўжалиги маҳсулотларининг асосий қисми айнан фермерлар ҳиссасига тўғри кела бошлади[13].

Мустақиллик даврида қишлоқлар қиёфаси таниб бўлмас даражада ўзгарди. Қишлоқларга ишлаб чиқариш ва саноат жадал суръатлар билан кириб келди. Мамлакатдаги барча қишлоқларда намунавий лойиҳалар асосида қурилган уй-жойлар даҳалари барпо этилди. Бу барча замонавий қулайликларга эга бўлган уйлар қишлоқлар қиёфасини бутунлай ўзгартириб юборди. Фақат 2015 йилнинг ўзида қишлоқларда намунавий лойиҳалар асосида 12 мингта замонавий уй-жойлар қурилди[14].

Бозор иқтисодиётининг асосий йўналишларидан бири — хизмат кўрсатиш соҳаси ҳам жадал ривожланди. Жумладан, 2015 йилда ялпи ички маҳсулот ўсишининг ярмидан кўпи хизмат кўрсатиш соҳаси ҳиссасига тўғри келди. 2015 йилга келиб хизмат кўрсатиш соҳасининг ялпи ички маҳсулотдаги улуши 2010 йилдаги 49 фоиздан 54,5 фоизга ошди. Жами иш билан банд аҳолининг ярмидан кўпроғи шу соҳада меҳнат қилмоқда[15].

2014 йилга келиб мамлакат иқтисодиёти 5 баробар, аҳоли даромадлари жон бошига ўртача 8,7 баробар, аҳоли жон бошига тўғри келадиган реал даромадлар 12 баробар ўсди. Олтин-валюта захиралари барқарор суръатлар билан кўпайиб бормоқда[16]. Жаҳондаги мамлакатларда молиявий-иқтисодий инқироз ҳамон да-

---

[13] *Қаранг*: O'zbekistonda demokratik jamiyat qurish nazariyasi va amaliyoti... 196-б.

[14] Каримов И.А. Асосий вазифамиз — жамиятимизни ислоҳ этиш ва демократлаштириш, мамлакатимизни модернизация қилиш жараёнларини янги босқичга кўтаришдан иборат / Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганининг 23 йиллигига бағишланган тантанали маросимдаги маъруза. Тошкент, 2015. 32-б.

[15] Каримов И.А. Бош мақсадимиз — иқтисодиётимизда олиб бораётган ислоҳотларни ... 19-б.

[16] Каримов И.А. Мамлакатимизни демократик янгилаш ва модернизация қилишга қаратилган тараққиёт йўлимизни қатъият билан давом эттириш — бош мақсадимиздир / Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганининг 22 йиллигига бағишланган тантанали маросимдаги маъруза. Тошкент, 2014. 4-б.

вом этаётганига қарамасдан мамлакатда кейинги ўн йилликда ялпи ички маҳсулотнинг ўсиши фақат 8 фоиздан юқори кўрсаткични ташкил этмоқда. Шунингдек, 2015 йилда ҳам ялпи ички маҳсулот 8 фоиз, саноат маҳсулотлари ишлаб чиқариш ҳажми 8 фоиз, қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари қарийб 7 фоиз, қурилиш-монтаж ишлари ҳажми салкам 18 фоизга ошди[17].

Кўриниб турибдики, Ўзбекистонда замонавий бозор иқтисодиёти фақат мустақиллик даврига келиб шакллана бошлади. Бу даврда халқнинг сиёсий, ижтимоий ва иқтисодий эркинликларга эришиши, Ўзбекистонни миллий қадриятлар ва ривожланган мамлакатлар тажрибаси асосида ва мустақил давлат сифатида ривожланиш стратегиясини танлаганлиги, давлатнинг бош ислоҳотчи сифатидаги олиб борган фаолияти натижаси ўлароқ мамлакатнинг иқтисодий салоҳияти мислсиз даражада ўсиб борди. Мамлакат жаҳон ҳамжамияти томонидан иқтисодиёти ривожланган давлат сифатида эътироф этилди. Халқаро миқёсда катта нуфузга эга бўлган Жаҳон иқтисодий форуми рейтингига кўра, Ўзбекистон 2014–2015 йиллардаги ривожланиш якунлари ва 2016–2017 йилларда иқтисодий ўсиш прогнозлари бўйича дунёдаги энг тез ривожланаётган бешта мамлакатнинг бири сифатида эътироф этилди.

2000–2015 йилларда меҳнат унумдорлиги 2,3 марта ошди. Шунингдек, мустақиллик давридаги кенг миқёсли ривожланиш — мамлакатни модернизациялаш ва диверсификациялаш асосида саноат маҳсулотлари ишлаб чиқариш 4,4 марта ўсди.

2016 йилнинг 22 июнида «Ангрен-Поп» темир йўлининг очилиши йирик тарихий воқелик бўлди. Мазкур темир йўл 123 км ни ташкил этиб, унинг 19,2 км дан иборат қисми — «Қамчиқ» тоннели қисқа муддатда — 32 ойда қуриб битказилди[18]. Хитой билан ҳамкорликда бунёд этилган «Ангрен-Поп» темир йўлининг ишга туширилиши мамлакатнинг қисқа — 25 йил ичида улкан салоҳиятга эришганлигини, жаҳондаги энг йирик мамлакатлар билан тенглик ва ўзаро манфаатдорлик асосида ўзаро шерикчилик қила олиш даражасини эгаллаганлигини англатиб турибди.

Мустақиллик мамлакатнинг миллий манфаатлар асосида иқтисодий ривожланиши учун зарур бўлган шарт-шароитларни яратиб берди. Қисқа давр ичида мамлакатни модернизациялаш жараёнлари натижасида иқтисодиёт ривожланган мамлакатларга хос суръатлар билан ўса бошлади. Бунинг натижасида мамлакатда ҳуқуқий давлат ва фуқаролик жамияти қуришнинг мустаҳкам иқтисодий таянчи вужудга келди.

**Маданий-маънавий ва ижтимоий соҳадаги ўзгаришлар**. Мустақиллик иқтисодий ва ижтимоий фаровонликдан ташқари халқимизга эркинлик ва инсон

---

[17] Каримов И.А. Бош мақсадимиз — иқтисодиётимизда олиб бораётган ислоҳотларни ... 21-б.

[18] Ислам Каримов и Си Цзиньпин запустили железную дорогу «Ангрен-Пап» через перевал Камчик // Азия-Плюс. Москва, 2016. 23 июня.

ҳуқуқларини таъминлашнинг кафолатларини яратиб берди. Мамлакатда халқаро меъёрлар талаблари даражасидаги виждон, эътиқод, мафкуралар плюрализми ва фикрлар хилма-хиллиги эркинлигининг ҳуқуқий асослари яратилди. Бу ҳолат халқимизнинг миллий уйғониши учун жиддий туртки бўлди. Ҳозирги даврга келиб Ўзбекистонда 16 та турли конфессияларга мансуб бўлган 2223 та диний ташкилотлар давлат рўйхатидан ўтган. Улардан 2037 таси мусулмон масжидлари ҳисобланади (1990 йилда уларнинг сони атиги 86 тани ташкил этар эди, холос)[19]. Бу даврда нафақат динлар ва конфессиялараро ўзаро зиддиятлар барҳам топди, балки улар ўртасида жамиятнинг барқарор яшаши ва тинчликни сақлаш ва ўзаро биродарликни ривожлантириш соҳаларида ўзига хос ҳамкорлик фаолиятлари шаклланди.

Миллий қонунчилик томонидан кафолатланган диний эътиқод эркинлиги шарофати билан 135 дан ортиқ миллатлар ва этник гуруҳларнинг ўзларини диний эътиқодларини амалга оширишлари, диний маросимларини ўтказишлари учун барча шарт-шароитлар яратилди. Мамлакатда Тошкент Ислом институтида, 9 мадрасада, православ ва протестант семинарияларида диний таълим бериш йўлга қўйилди. Мустақиллик даврида 100 мингдан ортиқ мусулмонлар Саудия Арабистонида Ҳаж зиёратини амалга оширди. Яна 1500 дан ортиқ мамлакат фуқаролари Россия, Юнонистон ва Исроилдаги христианлар ва яҳудийлар муқаддас зиёратгоҳларини тавоб этиб келди[20]. Оддий ўзаро муомала тили даражасига туширилган ўзбек тилига давлат тили мақомининг берилиши халқимизни миллий ўзини ўзи англашида муҳим аҳамият касб эта бошлади.

Инсон маънавиятини шакллантиришга бевосита таъсир қиладиган яна бир муҳим ҳаётий омил — бу таълим-тарбия тизими билан чамбарчас боғлиқдир. Мамлакатда Кадрлар тайёрлаш миллий дастурини амалга ошириш жараёнида мактаб таълими, айниқса, умумтаълим мактабларининг моддий-техник базасини мустаҳкамлашга эътибор кучайтирилди. Таълим тизимида ривожланган мамлакатларга хос бўлган таълим турлари шаклланди. Мамлакат маънавий ҳаёти учун бутунлай янги бўлган лицей ва коллежларда таълим олишдек замонавий таълим турлари барпо этилди. 9500 дан ортиқ мактабларнинг барчаси замонавий лойиҳалар асосида қайта таъмирланди, аксарияти қайтадан қурилди. Замонавий архитектура талаблари асосида 1500 та янги касб-ҳунар коллежи ва академик лицейлар барпо этилди. Мустақиллик даврида олий ўқув юртларининг сони 2 марта ошди. Ҳозирги даврда 60 та университет ва институтларда 230 минг нафардан зиёд талабалар таҳсил олмоқда[21].

Ўзбекистонда Европа ва Осиёнинг бир қатор етакчи олий ўқув юртларининг филиаллари, жумладан, Вестминстер университети, Сингапур менежментни ри-

---

[19] Ю с у п о в О. Основы вероисповедания в Узбекистане. 11.11.2013. // http://religions.uz/rus/ news / osnovi_ vero ispoveda niya_ v_uzbekistane.mgr.

[20] Ў ш а ж о й д а.

[21] Образование в Узбекистане// http://uzbekistan.kg/uz11.php.

вожлантириш институти, Турин политехника университети, Россия нефть ва газ университети, Москва давлат университети, Россия иқтисодиёт университети, Жанубий Кореянинг Инха университети филиаллари фаолият юритмоқда[22].

Халқимиз маънавиятининг миллий тарзда қайта тикланишида миллий урф-одатлар ва улар мазмунини ташкил этадиган ўзаро меҳр-оқибат, инсонни улуғлаш, тинч ва осойишта ҳаёт, дўстлик ва тотувликни қадрлаш, турли муаммоларни биргалашиб ҳал қилиш каби қадриятлар қайтадан тикланди. Ҳар йили Наврўз ва Мустақиллик байрамларини ўтказиш анъанага айланди. Халқимизнинг тарихий хотирасини тиклашга муҳим аҳамият берилди. Фуқаролик жамияти қуриш ислоҳотларида асосий эътибор марказига инсон ва унинг манфаатлари қўйилди. Унинг моҳияти «ислоҳот ислоҳот учун эмас, аввало инсон учун, унинг фаровон ҳаёти учун хизмат қилиши керак», деган мақсадда ифода этила бошлади.

Тошкентда Амир Темур хиёбонига, Самарқанддаги Кўксарой, Шаҳрисабздаги Оқсарой майдонига Соҳибқирон Амир Темурнинг ҳайкаллари қўйилди. Фарғона шаҳрида — Аҳмад Фарғоний, Урганчда — Муҳаммад Мусо Хоразмий ва Жалолиддин Мангуберди, Тошкент ва Навоий шаҳарларида — Алишер Навоий, Тошкентда Ғафур Ғулом, Абдулла Қаҳҳор ва Зулфия сингари миллатимиз зиёлилари, ёзувчи ва шоирларига ҳайкаллар қўйилди. Термиз шаҳридаги Алпомиш, Қарши шаҳридаги «Эл-юрт таянчи» ва бошқа ўнлаб монументал санъат асарлари шаҳарлар кўркига миллий руҳият бахш этмоқда. Тошкент шаҳрининг марказида — Мустақиллик ва Хотира майдонларидаги замонавий миллий монументал асарлар, ноёб санъат намунаси сифатида эътироф этилган Мустақиллик ва эзгулик монументи, Мотамсаро она ҳайкали Мустақиллик ғоясининг мазмунини англатиб турибди. Мустақиллик даврида барпо этилган — Бухорода Абдулхолиқ Ғиждувоний ва Баҳоуддин Нақшбанд, Самарқандда Имом Бухорий ва Имом Мотуридий, Марғилонда Бурҳониддин Марғиноний, Тошкент шаҳрида Ҳазрати Имом сингари ёдгорлик мажмуаларининг барпо этилиши халқимизнинг маънавий уйғоқлиги тимсолига айланди.

Шунингдек, Хоразм Маъмун академиясининг тикланиши халқимиз тарихий хотирасининг тикланишида муҳим аҳамият касб эта бошлади. Абу Наср ибн Ироқ, Абу Наср Форобий, Абу Райҳон Беруний ва Ибн Сино, Маҳмуд Хўжандий, Аҳмад ибн Муҳаммад Хоразмий, Аҳмад ибн Ҳамид Найсабурий ва Алишер Навоий каби мутафаккирларнинг ҳаёт йўлларини чуқур ўрганиш жараёнининг бошланиши, уларнинг асарлари кенг миқёсда нашр этилиши халқимизга миллий ғурур ва ифтихор ҳис-туйғуларини бағишламоқда.

Мустақиллик даврида халқимиз ўртасида миллий руҳият, миллий ва умуминсоний ҳаёт кечинмалари намуналарини халқимиз ҳаёт тарзига сингдиришга қаратилган театр ва кино санъати шаклланди. Мустақиллик шарофати билан

---

[22] Зарубежные вузы в Узбекистане. //http://utro.uz/uzbekistan-news/1048-zarubezhnye-vuzy-v-uzbekistane.html.

санъат даргоҳларида замонамиз қаҳрамонларининг ижобий қиёфаларини очиб бера оладиган янги асарлар яратилди. Янги миллий руҳда шаклланган спектакллар ва фильмлар миллий маънавиятимиз ва умумбашарий қадриятлар уйғунлиги асосида мустақил фикрлайдиган, миллий манфаатларни ўз дунёқарашларида ифодалайдиган инсонлар образларини яратмоқда. Шунингдек, миллий маънавиятимиз руҳидаги тасвирий санъат ва монументал санъат намуналарини яратишга асос солинди. Миллий санъатимиз нафақат қайтадан тикланди, балки у миллий ва умуминсоний уйғунлик асосида ўзининг янгидан-янги қирраларини очмоқда.

Ўзбекистонда чорак аср давомида юз берган ижобий ўзгаришлар қуйидаги ижтимоий ривожланиш кўрсаткичларида ҳам ўз ифодасини топди: ҳар 100 оиланинг 42 таси енгил автомобилларга эга бўлиб, бу беш йил аввалги кўрсаткичдан 1,5 баробар кўп, 47 та оила шахсий компьютерлар билан таъминланган ва бу даврда ўсиш 3,9 баробарни ташкил этди. Шунингдек, ҳар 100 та оиладан 31 таси кондиционерга эга ёки бу борадаги ўсиш 1,7 баробарга тенг, ҳар 100 та оилага 234 та мобиль телефон тўғри келмоқда ёки бу соҳадаги ўсиш 1,6 баробарни ташкил этмоқда[23].

Мамлакат мустақиллик даврида эришган улкан ютуқлар халқаро ташкилотлар томонидан ҳам эътироф этилмоқда: БМТ ҳомийлигида мустақил ташкилотлар гуруҳи ва халқаро экспертлар иштирокида 2015 йилда 158 та давлатда «Дунёнинг энг бахтли мамлакатлари» деган мавзуда тадқиқот ўтказилди. Ҳар қайси мамлакатнинг ўз фуқароларини бахтли ҳаёт билан таъминлаш қобилиятини ифода этадиган ушбу индекс бўйича Ўзбекистон 44-ўринни эгаллади. Айтиш жоизки, Ўзбекистон 2013 йилда бу рейтингда 60-ўринда эди[24].

Мустақилликнинг қисқа даври ичидаги туб ўзгаришлар — иқтисодий, ижтимоий ва маданий соҳалардаги улкан юксалишлар, халқимиз дунёқарашидаги чуқур ўзгаришлар, мамлакатни жаҳон ҳамжамиятининг фаол субъекти сифатида фаолият юрита бошлаши — бу асрларга татигулик ривожланиш демакдир. Бу каби улкан ютуқларни қўлга киритишда давлат раҳбари томонидан ривожланиш стратегиясининг тўғри танланганлиги, демократик принципларга асосланган бошқарув тизимининг шакллантирилганлиги, халқчиллик асосида ички ва ташқи сиёсат юритилганлиги каби омиллар муҳим роль ўйнади. Бу даврдаги ривожланиш стратегиясининг асл моҳиятини Президент И.А. Каримов қуйидагича ифодалаб берган эди: «Бугун биз тарихий бир даврда — халқимиз ўз олдига эзгу ва улуғ мақсадлар қўйиб, тинч-осойишта ҳаёт кечираётган, аввалambor ўз куч ва имкониятларига таяниб, демократик давлат ва фуқаролик жамияти қуриш йўлида улкан натижаларни қўлга киритаётган бир замонда яшамоқдамиз. Биз ўз тақдиримизни ўз қўлимизга олиб, азалий қадриятларимизга суяниб, шу билан бирга, тараққий топган давлатлар тажрибасини ҳисоб-

---

[23] Каримов И.А. Бош мақсадимиз — иқтисодиётимизда олиб бораётган ислоҳотларни ... 24-б.

[24] Ўша манба. 24–25-б.

га олган ҳолда, мана шундай олижаноб интилишлар билан яшаётганимиз, халқимиз асрлар давомида орзиқиб кутган озод, эркин ва фаровон ҳаётни барпо этаётганимиз, бу йўлда эришаётган ютуқларимизни халқаро ҳамжамият тан олгани — бундай имкониятларнинг барчасини айнан мустақиллик берганини бугун ҳаммамиз чуқур англаймиз»[25].

Умуман, мустақилликнинг ўтган 25 йили ичида Ўзбекистон давлатнинг бош ислоҳотчилиги асосида олиб борган фаолияти натижасида эски тузумнинг мафкуравий ва мустабидлик асоратларига барҳам берди, фуқаролик жамияти ва ҳуқуқий давлат қуришнинг қуйидаги белгилари ва сифатларини шакллантирди:

• энг муҳими — инсон ҳуқуқлари ва эркинликларини ҳимоя қилишнинг ҳуқуқий асослари ва амалиёти шакллантирилди;

• яккаҳоким партиянинг маъмурий-буйруқбозлик бошқаруви ва мафкуравий ақидаларга бўйсуниб яшаш тарзига барҳам берилиб, қонун устувор бўлган жамият қуришга эришилди, қонуннинг барчага баробарлиги принципига амал қилиш даври бошланди;

• инсоннинг яратувчилик, ташаббускорлик, интилувчанлик, фаоллик сифатларини шакллантирувчи, унга фаровонлик бахш этувчи хусусий мулкчилик шаклланди. Бунинг натижасида фуқароларда Ватан қадрини чуқур қалбан ҳис қилиш, ўзини ўзи англаш, ўз эркинлигини намоён қила олиш қобилиятлари шаклланди;

• эски яккапартиявий тоталитар давлат, маъмурий-буйруқбозликка асосланган бошқарувга бутунлай барҳам берилиб, демократик тамойиллар асосида давлат бошқаруви ва ўзини бошқариш тизими қарор топди; Миллий ижро ҳокимияти — ҳукумат, туман, шаҳар, вилоят ҳокимликлари миллий ва халқаро тажрибалар асосида ташкил этилди, улар ҳуқуқий давлатга хос бўлган ваколатлар билан таъминланди, ҳокимият органларининг бир-бирларини такрорлаш ва ўрнини босиш ҳолатларига бутунлай барҳам берилди;

• жамиятдаги ижтимоий қатламлар манфаатларини ифодаловчи, шу асосда қонунлар қабул қиладиган бутунлай янги, демократик принциплар асосида фаолият юритадиган қонунчилик ҳокимияти — Олий Мажлис шакллантирилди;

• жамиятда қонун устуворлиги ва ижтимоий адолатнинг амал қилишини таъминлаш ваколатлари билан таъминланган суд ҳокимияти вужудга келди;

• жамиятда фикрлар ва қарашлар хилма-хиллигини ўзида акс эттирадиган, жамиятдаги ижтимоий қатламларнинг манфаатларини парламент ва маҳаллий вакиллик органларида ифода этадиган ва ҳимоя қиладиган кўппартиявийлик тизими шаклланди;

• халқнинг хоҳиш-истаклари асосида давлат органларини шакллантириш воситаси — демократик сайловлар тизими шакллантирилди ва у ҳаётда ўзининг самарасини бера бошлади;

---

[25] Каримов И.А. Юксак маънавият — енгилмас куч. Тошкент, 2008. 3-б.

• партия ва давлатдан холи бўлган фуқаролик жамиятининг институтлари — нодавлат нотижорат ташкилотлар тизими шаклланди;

• ўзини ўзи бошқариш органлари партиядан ва давлатдан ажратилиб, фуқаролик жамиятининг институти сифатида ривожлана бошлади;

• миллий қадриятлар ва миллий маънавият мамлакат халқининг асосий дунёқарашига айланишини таъминлайдиган ҳуқуқий асослар яратилди;

• қисқа давр ичида халқнинг фаровонлигини ошириш, фуқароларни ижтимоий ҳимоялашнинг асосий омили — бозор иқтисодиёти шаклланди. У мамлакатнинг ривожланган мамлакатларга хос тараққиётини таъминлай олди;

• мамлакатда фуқаролик жамиятининг иқтисодий таянчи — тадбиркорлар, ишбилармонлар, фермерлар ижтимоий қатламлари шаклланди. Улар хусусий мулкни ривожлантириш ва давлат мулкини хусусийлаштиришга доир давлат сиёсатини амалга ошириш натижаси ўлароқ мулкдорлар синфи сифатида ўзини намоён қила бошлади;

• иқтисодий ривожланиш натижасида мамлакатнинг мудофаа қобилияти ва ҳарбий қудрати юксалди, мамлакат сарҳадларини ҳимоялашга қодир бўлган миллий армия шаклланди;

• мамлакат қисқа вақт ичида жаҳон иқтисодий интеграцияси ва халқаро сиёсатининг фаол субъектига айланди. Ўзбекистоннинг хавфсизлик ва тинчликни сақлашга доир ташаббуслари жаҳондаги йирик давлатлар ва халқаро ташкилотлар томонидан эътироф этилиши, улар асосида халқаро сиёсат йўналишларининг ишлаб чиқилиши анъанага айланди;

• мустақиллик даврида янгича фикрлайдиган, миллий жиҳатдан ўзини ўзи англайдиган янги авлод шаклланди.

Умуман, мустақилликнинг ўтган 25 йили ичида мамлакатда ҳуқуқий давлат ва фуқаролик жамиятининг ривожланиши учун сиёсий, иқтисодий-ижтимоий ва маданий-маънавий шарт-шароитлар яратилди. Улар замирида давлатнинг суверенлиги, жамият ва унинг аъзоларининг эркинлиги, инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тизимининг яратилганлиги, демократик қадриятларнинг ривожланиши, миллий мерос ва қадриятларнинг тикланиши, мамлакатнинг жаҳон иқтисодий интеграциясидан ўзига муносиб ўринни эгаллаши каби ютуқлар ётибди.

*М. ҚИРҒИЗБОЕВ*

# ЎЗБЕКИСТОН 25 ЙИЛ ИЧИДА: ЮКСАЛИШ ВА ТАРАҚҚИЁТ ЙЎЛИ

Тақдим этилаётган мазкур мақолада муаллиф Ўзбекистоннинг мустақиллик давридаги ривожланиш босқичлари жараёнларини ўрганади, дунё харитасида пайдо бўлган Ўзбекистон давлатининг жаҳон ҳамжамияти ва иқтисодий интеграциясида ўзига муносиб ўрин эгаллаши йўлидаги машаққатли фаолияти, олиб борган сиёсати ва амалга оширган ислоҳотлари натижаларини тарихий нуқтаи назар билан таҳлил этади.

*Калит сўзлар*: мустақиллик, суверенлик, давлат, парламент, мафкура, модернизация, иқтисодиёт, маданият, маънавият, ижтимоий, ҳуқуқий давлат, фуқаролик жамияти, саноат, қишлоқ хўжалиги, кичик бизнес, таълим.

*М. КИРГИЗБОЕВ*

## УЗБЕКИСТАН ЗА 25 ЛЕТ: ПУТЬ РАЗВИТИЯ И ПРОГРЕССА

В статье автор изучает процессы и этапы развития Узбекистана в период независимости, анализирует с исторической точки зрения проводимую политику, итоги осуществленных реформ и напряженную деятельность появившегося на карте мира Узбекского государства на пути обретения достойного места в мировом сообществе и интеграции во всемирную экономику.

*M. KIRGIZBOEV*

## UZBEKISTAN FOR 25 YEARS: THE PATH OF DEVELOPMENT AND PROGRESS

In this article the author examines the processes and stages of development of Uzbekistan in the period of independence, analyses from a historical point of view the current policy, the results of the implemented reforms and hard work of theUzbek state appeared on the world map on the path of finding a worthy place in the world community and integration into the world ekonomy.

Ш. РАХМАТУЛЛАЕВ

# «УЗБЕКСКАЯ МОДЕЛЬ» ПЕРЕХОДА К РЫНОЧНОЙ ЭКОНОМИКЕ: ОСОБЕННОСТИ ФОРМИРОВАНИЯ ПОЭТАПНЫХ РЕФОРМ

Минуло четверть века с момента распада бывшего Союза. Каждое вновь возникшее государство, в том числе Узбекистан, его руководство объективно стоят перед необходимостью подведения итогов самостоятельного развития — в какой степени соотносятся замыслы и планы первых шагов независимости с современными реалиями. Сегодня по прошествии времени имеется возможность объективной оценки тех сложных условий, в которых оказался Узбекистан непосредственно после распада СССР и, в частности, начального этапа процесса формирования собственной стратегии реформ, в которой главный акцент делается на наращивание экономического потенциала страны.

Известно, что неоднозначные геополитические и геоэкономические процессы на постсоветском пространстве в начале 1990-х годов, особенно противоречивое состояние экономики и социальной сферы, «диктовали свои условия» новым независимым государствам, в том числе и Узбекистану, в выборе основных приоритетов общественно-политического и социально-экономического развития.

Стартовые условия реформирования и оздоровления национальной экономики Узбекистана, как и в других республиках бывшего Союза, имели идентичные условия[1].

Во-первых, формирование новых рыночных регуляторов, инфраструктуры рынка, формирование и развитие частной собственности проходили на фоне демонтажа централизованной плановой системы, где вся экономическая система базировалась на всеобщем огосударствлении собственности.

Во-вторых, из-за сверхмонополизированной структуры народного хозяйства и фондирования распределения материальных ресурсов и капитальных вложений экономические свободы государственных предприятий были резко ограничены госзаказом. В результате диктовавшие свои условия на начальном этапе реформ госмонополия и централизованная финансово-кредитная система продолжали влиять на иждивенческий настрой в отраслях и на предприятиях, сводивших на нет все инициативы в области предпринимательства.

В-третьих, затяжной прогрессирующий экономический и структурный кризис экономики, сопровождавшийся спадом производства, нарастанием гиперинфляции с ограниченными возможностями выхода на мировой рынок, неконкурентоспособной промышленной продукцией, ограниченностью валютных ресурсов и т. п., существенно отразился на снижении уровня жизни населения.

---

[1] Каримов И.А. Узбекистан: национальная независимость, экономика, политика, идеология. Ташкент, 1996. Т. 1. С. 269–270.

В действительности почти для всех стран бывшего Союза последствия практики перехода на новые рыночные отношения протекали болезненно, а для иных построение нового государства оказалось неудачным.

Вместе с тем, для Узбекистана трудности стартового периода были вызваны, помимо общих причин, и рядом специфических, связанных с превалированием интересов Центра (особенно в ценовой политике) над интересами республики. На протяжении многих десятилетий, как и прежде при царской власти, региону отводилась роль сырьевого придатка и рынка сбыта готовой продукции. Имея достаточный ресурсный (человеческий, сырьевой, частично производственный) потенциал, из-за сложившейся неадекватной структуры народного хозяйства, ограничивавшей возможности самостоятельного развития, Узбекистан на рубеже 1980-х и 1990-х гг. оказался в тисках острейшего кризиса.

Здесь нельзя не согласиться с некоторыми ремарками западных исследователей, в частности, К. Мюллер, которая отмечала, что «задач, связанных с преобразованием экономической системы — с переходом от планового хозяйства к рыночной экономике, в государствах Центральной Азии (особенно для Узбекистана — *Р.Ш.)* оказалось больше, чем во многих других странах с переходной экономикой ...»[2].

Таким образом, народно-хозяйственный комплекс автаркического характера с «социалистическими особенностями» требовал осуществления глубоких системных изменений, направленных на ломку неэффективной, по сути затратной планово-распорядительной, командно-административной системы, и перехода к многоукладной экономике с соответствующими институциональными преобразованиями.

Узбекистан и его народ оказались на пороге выбора различных вариантов альтернативных путей дальнейшего развития, которые предлагала история. Так, по мнению некоторых отечественных экспертов, в мире во второй половине XX в. сложилось несколько типичных моделей, которые носили глобальный характер и обобщали группу стран[3]:

— азиатская модель экономики, которая характерна хозяйственной специфической структурой, основанной на азиатском способе производства (АСП), и восточным менталитетом;

— европейская модель, характерная для стран Западной и Центральной Европы;

— латиноамериканская модель, характерная для государств Центральной и Южной Америки;

---

[2] Мюллер К. Бедность и социальная политика в центральноазиатских государствах с переходной экономикой. Отчеты и экспертные оценки. / Немецкий институт сотрудничества и развития. Bonn. 6/2003. С. III–IV.

[3] Тухлиев Н., Таксанов А. Национальная экономическая модель Узбекистана. Ташкент, 2000. С. 11–14.

— азиатско-тихоокеанская модель, где реформировались типичные для 1970–1980-х годов новые индустриальные страны типа четырех азиатских «тигров» (Гонконг, Сингапур, Южная Корея, Тайвань) и «дракона» (Япония);

— африканская модель, характерная для 80 % стран Африканского континента, бывших колоний развитых европейских государств.

Как показала мировая практика, не существует оптимальной (универсальной) модели, отвечающей всем условиям и особенностям каждой страны и общества. Естественно, некоторые из вышеперечисленных моделей больше соответствуют условиям Узбекистана как исторически, так и по многим другим показателям (природным, географическим и т. д.) и приемлемы для образца, особенно, если учитывать многовековой опыт хозяйственного мышления и поведения, базирующийся на АСП. Тем более, что последний «опыт» социально-экономического развития при командно-административном строе в составе бывшего Союза, как считают те же эксперты, был одной из разновидностей АСП[4], что в конечном итоге наложило свой отпечаток на выбор пути глубоких преобразований.

Вместе с тем, выбор был уже сделан еще на пороге независимости в пользу рыночного пути развития, прообразом которого стала модель развития ведущих стран.

Отсюда вытекает естественный вопрос: мог ли капитализм (вернее, слепое его копирование) решить накопившиеся проблемы в ближайшие годы? Однозначного ответа на тот период и тем более в современных условиях нет, так как еще в начале 1990-х годов исследования по данному вопросу выявили вместо ответов ряд неоднозначных проблем. Так, например, латиноамериканские страны более полутора веков следовали примеру своего северного соседа (США), но ВНП на душу населения на тот период (1 822 долл. в 1986 г.) у них был почти в 10 раз меньше, чем в США, хотя последние оказывали им широкую помощь в подготовке местных бизнесменов. В странах Азии и Африки ВНП еще ниже (711 и 564 долл. соответственно), и они отставали от США в 20–25 раз, отдельные наименее развитые страны — в 100 раз (Бутан — 133, Заир — 162, Непал — 188 долл.). Здесь необходимо отметить, что они «учились» свободному предпринимательству уже несколько десятилетий[5].

Из 140 стран, избравших путь капиталистического развития, почти 1/3 не достигли за десятилетия хотя бы среднего уровня развития, оставаясь слаборазвитыми и даже не «капиталистическими», а только «капиталистически ориентированными»[6].

---

[4] Тухлиев Н., Таксанов А. Национальная экономическая модель Узбекистана. Ташкент, 2000. С. 21–30.

[5] Старушенко Г.Б. Общественный строй: какой он у нас может быть? // Социологические исследования. Москва, 1992. №12. С. 83.

[6] Там же. С. 84.

Следовательно, если бы Узбекистан избрал традиционный путь западного (классического) рыночного развития, для выхода из кризиса ему понадобилось бы не только неопределенно длительное время, но и смена базиса в лице историко-культурных традиций, надстройки в методах хозяйствования. Правда, новоиндустриальные государства, такие как Южная Корея, Тайвань, Сингапур, Таиланд, Малайзия и некоторые другие, добились ощутимых успехов в развитии экономики на пути свободного предпринимательства за два десятилетия. Но этому способствовал ряд обстоятельств (прежде всего, геоэкономических), которые в Республике Узбекистан отсутствовали либо на тот период были неприемлемы.

Вместе с тем, международный опыт показал, что широкое использование рынка, рыночных отношений продуцирует не только положительные, но и определенные отрицательные последствия. Либерализация цен на товары, особенно на ТНП, на начальной стадии реформ приводит к снижению жизненного уровня населения и росту безработицы. Для периода первоначального накопления капитала также характерны спекуляция и биржевые махинации, нежелание и неспособность организовать массовое производство товаров, легкое обогащение и трагические банкротства с дальнейшими негативными последствиями, прежде всего, для социально уязвимых слоев населения.

Попытка перевода народного хозяйства на рыночные рельсы в постсоветском пространстве впервые была зафиксирована в конце 1980-х годов. Были разработаны две программы: т. н. правительственная[7] и Шаталинская («500 дней»)[8], в последующем объединенные в одну с учетом предложений, высказанных на сессии Верховного Совета СССР и союзных республик[9] и получивших должную оценку. По утверждению И.А. Каримова, «множество построенных на различных подходах проектов программ стабилизации экономики и перехода на рыночные отношения свидетельствовало об отсутствии четкой цели реформирования, а по срокам их реализации — «пятьсот дней» — об отсутствии реального осознания глубины и сложности необходимых преобразований. В вырабатываемых в Центре программах и мерах реформирования игнорировались интересы субъектов федерации — республик»[10].

Не случайно поэтому, что большинство руководителей республик с самого начала выступили против механического переноса союзной концепции в программы перехода к рыночным отношениям союзных республик и рекомендовали разработать проекты перехода к рынку для каждой союзной республики в отдельности.

---

[7] Правда. 1990. 21 мая.

[8] Впору ли нам Шаталинские валенки? // Правда. 1990. 15 сентября.

[9] Акрамов Э.А., Таиров А.Э. Экономические реформы Республики Узбекистан. Москва, 1998. С. 26–27.

[10] Каримов И.А. Узбекистан: национальная независимость, экономика... С. 269.

Такая работа началась и в Узбекистане. Прежде всего, надо было обосновать основные принципы, на которых базировалась бы республиканская программа стабилизации народного хозяйства путем широкого использования рыночных отношений. Такую миссию взял на себя руководитель Узбекистана И.А. Каримов. Уже к октябрю 1990 г. в республике был разработан проект «Основные направления стабилизации народного хозяйства Узбекистана и принципы вхождения в рыночную экономику», широко освещаемый в республиканских СМИ[11].

В первой республиканской программе перехода к рыночным отношениям были раскрыты основные мероприятия по переходу на рыночные отношения, где особое место отводилось таким вопросам, как перестройка государственных структур управления, обеспечивающих экономическую целостность, суверенитет республики, расширение самостоятельности организаций и предприятий, социальная защита населения и т. д. Важнейшим условием функционирования народного хозяйства в рыночной экономике было признано достижение суверенитета республики во внешнеэкономических связях[12].

Необходимо отметить, что в данной программе обозначились признаки будущей республиканской модели — особый уклон на государственную систему социальной защиты населения от негативных последствий развития рыночных отношений.

Обретение независимости коренным образом изменило всю совокупность условий социально-экономического развития республики, в связи с чем нужно было пересмотреть в соответствии с создавшейся обстановкой ранее разработанную программу. Для этого следовало всесторонне проанализировать мировой опыт, принять во внимание цивилизационные особенности общественно-исторического и хозяйственного развития Узбекистана, определить и обосновать дополнительные принципиальные положения проведения экономических реформ в республике.

Начало 1990-х годов явилось временем дискуссий о путях и методах, темпах и сроках структурного обновления. Особенно острая полемика развернулась в определении подходов к процессам трансформации планово-распорядительной системы в рыночную, многоукладную. В концептуальном видении обозначались две альтернативные модели: первая — либерально-монетаристская (или «революционная») и вторая — «эволюционная». Сторонники первой ратовали за необходимость ускоренного вхождения в рынок, использования сильнодействующих «лекарств», так называемой «шоковой терапии». Приверженцы второй полагали разумным осуществлять постепенную трансформацию.

---

[11] Основные направления стабилизации народного хозяйства и перехода к рыночной экономике // Правда Востока. 1990. 31 октября.

[12] Акрамов Э.А., Таиров А.Э. Экономические реформы Республики Узбекистан. Москва, 1998. С. 35.; Ўлмасов А., Вахобов А. Иқтисодий тузумни қайта қуриш. Бозор иқтисодига ўтишнинг ўзига хос йўли // Мустақил Ўзбекистон тарихининг дастлабки саҳифалари (даврий тўплам). Тошкент, 2000. № 3. С. 41–42.

Начало новой эпохи не только на постсоветском, но и на всем «постсоциалистическом» пространстве не оставили без «внимания» влиятельные международные организации, особенно международные финансовые институты, преследующие прежде всего интересы их основателей — развитых стран. Они стали «активно содействовать», пытаясь влиять на преобразовательные процессы и ход реформ, предоставляя правительствам рекомендации по осуществлению перехода к рыночной экономике.

Как отмечается в международном исследовании, проведенном по Узбекистане в начале XXI в., «суть этих рекомендаций была близка к содержанию рецептов, предложенных международными финансовыми институтами другим странам с переходной экономикой. Особо подчеркивалась важность быстрой либерализации цен и рынков, приватизации и разгосударствления предприятий, обеспечения макроэкономической стабилизации посредством проведения жесткой денежно-кредитной и налогово-бюджетной политики. Предполагалось, что эти структурные изменения в экономической политике позволят странам с переходной экономикой после преодоления относительно непродолжительных затруднений и сложностей выйти на путь эффективной и растущей высокими темпами рыночной экономики, обеспечивающей рост благосостояния и уровня жизни населения»[13].

Либерально-монетаристские идеи приобрели в начале 1990-х годов большую популярность. В частности, «шоковый» вариант реформ избрали государства Восточной Европы, в том числе Украина, Россия и Беларусь. Подобный механизм (правда, с «восточным» оттенком) стали использовать и некоторые республики Центральной Азии, в частности Казахстан и Кыргызстан. Опираясь на рецепты западных специалистов, политическое руководство названных стран стало ускоренными методами внедрять массовую экономическую либерализацию и приватизацию. При этом сознательно снижалась регулирующая роль государства в социально-экономической сфере.

Между тем мировая (западная) экономическая наука, практиковавшая и продвигавшая идеи «невидимой руки» и либерализма (базировавшейся на принципе «laisser-faire»[14]), уже к концу XX в. на примере большинства республик постсоветского пространства столкнулась с новым положением — ранее не учитывавшимся переходом (скорее обратным) от социализма к капитализму.

Показательно в этом отношении, что после изучения первого десятилетия реформ вынужден был пересмотреть собственные позиции так называемый «отец шоковой терапии» Янош Корнаи. В сделанном им в апреле 2000 г. на конференции Всемирного банка докладе «Путь к свободной экономике: десять

[13] Макроэкономическая политика и бедность в Узбекистане. (CER/UNDP). Ташкент, 2005. С. 4.

[14] Laisser-faire — позволять, не мешать, «пусть все идет, как идет» (франц.). Символ крайнего экономического либерализма.

лет спустя (переосмысливая пройденное)», Я. Корнаи откровенно признал ошибочность прежних своих прогнозов и концептуальных построений. В частности, оценивая с новых позиций уроки десятилетия, он признал, что « ... не сумел предвидеть глубокий спад в странах с переходной экономикой и слишком оптимистично оценивал перспективы будущего роста»[15].

В силу особых обстоятельств и условий, в которых оказался Узбекистан в предреформенный период, правительство республики, критически осмыслив мировой опыт и общепринятые рекомендации международных финансовых институтов в экономической политике, рассматривая их в контексте внутренних условий и потребностей, избрало совершенно иной путь, отличный от принципов «вашингтонского консенсуса»[16], — политику постепенных и в то же время комплексных преобразований в экономике.

В результате, в начале 1990-х годов была выработана качественно новая модель общественного развития, в основе которой находится регулируемая рыночная экономика. Теоретическая база данной модели построения рыночной экономики разработана в книге Президента Узбекистана И.А. Каримова «Узбекистан — собственная модель перехода на рыночные отношения» (1993 г.). В основу ее реализации положены пять ключевых принципов, на которых строится политика переходного периода[17]: полная деидеологизация экономики; сохранение роли государства как главного реформатора; главенство закона во всех сферах жизни; реализация сильной социальной политики; эволюционный характер перехода к рыночной экономике (без «революционных скачков», «шоковой терапии» и ущерба для уровня жизни народа).

При формировании национальной модели были учтены в достаточной мере такие факторы, как политический строй, исторические и культурно-цивилизационные особенности развития, социальная структура населения и демографическая обстановка, структура экономики, природно-ресурсный и производственный потенциал.

---

[15] Корнаи Я. «Путь к свободной экономике»: десять лет спустя (переосмысливая пройденное) // Вопросы экономики. 2000. № 12. (Перевод с англ. С. Винокура) // http://www.r-reforms.ru/kornai.htm

[16] Под «вашингтонским консенсусом» подразумевается комплекс рекомендаций для стран, испытывающих финансовый и экономический кризис. Неукоснительное соблюдение этих правил, по утверждениям апологетов этой идеологии, вознаграждается оперативной стабилизацией государственной экономики. Выражение «вашингтонский консенсус» в 1989 г. запустил в общеупотребительный оборот американский ученый Джон Уильямсон — экономист Института международной экономики в Вашингтоне. Свою доктрину он основывал на макроэкономической стабилизации, микроэкономической либерализации, открытии внутреннего рынка для иностранных инвестиций, свободном перемещении капиталов. (Источник: Что такое Вашингтонский консенсус? // http://www.luxurynet.ru/world-market/5718.html).

[17] Каримов И.А. Узбекистан: национальная независимость, экономика ... С. 286–287.

Как считают эксперты, «из-за отсутствия опыта рыночного строительства для постсоциалистических стран на начальном этапе главными становятся вопросы осуществления перехода от командно-административного управления и централизованного планирования к рыночным отношениям, причем, как правило, в условиях кризиса. Это объясняется тем, что рыночная экономика не может зародиться в недрах тоталитарной командно-административной системы, поскольку они не имеют генетической общности. В этом и состоит отличительная черта перехода постсоциалистических стран к рынку, сложность данного процесса, не имевшего до недавнего времени аналогов в мировой практике. Этот исторический этап каждое государство должно пройти только ему присущим путем, обретая собственный опыт»[18].

Таким образом, в стратегии реформ приоритетное место отводилось построению социально ориентированной рыночной экономики, учитывающей, помимо всего, и социально-демографические особенности. Данная стратегия определяла одну из особенностей узбекской модели — синтез рыночных преобразований и стабилизационных программ. Естественно, это обусловило специфический темп реформ, который со стороны (по мнению специалистов ведущих международных финансовых организаций) казался медленным. Однако вновь создаваемая система не могла развиваться быстрее, так как решались многоуровневые и многоплановые задачи. Иными словами, темпы реформ и реализации программ стабилизации в Узбекистане были на пределе возможного в рамках поставленных задач.

В целом, общая политика правительства с момента обретения независимости была направлена на реализацию следующих целей:

1) достижение экономической независимости через сокращение импорта путем его замещения и самообеспеченности энергоносителями и продуктами питания;

2) переориентирование экономики с производства сырья на создание более конкурентоспособной структуры промышленности;

3) повышение экспортного потенциала страны и увеличение золотовалютных резервов для достижения устойчивости национальной валюты;

4) расширение возможностей занятости и повышение уровня жизни[19].

Узбекистан в своей экономической модели уже на первых этапах реформ соединил три составляющие экономической политики:

1) макроэкономическую стабилизацию;

---

[18] Расулев А.Ф., Бедринцев А.К. Десять лет экономических реформ в Узбекистане: итоги и перспективы // Экономическая наука современной России. Москва, 2001. № 4. С. 148.

[19] Каримов И.А. Узбекистан — собственная модель перехода на рыночные отношения. Ташкент, 1993.; Узбекистан по пути углубления экономических реформ. Ташкент, 1995.

2) проведение институциональных и рыночных преобразований системы экономических отношений;

3) обеспечение структурной перестройки экономики за счет государственных инвестиционных программ и привлечения иностранных инвестиций.

По мнению экспертов, если первые две из перечисленных составляющих характерны для большинства стран с переходной экономикой, то практически параллельное осуществление структурной перестройки с мерами по стабилизации и проведением рыночных реформ характеризуют уникальность узбекской модели[20]. Специфика переходной модели Узбекистана заключается еще в том, что в ней активно используются выработанные мировой практикой стратегические пути развития, объединенные в четыре направления: аграрное, сырьевое, индустриальное и сфера услуг. Так, например, развитие АПК снимает напряженность в обеспечении занятости на селе, богатые природные ресурсы, оцениваемые в более чем 3,3 трлн долл.[21], обеспечивают приток инвестиций в их переработку и рациональное использование. Индустриальное развитие — основа экспортоориентированной экономики, а сфера услуг играет значительную роль в социальной ориентации рыночных реформ.

Осуществление приоритетных направлений реформ, направленных на коренное изменение социально-экономического и политического развития страны, обеспечение составляющих экономической политики в переходный период невозможно без соответствующей законодательно-нормативной, юридической базы. Как свидетельствует мировой опыт, формирование цивилизованного, социально ориентированного рыночного хозяйства немыслимо без адекватного правового обеспечения.

Действовавшие ранее законодательно закрепленные нормы исповедовали командно-административный принцип управления и хозяйствования, признавали только общегосударственную собственность на средства производства, полностью исключали право частной собственности, свободную конкуренцию, ограничивали действие законов рыночной экономики. Замкнутость Узбекистана в правовом отношении в рамках соцлагеря не позволяла выступать равноправным субъектом международного права и всесторонней интеграции, особенно экономической, в мировое сообщество.

В результате последовательно осуществленных законодательно-нормативных преобразований только за первые 5 лет всего было принято более 50 законов и около 140 указов Президента. Наряду с законодательными актами, закрепляю-

---

[20] Доклад о человеческом развитии. Узбекистан 1998. (UNDP, CER). Ташкент, 1998. С. 10–11.

[21] ЦГА РУз. М-37 оп.1. ед. хр. 1727. Л. 6. (По ряду важных полезных ископаемых, таких как золото, уран, медь, природный газ, вольфрам, калийные соли, фосфориты, каолины, Узбекистан по подтвержденным запасам и перспективным рудам занимает ведущие места не только в СНГ, но и во всем мире; там же. Л. 7.)

щими политический статус страны, ее суверенитет, госстроительство и т.п., базисом для формирования свода законов, закладывающих основу под системные преобразования качественно новых экономических отношений, являлся вопрос собственности. В целом, весь механизм рыночных отношений приобрел легитимацию в законодательно закрепленных «рамочных условиях»[22].

Вследствие отсутствия соответствующего опыта и «готовых схем» по институциональным преобразованиям, создания соответствующих структур управления правительство республики пошло по пути изучения различных систем организации менеджмента в странах с уже сложившимися рыночными отношениями и в тех странах, которые, как и Узбекистан, находились в транзитном состоянии. Несмотря на затруднительное положение, были выработаны свои, наиболее приемлемые и отвечавшие современным условиям структуры управления отраслями, территориями и народным хозяйством в целом. По признанию руководителя страны, «принятые нами подходы во многом носили экспериментальный, поисковый характер. Но мы смело шли на эти эксперименты, видя в них единственный путь решительного освобождения от пут скомпрометировавшей себя административно-командной системы, быстрейшего возведения новой институциональной системы, отвечающей стремительно меняющимся экономическим условиям»[23].

К примеру, первые шаги правительства в переходный период отразили постепенный отход от системы управления, централизованного планирования. Правительство, с одной стороны, контролировало цены на стратегические и жизнеобеспечивающие товары, заработную плату, и одновременно освобождало цены на другие товары, занималось созданием институциональных и правовых основ рынка. В пик падения производства и растущей инфляции (1992–1993 гг.) меры госрегулирования экономики были направлены на обеспечение сбалансированности последствий либерализации и защиту интересов внутренних товаропроизводителей, внутреннего спроса.

Поэтапная стратегия переходного периода, а также стремление руководства страны к ускоренному достижению энергетической и зерновой независимости, наряду с удачными в большинстве своем попытками направить ключевые экспортные товары (хлопок и драгоценные металлы) на международные рынки, позволили избежать серьезных сбоев в промышленности и резкого падения жизненного уровня населения. Определенный импульс ускорению реформ придал выход Узбекистана из единой рублевой зоны с ноября 1993 г. с вводом промежуточной национальной валюты — сум-купона, затем с 1 июля 1994 г. полным переходом к национальной валюте — суму. Это обеспечило проведение

---

[22] Рахимов М.А., Рахматуллаев Ш.М., Турсунова Р.Ю., Назаров Р.Р. Очерки новейшей истории Узбекистана. 2-е издание. Ташкент, 2016. С. 127–128.

[23] Каримов И.А. Узбекистан по пути углубления экономических реформ. Ташкент, 1995. С. 71–72.

независимой монетарной политики в целях макроэкономической стабилизации и роста[24]. К середине 1996 г. в основном была достигнута экономическая стабилизация и созданы главные элементы экономического управления. Спад производства был остановлен, а инфляция сокращена до приемлемого уровня. Диверсифицирована внешняя торговля, переориентированная с традиционных партнеров на страны дальнего зарубежья, накоплен значительный уровень международных резервов.

Спад производства в Узбекистане был в меньших масштабах по сравнению с другими странами СНГ. Производство ВВП за 1991–1996 гг. сократилось всего на 17 %. Для сравнения спад производства ВВП за тот же период составил: по Беларуси — 35 %; России — 39 %; Кыргызстану — 42 %; Казахстану — 44 %; Украине — 53 %. В Узбекистане самое большое снижение (11,1 %) произошло в 1992 г. Это было связано с резким падением мировых цен на хлопок, что повлекло за собой падение объема промышленного производства в части переработки сельхозпродукции[25].

В вышеперечисленных государствах СНГ имел место процесс деиндустриализации. Так, объем промышленной продукции в 1996 г. к итогам 1991 г. составил: в Кыргызстане — 36 %, Казахстане — 49 %, России — 51 %, Украине — 52 %, Беларуси — 62 %. В то же время в Узбекистане этот показатель составил 104 %, что отражает результаты целенаправленной государственной политики по последовательной реструктуризации промышленности, которая предполагала приоритетное развитие базовых ее отраслей, а также формирование наукоемких и высокотехнологичных производств[26].

В результате своевременно и целенаправленно принятых мер по достижению энергетической независимости к середине 1990-х гг. было достигнуто самообеспечение по основным видам. В 1995 г. добыча нефти и газового конденсата составила 7 млн т (в 1990 г. — 1 млн т), а импорт нефти – 150 тыс. т вместо 5,5 млн т в 1991 г. Добыча природного газа в 1997 г. составила 140 % от его уровня в 1991 г.[27] Затем была достигнута зерновая независимость как результат диверсификации сельхозпроизводства и отказа от хлопковой монополии.

В целом, как показала практика начального этапа перехода на рыночные отношения, за короткий исторический период в экономике страны в основном были обузданы деструктивные явления, связанные с обрывом традиционно сложившихся кооперационных связей. На основе выработанной правительством

---

[24] Шаулов Д.И. Развитие финансовой системы за годы независимости Республики Узбекистан // Справочник финансового работника. 2012. № 9. С. 51.

[25] Макроэкономические проблемы переходного периода в Узбекистане. «Проблемные исследования в экономике». Ташкент, 1998. С. 9–10.

[26] Там же. С. 10.

[27] Левитин Л. Узбекистан на историческом повороте. Критические заметки сторонника Президента Ислама Каримова. Москва, 2001. С. 212.

стратегии поэтапных реформ, опираясь на сильную регулирующую роль государства, в то же время не полагаясь на «магию рынка», была создана организационно-институциональная база для будущих широкомасштабных преобразований.

Эволюционный подход последовательного и поэтапного перехода к рыночным отношениям, политическая и макроэкономическая стабильность позволили Узбекистану интенсивнее, чем многие постсоветские страны с переходной экономикой, преодолеть последствия масштабного спада производства и уже с середины 1990-х годов возобновить экономический рост и повышение уровня жизни населения.

*Ш. РАХМАТУЛЛАЕВ*

## «УЗБЕКСКАЯ МОДЕЛЬ» ПЕРЕХОДА К РЫНОЧНОЙ ЭКОНОМИКЕ: ОСОБЕННОСТИ ФОРМИРОВАНИЯ ПОЭТАПНЫХ РЕФОРМ

В статье анализируется специфика формирования «узбекской модели» реформ Узбекистана в крайне сложный и ответственный период становления и развития национальной экономики — в начале 1990-х гг. Акцентируется внимание на приоритетных векторах стратегии социально-экономических преобразований, направленных на последовательный и поэтапный переход к рыночным отношениям.

*Ключевые слова*: либерализация, независимость, правовые основы, принципы, проблема, процесс, развитие, рыночная экономика, специфика, структура, транзитный период, «узбекская модель».

*Ш. РАХМАТУЛЛАЕВ*

## БОЗОР ИҚТИСОДИЁТИГА ЎТИШНИНГ «ЎЗБЕК МОДЕЛИ»: БОСҚИЧМА-БОСҚИЧ ИСЛОҲОТЛАРНИНГ ШАКЛЛАНИШ ХУСУСИЯТЛАРИ

Мақолада Ўзбекистон миллий иқтисодиётининг мураккаб, айни вақтда масъулиятли бўлган 1990-йиллар бошларида «ўзбек модели» асосидаги ислоҳотлар шаклланишининг ўзига хос хусусиятлари таҳлил этилган. Бозор иқтисодиётига изчил ва босқичма-босқич ўтишга қаратилган ижтимоий-иқтисодий ислоҳотлар стратегиясининг устувор йўналишларига урғу берилган.

SH. RAKHMATULLAEV

## THE "UZBEK MODEL" OF MARKET TRANSITION: SPECIFIC FEATURES OF FORMING A MODEL OF GRADUAL REFORMS

The article analyses the specifics of forming the "Uzbek model" in Uzbekistan in extremely difficult and responsible period of formation and development of the national economy — at the beginning of the 1990-ies. The attention is focused on the priority vectors of the strategy of socio-economic transformation aimed at a consistent and gradual transition to market relations.

О. АБДИМЎМИНОВ

# ЎЗБЕКИСТОННИНГ БМТ БИЛАН ҲАМКОРЛИК АЛОҚАЛАРИ: УСТУВОР ЙЎНАЛИШЛАР ВА РИВОЖЛАНИШ ТЕНДЕНЦИЯЛАРИ

Ўзбекистон Республикасининг мустақил давлат мақомига эга бўлиши халқаро ҳамжамият билан тенг ҳуқуқли ҳамкорлик олиб боришга имкон яратди. Қисқа тарихий даврда Ўзбекистон жаҳон ҳамжамиятида ўз ўрни ва сўзига эга бўлган нуфузли давлатга айланди. Дарҳақиқат, Ўзбекистон мустақиллик йилларида жаҳоннинг кўплаб мамлакатлари ва қатор йирик халқаро ташкилотлари билан турли соҳаларда ҳамкорлик қилиб келмоқда ва ҳозирда унинг географияси, кўлами янада кенгайиб бормоқда.

Буни қуйидаги рақамларда кўриш мумкин. Бугунги кунда Ўзбекистонни 165 га яқин давлат тан олган. Уларнинг 133 нафари билан дипломатик муносабатлар ўрнатилган. Ўзбекистонда 44 давлат ва 20 та йирик халқаро ташкилот миссиялари аккредитация қилинган[1]. Ўз навбатида Ўзбекистон 40 дан ортиқ йирик ташкилотлар ҳамда 500 дан ортиқ халқаро ҳуқуқ субъектлари билан ҳамкорлик қилмоқда. Тошкентда 42 та элчихона, 1 та бош консулхона, 9 та фахрий консул, 10 та халқаро ташкилот ваколатхонаси, 5 та халқаро молиявий ташкилот ваколатхонаси, 3 та савдо ваколатхонаси фаолият юритмоқда. Шунингдек, Ўзбекистон Республикасининг 46 та дипломатик ва консуллик ваколатхонаси чет давлатларда ва халқаро ташкилотлар ҳузурида фаолият юритмоқда[2].

Ўзбекистон Республикасининг Бирлашган Миллатлар Ташкилоти билан муносабатларининг ўрнатилиши ва ривожланиши мустақиллик даври тарихининг энг муҳим саҳифасидир. Чунки, Ўзбекистон мустақиллигининг дастлабки йиллариданоқ халқаро ҳамжамиятнинг тенг ҳуқуқли суверен мамлакати сифатида БМТга аъзо бўлди. Бу йирик ташкилот ва унинг ихтисослашган муассасалари фаолиятида халқаро ва минтақавий хавфсизлик, барқарор тараққиёт муаммолари, ижтимоий-иқтисодий, сиёсий ва экологик масалалар билан боғлиқ йирик ташаббусларни ўзаро ҳамкорликда амалга оширди. 1992 йил 29 январда БМТ Хавфсизлик Кенгаши Бош Ассамблеяга мустақил Ўзбекистонни ташкилотга аъзоликка тавсия қилди. 1992 йил 2 март куни Ўзбекистон Республикаси жаҳон ҳамжамиятининг тенг ҳуқуқли аъзоси сифатида БМТга қабул қилинди. Ўзбекистонни ташкилотга қабул қилиш тўғрисидаги қарор БМТ Бош Ассамблеясининг 46-сессиясида овозга қўйилмаган ҳолда қабул қилинди[3]. Шу муносабат билан Ўзбекистон Олий Кенгаши Ҳайъати ўз баёнотида «Бизнинг авлод-

---

[1] Рахимов М., Рахматуллаев Ш., Турсунова Р., Назаров Р. Очерки новейшей истории Узбекистана. Ташкент, 2015. 291-б.

[2] Бу муқаддас Ватанда азиздир инсон. Тошкент, 2010. 38-бет.

[3] Халқ сўзи. 1992 йил 4 март.

лар 1992 йил 2 март баҳор кунини тарихий кун деб атайдилар. Ўзбекистон БМТга аъзо қилинди ва БМТ биноси олдида ёш мустақил республиканинг байроғи кўтарилди»[4] деб таъкидлади.

Шу муносабат билан 1992 йил 6 апрель куни Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Жаҳон Миллатлар ҳамжамиятига аъзо бўлганлик муносабати билан амнистия тўғрисида»ги Фармони[5] эълон қилинди. Бундан ташқари, бу тарихий воқеа нафақат Ўзбекистонда, балки хориждаги ўзбеклар томонидан ҳам кенг нишонланди. 1992 йил 2 март куни Нью-Йоркда БМТ штаб-квартираси олдида мустақил Ўзбекистон байроғи кўтарилади. Ушбу байроқни кўриш учун АҚШдаги ўнлаб шаҳар ва турли штатлардан минг-минглаб ўзбеклар (туркистонликлар) Нью-Йоркка келдилар. БМТ биноси олдида Ўзбекистон байроғига таъзим бажо келтириш учун эркаклар ўзбек миллий кийимларида оммавий йиғинлар уюштиришди[6]. Бу тарихий воқеа нафақат Ўзбекистон, балки жаҳон ҳамжамияти учун ҳам муҳим аҳамият касб этди, чунки унинг сафига ёш, озод ва ривожланиш йўлидан дадил бораётган давлат қўшилди.

Шундан сўнг 1993 йил 24 октябрда Тошкентда Холид Малик бошчилигида БМТнинг ваколатхонаси иш бошлади[7]. Мазкур ваколатхона Ўзбекистондаги БМТ тизимининг ихтисослашган муассасаларини ва дастурларини яхлит қилиб бирлаштиради ва республика ҳукумати илгари сурган мақсадлар ва устувор йўналишларни ҳисобга олган ҳолда мамлакатдаги ислоҳотларга кўмаклашишни ўз асосий мақсади қилиб белгилаган. Таъкидлаш керакки, Ўзбекистон Республикасининг БМТ билан ўзаро кўп томонлама ҳамкорлигининг устувор йўналишлари бу — хавфсизлик, таҳдидларга қарши курашиш, оммавий қирғин қуролларини тарқатмаслик, Афғонистон масаласини тинч йўл билан ҳал этиш, бу мамлакатни қайта тиклаш, экологик муаммоларни бартараф этиш, Марказий Осиёни ядро қуролидан холи ҳудуд сифатида эътироф этиш, Орол фожеаси оқибатларини бартараф этиш, таълим, фан ва маданиятни ривожлантириш, тарихий анъаналар, тарихий шахслар ва меъморий ёдгорликларни асраш, қайта тиклаш, уларни умумбашарий обидалар сифатида жаҳон цивилизациясига қўшган ҳиссасини этироф этиш ва бошқалардир. Бу борада Ўзбекистон БМТ доирасида кўплаб ташаббусларни илгари сурди.

Ўзбекистон БМТга аъзо бўлиши билан бирга, унинг ихтисослашган муассасалари билан ҳам кўп томонлама ўзаро ҳамкорлик алоқаларини йўлга қўйди. Ўзбекистонда БМТ ваколатхонаси билан бирга унинг ихтисослашган муассасалари ҳам ўз фаолиятини олиб бора бошлади.

---

[4] Буюк тарихий кун бўлиб қолғай // Халқ сўзи. 1992 йил 4 март, № 46.

[5] http://www.lex.uz/pages/getpage.aspx?lact_id=166913&twolang=true

[6] Ҳ а й и т о в Ш., А ҳ м а д о в Ш. Ўзбекистон миллий байроғи — ғурур ва мустақиллик тимсоли // Ўзбекистон мустақиллиги: маънавият, жамият, шахс. Навоий, 2011. 72–73-б.

[7] *Қаранг:* ЎзР МДА, М-37-фонд, 1-рўйхат, 555-йиғма жилд, 17-варақ.

Ўзбекистонда БМТнинг ўндан ортиқ дастурлари, жамғармалари ва агентликлари, жумладан, БМТ Тараққиёт Дастури (БМТТД), Таълим, фан ва маданият масалалари бўйича ташкилоти (ЮНЕСКО), Аҳоли қатламлари фонди (ЮНФПА), Халқаро Болалар ташкилоти (ЮНИСЕФ), Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти (ЖССТ), БМТ Гиёҳванд моддалар ва жиноятчилик бўйича бошқармаси (ЮНДОК), БМТнинг ОИВ/ОИТС бўйича қўшма дастури (ЮНАИДС), БМТнинг Ахборот ва ижтимоий алоқалар бўйича бўлими, Қочоқлар ишлари бўйича Олий Комиссар бошқармаси, Саноат Тараққиёти ташкилоти (ЮНИДО), БМТнинг Кўнгиллилар Дастури (ЮНВ) шулар жумласидандир[8]. Шунингдек, БМТнинг иқтисодий-молиявий муассасаларидан бири ҳисобланган Жаҳон Банки, Халқаро Валюта фонди ва Ўзбекистонда ваколатхонаси бўлмаган агентликлари, жумладан, БМТнинг Европа иқтисодий комиссияси (БМТ ЕИК) фаолият юритмоқда. Ўз навбатида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1994 йил 18 январдаги қарорига[9] асосан Нью-Йорк шаҳридаги БМТ қароргоҳида ва 1997 йил 6 январдаги қарорига[10] асосан Женева шаҳридаги БМТ қароргоҳида Ўзбекистон Республикасининг доимий ваколатхоналари ташкил этилди.

Дарҳақиқат, Марказий Осиёда минтақавий хавфсизлик тинчлик ва барқарор тараққиёт масалаларини жаҳон ҳамжамиятига олиб чиқиб, БМТ доирасида тинч йўл билан ҳал қилиш ташаббуси бўйича амалий қадамлар Ўзбекистон Президенти И. Каримов томонидан БМТнинг 48- (1993 йил) ва 50-сессияларида (1995 йил), БМТ Бош Ассамблеясида 2000 йил ва 2010 йил БМТ Бош Ассамблеясининг Мингйиллик ривожланиш мақсадларига бағишланган олий даражадаги ялпи мажлисда сўзлаган нутқларида намоён бўлди. Бу нутқларда Ўзбекистон Президенти асосий эътиборни Марказий Осиёнинг долзарб масалаларига қаратди. Мазкур муаммоларнинг моҳияти минтақада жойлашган мамлакатларнинг хавфсизлиги ва экологик танглик билан белгиланди. И. Каримов минтақада тинчлик ва хавфсизликнинг таъминланиши Афғонистондаги уруш ҳаракатлари билан бевосита боғлиқлигини, бу ерда қуролли тўқнашувлар, биродаркушлик урушлари тўхтамас экан, бутун Марказий Осиёдаги тинчлик ва барқарорликка таҳдид мавжуд бўлиб туришини алоҳида таъкидлади[11]. Жумладан, 1995 йил 24 октябрда Ўзбекистон Президенти И. Каримов БМТ эллик йиллиги муносабати билан Бош Ассамблеянинг махсус йиғилишида Марказий

[8] Рахимов М. Современная история взаимоотношений Узбекистана и стран Центральной Азии с ведущими государствами мира. Ташкент, 2016. 136-б.; Anita Nirody. The UN has a long-standing partnership with Uzbekistan.// UN in Uzbekistan. Tashkent: UN office in Uzbekistan. April, 2009, p. 2.

[9] http://www.lex.uz/pages/getpage.aspx?lact_id=624882&twolang=true

[10] http://www.lex.uz/pages/getpage.aspx?lact_id=1596404&twolang=true

[11] Рахимов М. Ўзбекистон Республикасининг Бирлашган Миллатлар Ташкилоти билан кўп томонлама ҳамкорлиги // Мустақил Ўзбекистон тарихининг дастлабки саҳифалари. Тошкент, 2000. 188-б.

Осиё минтақасида тинчлик, хавфсизлик ва барқарор тараққиётни таъминлайдиган бир қатор таклифларни киритди. Улар Марказий Осиёда хавфсизлик ва ҳамкорлик масалалари юзасидан БМТ семинарини чақириш; Марказий Осиёни ядро қуролидан холи ҳудуд деб эълон қилиш; Марказий Осиёда наркобизнесга қарши биргаликда кураш олиб бориш; БМТнинг минтақавий комиссиясини ташкил этиш; Орол муаммоси бўйича БМТнинг махсус комиссиясини тузиш каби долзарб ва муҳим масалалар эди. Дарҳақиқат, мазкур масалалар Марказий Осиё минтақасидаги ҳар бир давлатнинг ички ва ташқи хавфсизлигига, нуфузига, ривожига салбий таъсир кўрсатувчи энг муҳим муаммолар бўлиб, нафақат Марказий Осиё минтақасининг, балки бутун халқаро ҳамжамиятга ҳам дахлдор муаммолар жумласидандир. Зеро, дунёда глобал хавфсизликни таъминлаш минтақавий хавфсизликни таъминлаш орқали ўтиши, бошқача айтганда, минтақалар хавфсизлигини таъминлаш йўли билан жаҳон хавфсизлиги таъминланиши исбот талаб қилмайдиган ҳақиқатдир. Биргина Афғонистон муаммоси бутун Марказий Осиёда тинчлик ва ялпи хавфсизликка рахна солаётган бўлса, Орол муаммоси бутун жаҳон ҳамжамиятига тааллуқли масаладир.

Мазкур масалаларни халқаро ҳамжамият билан ижобий ҳал этиш учун Ўзбекистонда илк бор 1995 йил 15–16 сентябрь кунлари Тошкентда БМТ билан ҳамкорликда Марказий Осиёда хавфсизлик ва ҳамкорлик масалаларига бағишланган семинар-кенгаш ўтказилди. Мазкур тадбирда БМТ Хавфсизлик Кенгашининг аъзо давлатлари (АҚШ, Франция, Англия, Россия, Хитой), 20 та халқаро ташкилот, 30 мамлакат ва Марказий Осиё давлатлари делегациялари, нуфузли сиёсатчи ва олимлар иштирок этдилар. Тошкент учрашуви кун тартибида уч муҳим муаммо: Марказий Осиёда мустаҳкам хавфсизлик тизимини яратиш, иқтисодий ҳамкорлик ва инфратузилмали коммуникациялар: иқтисодий хавфсизлик тизимини яратиш ва гуманитар ҳамкорликни ривожлантириш муаммолари атрофлича муҳокама қилинди. Амалий таклифлар ва тадбирлар режаси ишлаб чиқилиб, махсус баёнот қабул қилинди. Шундай қилиб, Тошкент учрашуви мақсадлари жуда қисқа уч сўзда ўз ифодасини топди: Тинчлик, Барқарорлик, Ҳамкорлик.

Тошкент семинар-кенгаши минтақавий хавфсизлик ва барқарорлик тизимини ўрнатиш ва уни олға силжитиш йўлида, Марказий Осиё минтақаси давлатлари ва халқлари учунгина эмас, балки бу минтақага чегарадош улкан ҳудуд учун ҳам жуда зарур бўлган ҳамкорликни ривожлантириш учун мустаҳкам асосни шакллантиришда турли фикр ва ёндашувларни юзага чиқариш ҳамда уларни бир-бирига яқинлаштиришдан манфаатдор бўлган анжуман сифатида баҳоланади. Зеро, Тошкент семинарининг энг муҳим устувор масалалари БМТ ва бошқа халқаро ташкилотлар қабул қилган меъёр ва механизмлар доирасида амалга оширилиши кўзда тутилди.

Марказий Осиёда тинчлик, минтақавий хавфсизлик ва барқарор тараққиёт масалалари бўйича 1997 йил 14–16 сентябрь кунлари Тошкентда навбатдаги муҳим тадбир: «Марказий Осиё — ядро қуролидан холи ҳудуд» мавзуидаги

халқаро конференция ўтказилди. Мазкур конференцияда БМТ, 56 мамлакат, 16 та халқаро ташкилотлар иштирок этдилар. Мазкур конференция минтақавий хавфсизликдан жаҳондаги хавфсизлик сари йўл очди. БМТ Бош котиби Кофи Аннан конференция қатнашчиларига табрикнома йўллаб, «Марказий Осиёда ядро қуролидан холи зона яратилиши, минтақавий хавфсизликнинг таъминланишига хизмат қилиниши ва ядро қуролини тарқатмаслик қуролсизланиш йўлидаги муҳим қадам бўлишини» таъкидлади[12].

Ушбу конференциянинг амалий якуни сифатида Марказий Осиё давлатлари ташқи ишлар вазирлари томонидан «Ядро қуролидан холи ҳудуд ташкил этиш ҳақида Баёнот» қабул қилинди. Ушбу ҳужжат асосида 1997 йил 9 декабрда БМТ Бош Ассамблеясининг 52-сессиясида «Марказий Осиёда ядро қуролидан холи ҳудуд ташкил этиш тўғрисида» 52/38 қарорини қабул қилди. Шундан сўнг мазкур шартнома 2006 йилнинг декабрь ойида БМТ Бош Ассамблеяси 61—63-сессияларида «Марказий Осиё ядро қуролидан холи ҳудуд» махсус резолюцияси орқали 141 овоз билан қабул қилинди. 2009 йилнинг 21 мартидан бошлаб эса ушбу шартнома тўлиқ кучга кирди[13].

Марказий Осиё минтақасидаги йирик муаммолардан бири Афғонистон муаммосидир. Афғонистон муаммосини тинч йўл билан ҳал этиш борасидаги амалий қадамлар дастлаб БМТнинг 48—50-сессияларида Ўзбекистон Президенти И. Каримов томонидан илгари сурилди. Ўзбекистон раҳбарининг афғон муаммосини ҳал этиш ва минтақа хавфсизлигини таъминлашга қаратилган, аниқ мақсадга йўналтирилган амалий-конструктив ташаббуслари БМТ доирасидаги «6 + 2» гуруҳининг ташкил этилишига асос бўлди. Гуруҳнинг биринчи учрашуви 1997 йил Нью-Йоркда, иккинчи учрашуви 1999 йил 19—20 июль кунлари Тошкентда бўлиб ўтди. Тошкент учрашувида «Афғонистон можаросини тинч йўл билан ҳал этишнинг асосий принциплари» ҳақида Декларация қабул қилинди.

Афғонистон муаммоси юзасидан Ўзбекистон Президенти И. Каримов 1995 йил 24 октябрда БМТ Бош Ассамблеясининг махсус йиғилишида нутқ сўзлаб «Бизнинг фикримизча, Афғонистондаги кескинликни ҳал қилиш калити, энг аввало, ташқи кучларнинг аралашувини бартараф этишдадир. Биз яна бир бор БМТ Хавфсизлик Кенгашига ким томонидан бўлмасин, Афғонистонга қурол олиб киришни тақиқлаб қўйиш таклифи билан мурожаат қиламиз. Афғонистон уруш эмас, тинчлик ва барқарорлик объекти бўлмоғи лозим»[14], деб таъкидлади. Шундан сўнг, 1999 йил 22 октябрда БМТ Хавфсизлик Кенгаши Бош Ассамблеяда «Афғонистондаги вазият» масаласи кўриб чиқилиши муносабати билан баёнот эълон қилди. Унда афғон можаросини тинч йўл билан ҳал этишнинг асосий

---

[12] Abdimuminov O. Central Asia and the United Nations.//Central Asia: issues, problems, and perspectives. Germany. Gottingen. 2015, p. 157.

[13] Ўша жойда.

[14] Каримов И.А. Минтақавий хавфсизликдан ялпи хавфсизлик сари / Бунёдкорлик йўлидан. Т. 4. Тошкент, 1996. 57-б.

тамойиллари белгилаб берилган «Тошкент Декларацияси» яна бир бор қўллаб-қувватланди. Афғон муаммосининг ечимини топишда БМТ ва Марказий Осиё давлатлари ўзаро ҳамкорлигининг алоҳида ўрни бор. Бироқ бу ҳали нисбатан тинчлик ва барқарорликка ҳаракат қилаётган Афғонистон Марказий Осиё давлатлари тинчлиги ва хавфсизлигига таъсир этмайди, дегани эмас. Чунки бу ерда афғон, ўзбек, тожик, туркман, қозоқ, қирғиз каби қардош халқ вакиллари истиқомат қилади. Бизнинг фикримизча, бу борада Марказий Осиё ва БМТ ҳамкорлигининг янги жиҳатларини, йўналишларини амалга ошириш керак.

Дунё миқёсида Афғонистон масаласини ижобий ҳал этиш ва ечимини топиш бўйича кўплаб тадбирлар, хусусан, ўнлаб халқаро конференциялар, учрашувлар, семинарлар ва ҳ.к.лар ташкил этилмоқда. Лекин уларнинг ҳаммаси ҳам реал, амалий самара бераётгани йўқ. Шунинг учун ҳам Ўзбекистон Президенти И. Каримов 2008 йил НАТОнинг Бухарестда бўлиб ўтган йиғилишида Афғонистон муаммосини ҳал этиш бўйича «6 + 3» гуруҳини шакллантириш, яъни бу муаммони ҳал этиш учун учинчи томон сифатида НАТОни ҳам жалб этиш лозимлиги тўғрисидаги таклифни илгари сурди. Ўзбекистон Президенти И. Каримовнинг Афғонистон можаросини бартараф этиш борасидаги фикрлари, таклиф ва ташаббуслари жаҳон жамоатчилигида катта қизиқиш уйғотди ва халқаро миқёсда тўла қўллаб-қувватланди.

Дарҳақиқат Афғон муаммосини фақат сиёсий мулоқот йўли билан ҳал этиш мумкин. Бироқ Афғонистоннинг ўзида ҳам ва унинг ташқарисида ҳам бу муаммодан манфаатдор кучлар масалани тинч, сиёсий мулоқот йўли билан ҳал этишга қарши чиқмоқда. Шунингдек, НАТО, АҚШ ва Европа давлатлари мана шундай оғир бир вазиятда асосан ушбу давлатларининг АЙСЕФ деб номланган тинчлик ўрнатиш кучларини 2014 йилнинг охиригача Афғонистондан олиб чиқиб кетишни режалаштирилган эди. Бироқ Ўзбекистон Президенти И. Каримовнинг фикрича, «Афғонистондаги вазият тўлиқ ҳал қилинмасдан туриб коалиция кучларининг бу мамлакатдан олиб чиқиб кетилиши Марказий Осиёда кескинликни янада оширади. Бунинг оқибатида минтақа давлатлари учун хавф-хатар ортиши мумкин»[15]. Ўзбекистоннинг бу давлатга нисбатан сиёсати эса Афғонистонда тинчлик ўрнатиш, алоқалар ва ҳамкорликни ривожлантириш, афғон халқи танлаган ҳукуматни қўллаб-қувватлаш ҳамда бу заминда тинчликнинг таъминланишидан иборат. Демак, Ўзбекистон Республикасининг афғон можаросини бартараф этиш юзасидан БМТ билан ўзаро ҳамкорлиги бу Марказий Осиёда барқарор тараққиёт ва тинчликни таъминлашга қаратилган энг муҳим устувор йўналишларни қамраб олади.

Марказий Осиёдаги нафақат минтақавий, балки глобал муаммолардан бири Орол муаммосидир. Орол муаммоси экологик, ижтимоий-иқтисодий оқибатлари жиҳатидан XX асрдаги энг катта фалокатлардан биридир.

---

[15] Каримов И.А. Ўзбек халқига тинчлик ва омонлик керак. Тошкент, 2013. 22-б.

Орол муаммосини бартараф этиш нафақат минтақавий муаммо, балки жаҳон ҳамжамияти муаммоси эканлигини кўзда тутиб, Ўзбекистон Президенти И. Каримов 1995 йил БМТнинг эллик йиллик саммитида Орол денгизининг қуриши билан боғлиқ экологик фожеа бутун ер юзини қамраб оладиган биосфера, ўнлаб миллион кишиларнинг ҳаёт шароитлари, саломатлиги ва наслига ҳалокатли таъсир кўрсатувчи муаммо эканлигига тўхталиб, бу муаммони халқаро ташкилотлар, жумладан, БМТнинг ташкилотчилик фаолиятисиз ҳал этиш мумкин эмаслигини таъкидлади[16]. Мазкур муаммо бўйича БМТ ва Марказий Осиё мамлакатлари ўртасида ўзаро ҳамкорлик ишлари механизми ишлаб чиқилди. БМТ ҳамкорлигида Марказий Осиё давлат раҳбарларининг 1993 йил мартда Қизилўрдада, 1994 йил январда Нукус шаҳрида, 1994 йил март ойида Тошҳовузда учрашувлари ўтказилди. 1995 йил 20 сентябрда Нукус шаҳрида Марказий Осиё давлатлари ва халқаро ташкилотларнинг Орол денгизи ҳавзасини барқарор ривожлантириш муаммолари бўйича Декларация қабул қилинди[17]. 1997 йил февралда Марказий Осиёдаги беш давлат бошлиқларининг ва БМТ вакиллари иштирокида Алмати учрашуви ташкил қилинди. Унда Орол муаммосини ҳал этиш бўйича ташкилий тузилмаларни такомиллаштириш тўғрисида қарор қабул қилинди.

Орол муаммоси глобал, кенг кўламли, бутун сайёрага дахлдор муаммолардан биридир. Демак, Марказий Осиё давлатлари ва БМТнинг бу борадаги ўзаро ҳамкорлиги халқаро аҳамиятга молик масалалардан бири ҳисобланади. Шунинг учун ҳам 2008 йил 11—12 март кунлари Тошкентда Ўзбекистон ва БМТ вакиллари иштирокида «Орол муаммоси, унинг аҳоли генофонди, ўсимлик ва ҳайвонот дунёсига таъсири ҳамда оқибатларини енгиллаштириш борасида халқаро ҳамкорлик чора-тадбирлари» мавзуидаги халқаро конференция ташкил этилди. Мазкур конференцияда жаҳоннинг турли давлатларидан нуфузли олимлар сўзга чиқиб, Орол муаммосини бартараф этиш борасида ўз фикрларини билдирди. Мазкур конференция «Тошкент Декларацияси»ни қабул қилди.

Орол денгизини қутқариш бўйича Ўзбекистон БМТ билан фаол ҳамкорлик алоқаларини ривожлантириб бормоқда. Жумладан, 2014 йил 28—29 октябрь кунлари Урганч шаҳрида «Орол денгизи минтақасидаги экологик офат оқибатларини юмшатиш бўйича ҳамкорликни ривожлантириш» мавзусида халқаро конференция бўлиб ўтди. Ушбу конференцияда 24 нуфузли халқаро ва минтақавий ташкилотлар, 26 давлатдан экология, иқлим ўзгариши ва сув ресурсларини бошқариш соҳаси олим ва экспертлари иштирок этди. Конференция аъзоларига БМТ Бош котиби Пан Ги Мун видео мурожаат йўллаб, «БМТнинг қатор муассасалари, жумладан, Марказий Осиёдаги превентив дипломатия бўйича БМТ

[16] Каримов И.А. Минтақавий хавфсизликдан ялпи хавфсизлик сари / Бунёдкорлик йўлидан. Тошкент, 1996. 57-б.

[17] Каримов И.А. Ўзбекистон XXI аср бўсағасида: хавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари. Тошкент, 1997. 128-б.

минтақавий маркази Орол денгизи аҳолисининг ҳаёт шароитларини яхшилаш ва ҳалокатининг экологик оқибатларини олдини олиш бўйича бор имкониятларини ишга солмоқда. Ҳеч қайси мамлакат Орол денгизи фожеасига қарши курашни ёлғиз эплай олмайди деб таъкидлади[18]. Демак, Марказий Осиёда экологик муаммолар, жумладан, Орол муаммосини бартараф этиш, Оролбўйи минтақаси аҳолисининг турмуш шароитларини янада яхшилаш, ҳудуддаги ноёб флора ва фаунани асраб қолиш каби масалалар Ўзбекистон ва БМТ ҳамкорлигининг муҳим ва устувор жиҳатлари сифатида намоён бўлмоқда.

Ўзбекистон халқаро ҳамжамият билан кенг кўламли ҳамкорлик муносабатларини ўрнатган. Демоқчимизки, Ўзбекистон Республикасининг БМТ ва унинг ихтисослашган муассасалари ўртасидаги гуманитар ҳамкорликнинг асосий йўналишлари тарихий ва маданий меросни сақлаш, ўрганиш, шу асосда маънавий ва дунёвий тараққиётни ривожлантиришдан иборатдир. Чунки, Ўзбекистоннинг БМТ ва унинг ихтисослашган муассасалари, хусусан, ЮНЕСКО, БМТТД, Жаҳон Банки ва ҳ.к.лар билан ҳамкорлик алоқалари туфайли бутун дунё республиканинг ниҳоятда ноёб, бой моддий ва номоддий меросидан, миллий қадриятларидан хабардор ва баҳраманд бўлди.

Ўзбекистон 1993 йилда ЮНЕСКО аъзоси бўлди ва 1996 йилда Тошкентда ташкилот ваколатхонаси ташкил этилди. Ўзбекистон Президенти И. Каримовнинг 1996 йил апрель ойида ЮНЕСКО Бош қароргоҳига ташрифи икки томонлама муносабатлар тарихида муҳим воқеа бўлди. Қолаверса, 1998 йил 6–7 ноябрь кунлари ЮНЕСКО Ижроия кенгашининг якунловчи мажлисига Тошкент шаҳри мезбонлик қилган. МДҲ миқёсида биринчи марта ташкил этилган мазкур тадбирда «Жаҳон маданияти ва ЮНЕСКОнинг аъзо давлатлардаги фаолияти» номли Тошкент декларацияси имзоланди. Ўзбекистон 1993 йилда ЮНЕСКОнинг 1972 йилда қабул қилинган «Умумжаҳон маданий ва табиий меросларини муҳофаза қилиш тўғрисида»ги конвенцияни ратификация қилди. Шундан сўнг, республика ҳудудидаги тарихий-маданий ёдгорликларни «Бутунжаҳон мероси рўйхати»га киритиш учун 1996 йил июнь ойида Ўзбекистондаги 22 та тарихий ёдгорлик[19], 1999 йил августда Қорақалпоғистон Республикаси ва ўнта вилоят (Андижон, Бухоро, Қашқадарё, Наманган, Навоий, Самарқанд, Сурхондарё, Тошкент, Фарғона, Хоразм) ҳудудидаги 101 та тарихий-маданий ёдгорлик[20] номзод сифатида ЮНЕСКО ташкилотига жўнатилди. Ўзбекистоннинг бу борада ЮНЕСКО билан ҳамкорлик алоқалари самараси ўлароқ, 1990 йилда Ичан қалъа, 1993 йилда Бухоро шаҳрининг тарихий маркази, 2000 йилда Шаҳрисабз шаҳрининг тарихий маркази, 2001 йилда Самарқанд маданиятлар чорраҳаси «Бутунжаҳон мерослари рўйхати»га киритилди[21].

---

[18] http://www.un.org/russian/news/story.asp?NewsID=22571#.VFBwmPl_ty1. 29.10.2014.

[19] ЎзР МДА. М-7-фонд, 1-рўйхат, 369-йиғма жилд, 81-варақ.

[20] ЎзР МДА. М-7-фонд, 1-рўйхат, 343-йиғма жилд, 26–29-варақлар.

[21] Report of National Commission of the Republic of Uzbekistan for UNESCO. Participation Programme UNESCO No.4615900003UZB. P. 59.

Шуни таъкидлаш жоизки, ҳозирги кунда республикада 7216 та ёдгорлик давлат муҳофазасига олинган бўлиб, шундан 2248 таси меъморчилик, 1695 таси археологик ёргорликлардир[22]. Демак, мазкур тарихий ёдгорликларни жаҳон миқёсида эътироф этиш ЮНЕСКО ва Ўзбекистон ҳамкорлигининг муҳим истиқболли вазифасидир. Жумладан, Навоий вилоятидаги қадимий Сармишсой дарасидаги қоятош расмларини ЮНЕСКО рўйхатига расман киритиш ушбу долзарб масалалардан бири деб ҳисоблаймиз. Бундан ташқари, эътироф этиш керакки, бугунги кунда Ўзбекистондаги тўрт мингдан ортиқ тарихий ва меъморий ёдгорликлар ЮНЕСКО рўйхатига киритилган. 1997 йилдан буён ҳар икки йилда бевосита ЮНЕСКО раҳнамолигида Самарқандда «Шарқ тароналари» халқаро мусиқа фестивали ўтказиб келинади[23]. Шунингдек, Ўзбекистон ва ЮНЕСКО ҳамкорлигида 1994 йилда Мирзо Улуғбек таваллудининг 600 йиллиги, 1996 йилда Амир Темур таваллудининг 660 йиллиги[24], 1998 йилда Имом ал-Бухорий таваллудининг 1225 йиллиги, Аҳмад ал-Фарғоний таваллудининг 1200 йиллиги, 1999 йилда «Алпомиш» достонининг 1000 йиллиги, 2000 йилда Камолиддин Беҳзод таваллудининг 545 йиллиги, 2001 йилда зардуштийлик динининг муқаддас китоби «Авесто»нинг 2700 йиллиги, 2003 йилда Абдухолиқ Ғиждувоний таваллудининг 900 йиллиги, 2005 йилда Хоразм Маъмун Академиясининг 1000 йиллиги, Тошкент[25], Самарқанд, Бухоро, Хива, Марғилон, Шаҳрисабз каби шаҳарларнинг юбилей саналари жаҳон жамоатчилиги билан халқаро миқёсда кенг нишонланди.

БМТ ва ЮНЕСКО томонидан Марказий Осиё, хусусан, Ўзбекистон заминида вужудга келган қадимий ва бой цивилизацияни қайта тиклаш, сақлаш, авайлаб асраш, янада чуқурроқ тадқиқ этиш ҳамда жаҳон миқёсида кенг оммалаштириш мақсадида «Марказий Осиё цивилизациялари тарихи»[26] мавзусидаги

---

22 Расулов М. Мустақиллик йилларида Ўзбекистонда тарихий ва маданий ёдгорликларнинг муҳофаза қилиниши ва тикланиши // Ўзбекистон тарихининг долзарб масалалари: асосий йўналишлари ва ёндашувлар. Тошкент, 2009. 307-б.

23 Karomat D., Khasanova N. Musical culture of Uzbekistan after Independence // Eurasia twenty years after. Editors. Anita Sengupta, Suchandana Chatterjee, Susmita Bhattacharya. Maulana Abul Kalam Azad Institute of Asian Studies. P. 430.

24 ЎзР МДА. М-7-фонд, 1-рўйхат, 335-йиғма жилд, 16—17-варақлар.

25 Алимова Д. ва бошқ. ЮНЕСКО Тошкентнинг 2200 йиллигини нишонламоқда = L`UNESCO ce`le`bre 2200 E anniversaire de la ville de Tachkent = ЮНЕСКО празднует 2200-летие города. Тошкент, 2009. 229-б.

26 History of civilizations of Central Asia. Vol. 16 The dawn of civilizations: earliest times to 700 B.C. Paris. 1992; Vol.116 The development of sedentary and nomadic civilizations: 700 B. C. to A.D. 250.Paris. 1993; Vol. III 6 The crossroads of civilizations: A.D. 250 to 750. Paris. 1996. Vol. IV The age of achievement: A.D. 750 to the end of the eighteenth century. Part I The historical, social and economic sitting.Paris. 1998; Part II The Achievements; Vol. V Development in contrast: from the sixteenth to the mid — nineteenth century. Paris. 2003; Vol. VI towards the Contemporary Period: From the Mid-nineteenth to the End of the Twentieth Century. Paris. 2005.

олти жилдли фундаментал асар яратилди. Асарни тайёрлаш ва нашр этишда А. Асқаров, Э. Ртвеладзе, А. Муҳаммаджонов, Р. Муқминова, Д. Алимова, А. Голованов каби ўзбекистонлик олимлар фаол иштирок этди.

2003 йил ЮНЕСКО Бош анжумани 32-сессиясида «Номоддий маданий меросни муҳофаза қилиш тўғрисида»ги конвенция қабул қилинди. Ўзбекистон ушбу конвенцияга 2008 йилда қўшилди ҳамда конвенция доирасида маданий меросни ҳимоя қилиш бўйича амалдаги қонун ҳужжатларига тегишли қўшимча ва ўзгартиришлар киритди. 2001 йили «Бойсун минтақаси маданий муҳити», 2003 йили «Шашмақом» мусиқаси, 2009 йили «Катта ашула», 2009 йили «Наврўз», 2014 йили «Аския» кабилар БМТ Бош Ассамблеяси ва ЮНЕСКО томонидан инсониятнинг номоддий маданий мероси дурдоналари рўйхатига киритилди. Таъкидлаш керакки, тарихан Ўзбекистон моддий ва номоддий маданий мерос объектларига бой макон. Улардан ўлан, достончилик, бахшичилик, лапар, танавор, масхарабозлик, дорбозлик, қўғирчоқбозлик, кўпкари, иқат[27], миллий таомлардан ош, сумалак, ҳалим кабиларни ЮНЕСКОнинг ушбу рўйхатига киритиш Ўзбекистон тарихи ва маданиятини жаҳонга танитишда катта ҳисса бўлади.

Ўзбекистон БМТ ва унинг турли тузилмалари фаолиятида фаол иштирок этаётган давлат. Шу боис ҳам мазкур ташкилот Ўзбекистонга ҳам катта қизиқиш билан қарайди. Жумладан, Ўзбекистонга 2002 йил БМТнинг собиқ Бош котиби Кофи Аннан, 2010, 2015 йилларда амалдаги Бош котиб Пан Ги Мун ташриф буюрди ҳамда Ўзбекистон ва БМТ ҳамкорлигининг амалий ва ижобий самараларига катта баҳо берди.

Мустақил Ўзбекистон тарихан қисқа, лекин мазмунан ижтимоий, иқтисодий, сиёсий, маданий соҳаларда асрларга тенг йилларни босиб ўтди. Мазкур давр Ўзбекистон тарихининг мустақиллик даври тарихи сифатида муҳим аҳамиятга эга. Дарҳақиқат, бугун Ўзбекистон ҳар томонлама ривожланган, иқтисодий, сиёсий ва маънавий жиҳатдан етук, кучли фуқаролик жамиятини барпо этиш мақсадида жаҳон ҳамжамияти билан кенг кўламли ҳамкорлик алоқаларини олиб бормоқда. Хусусан, Ўзбекистоннинг жаҳондаги йирик, халқаро ташкилот БМТ билан ҳамкорлиги масалалари ва бу борадаги улкан ютуқлар мустақил Ўзбекистон тарихи саҳифаларида муҳим аҳамиятга эга.

---

[27] Иқат — қўлда бажариладиган мураккаб тикиш техникаси.

*О. АБДИМЎМИНОВ*

## ЎЗБЕКИСТОННИНГ БМТ БИЛАН ҲАМКОРЛИК АЛОҚАЛАРИ: УСТУВОР ЙЎНАЛИШЛАР ВА РИВОЖЛАНИШ ТЕНДЕНЦИЯЛАРИ

Ушбу мақолада Ўзбекистоннинг БМТ билан Марказий Осиёдаги минтақавий муаммоларни бартараф этиш масалалари юзасидан ўзаро ҳамкорлик алоқалари таҳлил қилинган. Жумладан, Марказий Осиёдаги тинчлик ва барқарорлик, Афғон ва Орол муаммолари ҳамда тарихий-маданий мерос, миллий қадриятларни тиклаш борасидаги ҳамкорлиги алоқалари фактлар, илмий манбалар асосида таҳлил қилинган.

*Калит сўзлар*: Ўзбекистон Республикасининг ташқи сиёсати, ҳамкорлик алоқалари, халқаро ташкилотлар билан ҳамкорлик, БМТ, Марказий Осиё, минтақавий муаммолар, Афғон муаммоси, Орол муаммоси, минтақавий барқарорлик, ЮНЕСКО, тарихий-маданий мерос, миллий қадриятлар.

*О. АБДИМУМИНОВ*

## СОТРУДНИЧЕСТВО РЕСПУБЛИКИ УЗБЕКИСТАН С ООН: ПРИОРИТЕТНЫЕ НАПРАВЛЕНИЯ И ТЕНДЕНЦИИ РАЗВИТИЯ

Статья посвящена сотрудничеству Узбекистана с ООН в решении региональных проблем в Центральной Азии. На основе научных источников и фактов проанализированы вопросы стабильного развития и обеспечения мира в Центральной Азии, Афганская и Аральская проблемы, историческое и культурное наследие, реставрация национальных ценностей.

*O. ABDIMUMINOV*

## COOPERATION OF THE REPUBLIC OF UZBEKISTAN WITH UN: THE PRIORITY DIRECTIONS AND DEVELOPMENT TRENDS

This article is devoted to the cooperation of Uzbekistan and UN in the field of solution of regional problems in Central Asia. Based on facts and scientific sources the article analyzes the issues of maintaining peace and sustainable development in Central Asia, Afghan and Aral Sea problems, historical and cultural heritage and restoration of national values.

*С. ТОЛИБОВА*

# ЎЗБЕКИСТОННИНГ АСЕАН ДАВЛАТЛАРИ БИЛАН ТУРИЗМ СОҲАСИДАГИ АЛОҚАЛАРИ РИВОЖИ ВА ИСТИҚБОЛИ

XX асрнинг иккинчи ярмидан жаҳон бозорига юқори даромадли соҳа сифатида фаол кириб кела бошлаган туризм динамик ривожланишни бошидан кечираётган иқтисодиётнинг муҳим тармоғига айланди. Халқаро алоқаларнинг ривожланиши ва кенгайиб бориши давлатларнинг сайёҳлик салоҳиятидан самарали фойдаланиш имкониятини оширмоқда. Ўз навбатида, аҳоли фаровонлигининг ортиши даромадларнинг бир қисмини дам олиш, хусусан, саёҳатга чиқишга сарфлаш учун шароит яратмоқда.

Халқаро савдо ташкилотининг таҳлили туризм катта даромад келтирувчи етакчи иқтисодий тармоққа айланганини кўрсатмоқда[1]. Хорижий экспертларнинг маълумотларига қараганда, бугунги кунга келиб, АҚШ, Хитой, Япония, Ғарбий Европа давлатлари бюджетларининг 30 дан 60 % гача қисмини туризмдан келаётган даромадлар ташкил қилмоқда[2]. Агар юқорида қайд этилган фикрга таяниб, жаҳонда етакчи  давлатларнинг ЯИМ кўрсаткичини ҳисобга оладиган бўлсак, бу соҳадан келаётган молиявий маблағлар нақадар салмоқли эканлигини англаб етиш қийин эмас.

Шу билан бирга, XXI аср бошига келиб, сайёҳлик хизмати турлари, унинг харажатлари, туристик бозорнинг ҳолати ҳамда унга нисбатан бозор қонуниятларини кенг татбиқ этиш ва маҳсулотининг харидоргир бўлиши каби масалалар ижтимоий-гуманитар фанлар, хусусан, тарих фани вакилларида ҳам ўрганишга қизиқиш ортиб бораётганини кузатиш мумкин. Ушбу мақола ҳам ана шундай уринишлардан бири бўлиб, унда Ўзбекистон ва АСЕАН давлатлари мисолида сайёҳлик алоқаларини янада ривожлантириш истиқболлари таҳлил этилган.

**Ўзбекистонниг сайёҳлик салоҳияти мустақиллик йилларида.** Туристик маҳсулот ва унинг турлари  республикамиз хизматлар бозорида ҳам ўз мавқеини мустаҳкамлаб бораётганлигини кўриш мумкин. Маълумки, Ўзбекистон улкан туристик салоҳиятга эга бўлган давлат ҳисобланади. Шуни ҳисобга олган ҳолда, Ўзбекистон Республикасининг ташқи сиёсат ва халқаро иқтисодий-маданий муносабатлар стратегиясида ҳам туризмнинг иқтисодий-молиявий ва маданий-маърифий салоҳиятидан унумли фойдаланиш устувор вазифалардан бири ҳисобланади. Зеро, туризмнинг миллатлараро алоқаларни кенгайтириш ва мустаҳкамлаш ҳамда халқаро сайёҳлик бозорига узвий қўшилиш, Ўзбекистоннинг маданий-тарихий ва маънавий меросини жаҳон ҳамжамиятида тарғиб қилишда ўрни ва роли юқоридир.

---

[1] Никитенко И.Н. Великий Шелковый Путь — культурное наследие. // http://www.advantour.com/rus/silkroad/great-silk-road-nikitenko.htm

[2] UNWTO Tourism Highlights, 2014. Edition.

1990-йиллар охирида Европа Комиссияси томонидан ўтказилган таҳлилга кўра, маданият туристларнинг 60% учун саёҳат қилишга ундовчи асосий сабаб сифатида кўрсатилган. Шуни эътиборга олиб, Бутунжаҳон сайёҳлик ташкилоти Бош Ассамблеясининг 12-сессиясида «Янги минг йиллик учун бутунжаҳон маданий меросини сақлаш» зарурлиги ҳақида қарор қабул қилди[3].

Дарҳақиқат, Самарқанд, Бухоро, Хива, Шаҳрисабз, Термиз, Қўқон каби тарихий обидаларга бой шаҳарлар, яъни «Очиқ осмон остидаги музей»лар бутун дунёга машҳур. Ўзбекистон катта тарихий-маданий меросга — етти мингдан ортиқ тарихий-меъморий ва археологик обидаларга эга бўлиб, тарихий обидаларнинг 140 таси ЮНЕСКО томонидан муҳофаза этиладиган тарихий ёдгорликлар сирасига киритилган. Шунингдек, Ўзбекистонда ноёб табиат ёдгорликлари, жумладан, 400 дан ортиқ ноёб табиат ёдгорликлари, тоғли ҳудудларда 400 дан ортиқ ғорлар, 500 дан ортиқ кўллар, шунингдек, дарёлар, шаршаралар мавжуд[4]. Буларнинг барчаси анъанавий туризм билан бирга альтернатив (экотуризм, этнотуризм ва ҳоказо) сайёҳлик турларини бирга олиб бориш ҳамда халқаро миқёсда сайёҳларни ўзига жалб этиш борасида Ўзбекистоннинг туристик салоҳияти ортиб бориши учун замин ҳисобланади.

Ҳақиқатан ҳам, мустақилликнинг илк давридан Ўзбекистонда жаҳон туризм бозорига фаол кириб бориш учун шароит яратилиши ижобий самарасини берди. Жумладан, айрим маҳаллий мутахассисларнинг берган маълумотларига қараганда, «... собиқ Иттифоқ даврида, яъни 1987 йилда Ўзбекистонга 210 мингга яқин хорижлик туристлар келган бўлса, 2010 йилда уларнинг сони 1,3 млн. кишини ташкил этди»[5]. 2015 йил маълумотларига қараганда, Ўзбекистонга бир йилда келаётган сайёҳларнинг сони 2 млн. атрофида ва уларнинг сони бир йилда 80—100 мингтага кўпайиб бораётгани қайд этилган[6].

Агар яқин ўтмишга (охирги 25 йиллик тарихга) мурожаат этадиган бўлсак, ҳақиқатда бу соҳада амалга оширилган ишлар кўлами салмоқли эканлигини кўриш мумкин. Маълумки, халқаро туризмни ривожлантириш мустақилликка эришган Ўзбекистон давлати учун янги йўналиш ҳисобланар, ҳали бу соҳада зарур, дунё тан оладиган даражада тажриба етишмас эди. Қолаверса, хизмат кўрсатиш талаблари, сервис жаҳон андозаларига мос келиши ҳам талаб этиларди.

Дастлаб, соҳанинг ҳуқуқий ва институционал пойдеворига асос солинди. Хусусан, Республика Президентининг 1992 йил 27 апрелда «Ўзбектуризм» Миллий компаниясини ташкил этиш тўғрисидаги» 447-сонли Фармони[7], сўнгра

---

[3] Никитенко И.Н. Великий Шелковый Путь — культурное наследие. // http://www.advantour.com/rus/silkroad/great-silk-road-nikitenko.htm

[4] «Ўзбектуризм» Миллий компаниясидан олинган маълумотлар асосида кўрсатилган.

[5] Абриев Р.Б. Мустақиллик йилларида Ўзбекистонда тарихий-меъморий обидаларни таъмирлаш ва қайта тиклаш жараёнлари (Зарафшон воҳаси мисолида). Тошкент, 2015. 169-б.

[6] «Ўзбектуризм» Миллий компаниясидан олинган маълумотлар асосида кўрсатилган.

[7] Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами. 2002. № 9. 375-б.

Вазирлар Маҳкамасининг «Ўзбекистон Республикасида Халқаро туризмнинг замонавий инфраструктурасини барпо этиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарори[8] эълон қилинди. 1999 йилда Ўзбекистон Республикасининг «Туризм тўғрисида»ги Қонуни[9], «Ўзбектуризм» Миллий компанияси фаолиятини янада чуқурлаштириш тўғрисида»ги[10] Вазирлар Маҳкамасининг қарори қабул қилинди. Қабул қилинган меъёрий ҳужжатларнинг мақсади туризм соҳасидаги муносабатларни ҳуқуқий жиҳатдан тартибга солиш, туристик хизматлар бозорини ривожлантириш, шунингдек, сайёҳлар ва туристик фаолият субъектларининг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилишдан иборат.

Айни пайтда Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А. Каримовга 1999 йил 19 апрелда Тошкентда Бутунжаҳон сайёҳлик ташкилотининг Бош котиби Франческо Франжиаллинининг «Бутунжаҳон сайёҳлик ташкилотининг олий мукофоти»ни топширгани бу соҳа ривожланишининг эътирофи бўлди.

Сайёҳлик соҳаси инфратузилмасини ривожлантириш борасида ҳам Ўзбекистонда қатор эътирофга молик ишларни алоҳида қайд этиш лозим. Хусусан, туризмни ривожлантириш соҳасига хорижий кредитлар ва инвестицияларни жалб этиш, хорижий мамлакатлар, шунингдек, хорижий компаниялар билан узоқ муддатли ҳамкорликни йўлга қўйишга қаратилган дастурлар, туризм соҳаси учун кадрларни тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш чора-тадбирлари комплексини амалга ошириш, туризм тармоқ фанини ривожлантиришга кўмаклашишга қаратилган кенг қамровли ишлар амалга оширилди.

Хусусан, шу мақсадда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарорига мувофиқ айрим хизмат кўрсатиш сервислари, жумладан, Самарқанд шаҳридаги «Афросиёб», Бухоро шаҳридаги «Бухоро» меҳмонхоналари Германиянинг «Inpro Hotels» ва «Shtainberg rezervaition cervis» фирмаларига ҳар йили фойда ҳисобидан 500 минг доллар давлат ҳисобига тўлаш шарти билан фойдаланиш учун берилди[11]. Дунё туризм бозорида таниқли «Radisson Blu Hotel», «Dedeman Silk Road Tashkent», «Lotte City Hotel Tashkent Palace» каби меҳмонхоналар фаолияти йўлга қўйилди. 2015 йилдан «Hayat», «Hilton» меҳмонхона тармоқлари билан ҳамкорлик ўрнатилди.

Шу билан бирга, «Ўзбекистон ҳаво йўллари» Миллий авиакомпанияси, «Ўзбекистон темир йўллари» давлат-акционерлик компанияси, Давлат солиқ қўмитаси ҳамда бошқа манфаатдор вазирликлар ва идоралар билан биргаликда сайёҳларга сифатли транспорт ва сервис хизматларини ташкил этиш бўйича

---

[8] Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг қарорлари тўплами. 1995. 6-сон, 20-модда; Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами. 2004. 30-сон, 346-модда.

[9] Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Ахборотномаси. 1999. 9-сон, 227-модда; Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2006. 14-сон, 113-модда.

[10] Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2004. 30-сон, 346-модда; 2010. 23-сон, 183-модда; 2012. 41–42-сон, 478-модда.

[11] Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарори. 16 март. 2001. № 131.

узоқ йилларга мўлжалланган комплекс дастур ишлаб чиқилди ва жорий этилди. Хусусан, «Ўзбекистон ҳаво йўллари» Миллий авиакомпанияси учун «Боинг-757», «Боинг-767», «Аэробус А-320» каби самолётлар давлат кўмагида сотиб олинди. Ҳозирги кунда улар Европа, Осиё, Яқин Шарқ ва Америкадаги 40 дан ортиқ шаҳарлар йўналишларида хизмат қилмоқда. Шунингдек, Ўзбекистондаги 11 та аэропорт халқаро мақомга эга бўлди. «Тальго» испан компанияси томонидан ишлаб чиқилган юқори тезликда юрувчи поездлар Тошкент–Самарқанд–Тошкент йўналишида сайёҳларга хизмат кўрсатиш даражасини оширди.

Ўзбекистон Президенти ташаббуси билан 1995 йилдан буён «Ипак йўлида туризм» номли Тошкент халқаро туристик кўргазмаси (ТХТК) мунтазам равишда ўтказиб келинмоқда. Ушбу тадбир халқаро кўргазмалар орасида илғор тадбир даражасида баҳоланиб, БМТнинг Бутунжаҳон сайёҳлик ташкилоти томонидан эътироф этилди. Кўргазмада охирги йилларда 25–30 мамлакатдан юзга яқин туристик компания иштирок этмоқда. Шунингдек, 2013 йилдан бошлаб Ўзбекистоннинг миллий меросини жаҳон миқёсида тарғиб этиш, хорижий сайёҳлар оқимини жалб қилиш мақсадида ҳар йили баҳорда янги халқаро тадбир — «Дам олиш дунёси» Ўзбек халқаро туристик кўргазмаси йўлга қўйилди. Ўз навбатида, Ўзбекистоннинг муҳим халқаро туристик кўргазмаларда ҳам фаол иштироки сезиларли даражада ўсиб бормоқда. Республикада 2011 йилдан буён «Мега-инфо-тур» лойиҳаси асосида хорижлик оммавий ахборот воситалари ва туристик ташкилот вакиллари учун мамлакатимиз бўйлаб имтиёзли таништирув саёҳатлари ташкиллаштириб келинмоқда. Ҳар йили бу лойиҳада 30 га яқин мамлакатдан 300 дан ортиқ мутахассислар иштирок этадилар[12].

Президент И. Каримов таъкидлаганидек, бугунги кунда «Ўзбекистонда 550 та сайёҳлик компанияси — туроператорлари фаолият юритмоқда, юртимиздаги тарихий объектлар, архитектура ва шаҳарсозлик обидаларининг аксариятини қамраб олган 110 та халқаро сайёҳлик йўналиши бўйича компаниялар хизмат кўрсатмоқда. Бу йўналишларнинг 65 таси тарихий-маданий мерос объектлари, 30 таси табиий-рекреацион, 15 таси соғломлаштириш туризми элементларини ўз ичига олган экологик йўналишлардир»[13].

Хуллас мустақиллик йилларида туризм салоҳиятини ривожлантириш борасидаги саъй-ҳаракати жаҳондаги нуфузли халқаро ташкилотлар томонидан муносиб баҳоланиб, БМТнинг Бутунжаҳон сайёҳлик ташкилоти (UNWTO) 2013 йилда Ўзбекистонни туризм соҳаси жадал ривожланиб бораётган илғор бешта давлат қаторига киритди[14].

---

[12] «Ўзбектуризм» Миллий компаниясидан олинган маълумотлар асосида кўрсатилган.

[13] Каримов И.А. Эришган марралар билан чегараланмасдан, бошланган ислоҳотларимизни янги босқичга кўтариш — бугунги кундаги энг долзарб вазифамиздир. Тошкент, 2015. Т. 23. 42-б.

[14] Узбекистан признан одним из мировых лидеров в сфере развития туризма // http://news.mail.ru/inworld/uzbekistan/society/12516504/?frommail=1

**Жанубий-Шарқий Осиё мамлакатлари ва Ўзбекистон ўртасидаги алоқаларда туризмнинг ўрни**. XX аср охирига келиб Шарқ ва Ғарбни боғловчи Буюк Ипак йўлининг қайта тикланиши, биринчи навбатда, ушбу минтақада жойлашган давлатлар, шу жумладан, Ўзбекистоннинг муҳим геосиёсий ва геоиқтисодий манфаатларини ўзида мужассамлаштирса, иккинчидан, бу йўл орқали олиб борилган ҳамкорлик алоқалари тарихини ўрганишга кучли интилиш кузатилмоқда. Агар Евроосиё қитъасининг жануби-шарқида жадал ривожланиб бораётган АСЕАН мамлакатлари салоҳияти ва бой тарихий, маънавий ва моддий меросини ҳисобга оладиган бўлсак, Буюк Ипак йўлининг қоқ марказида жойлашган республикамиз учун улар билан иқтисодий-маданий соҳадаги ҳамкорликни ривожлантириш аҳамиятли эканлигини таъкидлаб ўтиш зарур.

Маълумки, собиқ Иттифоқ даврида Ўзбекистон мустақил ташқи муносабатларга кириша олмас эди. Фақат марказнинг рухсати ва кўрсатмаси асосида саноқли давлатлар айрим соҳа йўналишлари бўйича ҳамкорлик алоқаларини олиб борган эди. Улар орасида Жанубий-Шарқий Осиё минтақасида жойлашган давлатлардан Вьетнам социалистик республикаси билан гуманитар алоқалар йўлга қўйилган эди. Архив маълумотларининг далолат беришича, 1983 йилдан 1990 йиллар бошига қадар Вьетнамдан келган 3000 дан ортиқ талаба ва аспирантлар Ўзбекистон олий ва ўрта махсус ўқув юртларида ўқиган. Шунингдек, 1984 йилда республикамизнинг Фарғона вилояти ва ушбу давлатнинг Фукхан провинцияси ўртасида дўстлик ва ҳамкорлик алоқалари бўйича битим тузилган ва ҳар икки давлат сайёҳларининг келиб-кетишларига йўл очилган эди, холос[15].

Халқаро геосиёсий жараёнларда фаол қатнашаётган Жанубий-Шарқий Осиё мамлакатлари Ассоциацияси (АСЕАН)га 1967 йил 8 августда асос солинган бўлиб, дастлаб унга 5 та давлат – Индонезия, Малайзия, Сингапур, Таиланд, Филиппин давлатлари кирган эди. Кейинчалик Бруней-Доруссалам (1984 й.), Вьетнам (1995 й.), Лаос ва Мьянма (1997 й.), Камбоджа (1999 й.) давлатларининг ушбу ташкилот таркибига қўшилиши унинг иқтисодий салоҳиятини янада оширди. Папуа-Янги Гвинея алоҳида кузатувчи статусига эга бўлиб турибди[16].

Ушбу ташкилот нафақат Осиё, балки жаҳонда нуфузли минтақавий ташкилот сифатида ўз ўрнига эга. XXI аср бошига келиб унинг мавқеи янада ошиб бормоқда. Бунга сабаб, АСЕАН давлатларининг биргаликда қабул қилинган ва қатъий амал қилиб келаётган меъёрий ҳужжатларини, жумладан, 1967 йилда қабул қилинган ташкилотга аъзо бўлиш қоидалари — Бангкок декларациясини кўрсатиб ўтиш мумкин. Ҳужжатда аъзо давлатларнинг ҳудудий ҳамкорлик алоқалари учта мезонга асосланган: ҳамкорлик асосида ҳудуднинг иқтисодий-ижтимоий тараққиёти ва маданий ривожланишини рағбатлантириш; Жанубий-Шарқий Осиёда тинчлик ва хавфсизликни таъминлашга ҳисса қўшиш; ҳудуд-

[15] ЎзР МДА. М-2-фонд, 1-рўйхат, 137-иш, 10-варақ.

[16] Аналитический доклад. Ассоциация государств Юго-Восточной Азии (АСЕАН). // http://ecis.info/page.php?id=664

нинг умумий манфаатлари доирасида иқтисодий, ижтимоий, маданий, техник, илмий ва маъмурий масалаларда ҳамкорликни ривожлантириш ва бирбирига ёрдам бериш[17]. Бундан ташқари, Ассоциацияга аъзо давлатлар ўртасида либерал характердаги қатор имтиёзларни назарда тутган эркин савдо ва ҳудудий инвестициялар зонаси ҳамда ишлаб чиқариш соҳасида таянч ҳамкорлик шартномаси мавжуд.

Юқорида қайд этилган мезонлар ва ҳамкорлик соҳасидаги преференциялар бутун ҳуднинг иқтисодий тараққиёти учун туртки берди. Хусусан, охирги 29 йил давомида (1985–2014 йилларда) деярли 600 млн. кишини қамраб олган АСЕАН давлатларида ўртача жон бошига ЯИМ кўрсаткичи 2014 йилда 8900 АҚШ долларини ташкил қилди. Бу ўртача жаҳон кўрсаткичидан юқори ҳисобланади. Жон бошига ЯИМ кўрсаткичи жиҳатидан Сингапур 38087 АҚШ долл. кўрсаткичи билан биринчи ўринда туради, Бруней султонлиги кўрсаткичи — 25 140 ва Малайзияники 7 304 АҚШ долл. га тенг. Шуни алоҳида таъкидлаш керакки, охирги 25 йил давомида, яъни 1990 йилдан 2014 йилгача аҳоли жон бошига ЯИМ ўртача 30 % (2 588 АҚШ долл.)га ўсди[18].

Агар дунё миқёсида туризм йўналишидаги рейтинг кўрсаткичларига назар ташласак, унда Жанубий-Шарқий Осиё мамлакатларининг етакчи ўринларда эканлиги ва салоҳиятининг ортиб бораётганлигини кўриш мумкин. Хорижий экспертларнинг берган маълумотларига қараганда, халқаро туризм соҳаси бўйича 2016 йилда ўтган йилга нисбатан АСЕАН давлатларида (+5%) ўсиш суръати кузатилмоқда[19]. Юқоридагиларни инобатга олиб, Ўзбекистон ўз сайёҳлик салоҳиятини тўла ишга солишда АСЕАН мамлакатлари билан икки томонлама, айниқса, кўптомонлама алоқаларни янада чуқурлаштириши керак деб ҳисоблаймиз.

Тўғри, мустақиллик йилларида Ўзбекистоннинг Жанубий-Шарқий Осиёнинг қатор давлатлари билан ҳамкорлиги йўлга қўйилган. Жумладан, 1990-йиллар бошларида Индонезия, Вьетнам, Малайзия, Сингапур, Таиланд ва Филиппин давлатлари билан дипломатик алоқалар ўрнатилган. Биргина Вьетнам, Малайзия, Сингапур, Таиланд каби давлатлар билан 2013 йил якунларига асосан қайд этилган савдо айланмасининг миқдори, тегишли тартибда 15,9; 84,6; 47,6 ва 19,7 млн. АҚШ долл. ни ташкил қилган. Ушбу давлатларнинг қатор бизнес тузилмаларининг ваколатхоналари Ўзбекистонда расмий очилган. Маданий ва гуманитар соҳада ҳам алоқалар ривожланиб, дўстлик жамиятлари фаолияти йўлга қўйилган, ҳамкорликдаги олий ўқув юртлари фаолият кўрсатмоқда. Масалан, 1995 йилда Ўзбекистон ва Индонезия ўртасида ҳар томонлама алоқаларни ривожлантириш мақсадида декларация имзоланди[20]. 1999 йил 29 сен-

[17] https://bgscience.ru/lib/10044/

[18] Мухсимова Д.Х. Перспективы развития региональной интеграции Центральной Азии на примере Ассоциации стран Юго-Восточной Азии (АСЕАН) // Экономика, предпринимательство и право. 2015. Т. 5. № 4. 273–282-б.

[19] (UNWTO). 2015 International Tourism Results and Prospects for 2016.www.unwto.org.

[20] Намозов Н. Индонезия тарихидан лавҳалар. Тошкент, 2001. 224-б.

тябрда Вазирлар Маҳкамаси Ташқи иқтисодий фаолиятни мувофиқлаштириш департаментининг Ўзбекистон Республикаси билан Филиппин Республикаси ўртасида маданий ва таълим соҳасидаги келишуви имзоланган[21]. Ўз навбатида, ўзбекистонлик ёшлар, хусусан, Малайзия олий ўқув юртларида таҳсил олмоқда.

Ўзбекистон ва АСЕАН давлатлари билан туризм соҳасида ҳам ҳамкорлик алоқалари йўлга қўйилган. Булар орасида қадриятларимиз ва маданиятимиз яқинлиги жиҳатидан Малайзия ажралиб туради. Жумладан, айрим маълумотларга кўра, ҳар йили 3000 га яқин малайзиялик сайёҳлар мамлакатимизга ташриф буюрмоқда. Малайзиялик туристлар учун Имом ал-Бухорий мақбарасини зиёрат қилиш бош мақсад эканлиги қайд этилган[22].

Бундан ташқари, Ўзбекистоннинг сайёҳлик салоҳиятини минтақа давлатларида таништиришга қаратилган тадбирлар ҳам ўтказилиб келинмоқда. Масалан, 2014 йилда «Ўзбекистон ҳаво йўллари» Миллий авиакомпанияси, «Ўзбектуризм» Миллий компанияси ва Ўзбекистон хусусий туристик ташкилотлар Ассоциацияси билан ҳамкорликда Таиланд, Сингапур ва Малайзияда «Road Show» тури доирасида мамлакат сайёҳлик салоҳиятининг тақдимотлари ўтказилди[23].

Кўриниб турибдики, Ўзбекистон ва АСЕАН мамлакатлари ўртасида ҳамкорлик, шу жумладан, туризм соҳаси алоқаларида захиралар мавжуд. Қолаверса, республика туристик салоҳияти халқаро ташкилотлар томонидан юқори баҳоланса-да, лекин унинг самарадорлиги пастлигича қолмоқда (ЯИМнинг атиги 0,6 % ни ташкил қилади). Бу туризмнинг рекреацион ресурслари, туристик маршрутлар, тарихий ва маданий ёдгорликлар салоҳиятидан етарли даражада фойдаланилмаётганидан далолат бермоқда. Юқоридагиларни инобатга олиб, фикримизча, мамлакатимизда сайёҳлик тизимини янада тараққий эттириш учун АСЕАН давлатлари ва Ўзбекистон ўртасида бу соҳадаги ҳамкорлик алоқаларида асосий эътиборни икки томонлама эмас, биринчи навбатда кўп томонлама, яъни бевосита Ассоциация билан институционал алоқаларни йўлга қўйишга қаратиш керак. Масала ечимининг бу тарзда қўйилиши Шарқнинг ушбу минтақасидан Ўзбекистонга сайёҳлик қилиш учун келишни енгиллаштириш орқали улар сонининг ортишини, айни пайтда сайёҳлик бизнеси имкониятларидан миллий иқтисодни мустаҳкамлашда фойдаланишни назарда тутади.

---

[21] ЎзР МДА. М-7-фонд, 1-рўйхат, 720-иш, 19-варақ.

[22] http://www.mtrk.uz/ru/news/info/company/2381/

[23] Туристический потенциал Узбекистана представлен в странах Юго-Восточной Азии // http://naesmi.uz/ru/site/page.html?id=4305

*С. ТОЛИБОВА*

## ЎЗБЕКИСТОННИНГ АСЕАН ДАВЛАТЛАРИ БИЛАН ТУРИЗМ СОҲАСИДАГИ АЛОҚАЛАРИ РИВОЖИ ВА ИСТИҚБОЛИ

Мақолада Ўзбекистон Республикасида мустақиллик йилларида туризмнинг шаклланиши ва ривожланиши тарихи, шунингдек, сайёҳлик соҳасида Жанубий-Шарқий Осиё региони давлатлари (АСЕАН) билан алоқалари, муаммолари ва истиқболи масалалари атрофлича таҳлил қилинган.

*Калит сўзлар*: туризм, Жанубий-Шарқий Осиё региони давлатлари, «Ўзбектуризм», экотуризм, этнотуризм, инфратузилма, инвестиция, индустрия, динамика, рекреацион ресурслар, сервис, сайёҳлик, туристик маршрутлар, тарихий ва маданий ёдгорликлар, АСЕАН.

*С. ТОЛИБОВА*

## РАЗВИТИЕ И ПЕРСПЕКТИВЫ ВЗАИМООТНОШЕНИЙ УЗБЕКИСТАНА И СТРАН АСЕАН В СФЕРЕ ТУРИЗМА

В статье рассмотрены вопросы формирования и развития туризма в Узбекистане, проблемы и перспективы взаимоотношений в данной сфере с государствами Юго-Восточной Азии (АСЕАН).

*S. TOLIBOVA*

## THE DEVELOPMENT AND PROSPECTS OF RELATIONS BETWEEN UZBEKISTAN AND ASEAN COUNTRIES IN TOURISM

The article considers the issues of history of formation and development of tourism in Uzbekistan, as well as problems and prospects of relations in the field of turism in Southeast Asian Nations (ASEAN). And also, the erticle covers recreational tourism resources in the Republic, touristic routes and the possibilities of use of historical and cultural memorials.

*Д. ЗИЯЕВА*

# ЎЗБЕКИСТОН ЗАМОНАВИЙ ШАҲАРЛАРИНИНГ ТАРАҚҚИЁТИ МАСАЛАЛАРИ

Ўзбекистонда шаҳар маданияти чуқур тарихий илдизларга эга. Марғилон, Тошкент, Хива, Термиз, Қарши, Самарқанд, Бухоро каби қадимий цивилизация марказлари қарийб 2000 йилдан ортиқ тарихга эга эканлиги бугунги кунда илмий асосда исботланди. Тарихий жараёнлар силсиласида шаҳарлар гоҳ юксалиб, гоҳ емирилиб турса-да, уларнинг асосий қисми ўтмиш суронларидан ўтиб ҳозиргача етиб келди. XIX асрнинг ўрталари — XX аср бошларига оид маълумотларга кўра, Туркистон ҳудудида ўрта ҳисобда 29 та шаҳар, ўнлаб шаҳарчалар мавжуд эди[1]. 1940-йилларга келиб, шаҳарлар сони 27 тани, шаҳар аҳолисининг умумий аҳоли таркибидаги улуши 24,5% ни ташкил қилар эди.

Статистик маълумотларда XX асрнинг иккинчи ярмида, аниқроғи 1960–1980 йилларда шаҳарлар сони ва шаҳар аҳолисининг нуфуси кескин ортганлиги қайд этилади[2]. Бу жараён нафақат демографик омиллар, балки янги шаҳарлар — саноат шаҳарларининг вужудга келиши билан ҳам боғлиқ эди. Шаҳарлар типологиясида моношаҳар деб ном олган бундай шаҳарлар, асосан, совет даврида табиий ресурсларни ўзлаштириш мақсадида тегишли ҳудудларда бир ёки бир неча корхоналарнинг ташкил этилиши муносабати билан уларда меҳнат қилувчи ишчи кучини жойлаштириш жараёнида юзага келган ва ёпиқ шаҳар ҳисобланган, улар ҳарбий саноат комплекси томонидан бошқарилган[3] (Зарафшон, Олмалиқ, Ангрен ва бошқ.).

Истиқлол арафасига келиб Ўзбекистонда жами шаҳар манзилгоҳлари 221 тани ташкил қилар, шулардан 124 таси шаҳар, 97 таси шаҳар типидаги посёлкалар мақомига эга бўлиб[4], шаҳар аҳолисининг нуфуси 40,7% ни ташкил қилар эди[5].

XX асрнинг иккинчи ярмида бутун жаҳонда шаҳар маданиятида бўлган ўзгаришлар таъсирида Ўзбекистон шаҳарларида ҳам замонавий транспорт турлари, автомобиль, саноат корхоналари, кўп қаватли бинолар, коммунал хиз-

---

[1] Зияева Д. Ўзбекистон шаҳарлари XIX асрнинг иккинчи ярми — XX аср бошларида. Тошкент, 2013. 154-б.

[2] Совершенствование городского управления и инфраструктуры городов в Узбекистане: проблемы и поиск новых механизмов и инструментов // Development Fokus. Issue # 17 (August 2011); http://www.cer.uz/

[3] Урбанизация и индустриализация в странах Центральной Азии: поиск ответов на ключевые вопросы развития // Development Fokus/ Issue # 4 (April 2013). 1-б.

[4] Население СССР по данным Всесоюзной переписи населения в 1989 г. Москва, Финансы и статистика, 1990. 28-б.

[5] Ўзбекистон Республикаси халқ хўжалиги. 1994. Йиллик статистик тўплам. Тошкент, 1995. 15-б.

мат, сув, газ, электр қуввати манбалари, касалхона, театр, таълим муассасалари, янги техника ва технологиялар пайдо бўлди. Аммо бутун дунё миқёсида содир бўлган бу ўзгаришларнинг республика шаҳарларига кириб келиш кўлами ва сифат даражаси замон талабларидан анча ортда бўлиб, йил сайин кўпайиб бораётган шаҳар аҳолиси эҳтиёжлари ва талабларини қондира олмас эди. Шаҳарларнинг нотекис ривожланиши, шаҳар бюджетидаги тақчиллик, шаҳар бошқаруви масалаларидаги маъмурий буйруқбозлик, ишсизликнинг ўсиб бориши ва ишлаб чиқаришнинг сусайиб кетиши, истеъмол товарлари тақчиллиги, уй-жой етишмовчилиги, ижтимоий-маданий ва таълим муассасалари ҳолати ва моддий-техника базасининг замон талабига жавоб бермаслиги каби ҳолатлар бутун минтақа шаҳарларига хос эди[6]. Собиқ тузумдан ана шундай муаммолар гирдобида мерос бўлиб қолган шаҳарларни ривожлантириш учун жуда кўп муаммоларни ҳал этиш лозим эди.

Зеро, замонавий шаҳарлар тараққиётида табиий-географик, иқтисодий, ижтимоий-маданий омиллар билан бир қаторда техника ва технология, коммуникация ва логистика, транспорт ва инфраструктура ривожи, янги иш ўринларини мунтазам яратиш, хизмат кўрсатиш ва сервис, муҳандислик тармоқларининг сифат даражаси, экологик барқарорлик, шунингдек, шаҳарлардаги тинчлик, бағрикенглик муҳити, ташқи алоқалар имконияти, бошқарув тартиблари, ижтимоий тенгликнинг қарор топганлиги муҳим мезон ҳисобланади.

БМТ қошида 1978 йилда махсус ташкил этилган, ўзининг ҳудудий офислари орқали шаҳарлар хўжалиги, уй-жой таъминоти, коммунал хизмат ва инфраструктура тараққиёти бўйича 300 дан ортиқ дастур ва лойиҳаларни амалга ошириб келаётган UN Habitat муассасаси дастурларида қайд этилганидек, шаҳарлар барқарор тараққиётини таъминлашда унинг хўжалигини оқилона юритиш, шаҳар бошқарувида у ерда яшовчиларнинг фаол иштирокини таъминлаш, барқарор тараққиёт ва соф экологик муҳитга эришиш масалалари алоҳида ўрин тутади[7].

Мустақиллик йилларида Ўзбекистонда шаҳарлар тараққиётини таъминлашда асосий эътибор, энг аввало, мавжуд муаммоларни бартараф этиш учун тегишли ислоҳотлар дастурларини ишлаб чиқиш, уларда белгиланган вазифаларни комплекс ва изчил ҳал этишга қаратилди. Бу вазифалар мамлакатда амалга оширилган ижтимоий, иқтисодий, маъмурий ва сиёсий ислоҳотлар билан узвий боғлиқ равишда ҳал этиб борилди.

Маъмурий ва сиёсий ислоҳотларнинг дастлабки босқичида шаҳарларнинг ***бошқарув тизими*** янгиланиб, ҳокимлик институти ва вакиллик асосида маҳаллий кенгаш идоралари жорий этилди, уларнинг вазифалари ва ваколатла-

---

[6] Т о ғ а е в а А. Истиқлол арафасида Ўзбекистонда шаҳар маданияти муаммолари // Ўзбекистон шаҳарларининг энг янги тарихи: ислоҳотлар ва модернизация жараёнлари. Тошкент, 2016. 16–31-б.

[7] Программа ООН по населенным пунктам // http://www.un.org/ru/ga/habitat.

ри белгилаб берилди. Айни пайтда шаҳарларнинг *маъмурий марказ* сифатидаги мавқеи (вилоят, туман маркази) ҳамда бўйсунув (республика, вилоят ва туман миқёсидаги) тартиблари белгиланди. Унга кўра бугунги кунда республикадаги 12 та шаҳар вилоят маркази, 157 та шаҳар туман марказлари мақомига, 2 та шаҳар (Тошкент ва Нукус) республика миқёсидаги, 26 та шаҳар вилоят миқёсидаги, 90 та шаҳар туман миқёсидаги ва 1 таси шаҳар миқёсидаги шаҳарлар мақомига эга.

Ислоҳотларнинг кейинги босқичида *шаҳарларнинг янги классификацияси* ишлаб чиқилди. Ўзбекистон Республикасининг 1996 йил 30 августда қабул қилинган 276-I сонли Қонунининг 12-бандига асосан аҳолиси *2 мингдан кам бўлмаган*, саноат, қурилишлар, темир йўл бекатлари ҳамда бошқа муҳим объектлар қошида жойлашган аҳоли манзилгоҳларига *шаҳарча*, аҳолиси 7000 дан кам бўлмаган, тегишли инфраструктуралар ривожланган аҳоли пунктларига *шаҳар* мақоми берилиши белгилаб қўйилди[8]. Шу асосда 2009 йил 13 мартда ЎзР ВМ нинг махсус қарори[9] асосида республикадаги аҳоли манзилгоҳлари инвентаризацияси ўтказилди ва аҳолиси 2 мингдан ортиқ ва тегишли инфратузилмаларга эга бўлган 965 та (4,4 млн. аҳолиси билан) қишлоқ шаҳарча мавқеига эга бўлди. Шаҳар посёлкалари сони 1996 йилда 114 тани ташкил этган бўлса, 2009 йилда 1065 тага, 2015 йил январь ҳолатига кўра эса 1095 тага етди[10].

Бунинг натижасида республикада шаҳарлар аҳолиси салмоғи 51 фоизга етди. Қўшни республикалар билан солиштирганда, 2012 йил маълумотларига кўра, шаҳар аҳолиси Қозоғистонда 54,7 %, Туркманистонда 50 %, Қирғизистонда 33,9%, Тожикистонда 26,5 %, бутун Марказий Осиё миқёсида олиб қараганда эса 47,4 % ни ташкил қилади. Шаҳар аҳолисининг умумий сони бўйича эса Ўзбекистон биринчи ўринда туради. Республикада шаҳар аҳолиси 15 миллиондан ортиқ. Қозоғистонда 9 млн., Туркманистонда 5 млн., Қирғизистонда 5,5 млн., Тожикистонда 7,8 млн., бутун Марказий Осиёда 30 млн. 639 минг кишини ташкил қилган[11]. Демак, минтақадаги шаҳар аҳолисининг 50% Ўзбекистонга тўғри келади.

Бугунги кунда мамлакат аҳолиси 31 миллион 500 мингдан ортиб кетди ва мустақилликнинг 25 йили давомида шаҳар аҳолисининг нуфуси 1990 йилдаги (40%) га нисбатан анча ортиб, 51% га кўтарилди. Бундай натижаларга мамла-

---

[8] «Ўзбекистон Республикасида маъмурий-ҳудудий тузилиш масалаларини ҳал этиш тартиби тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикасининг Қонуни. 12-модда, 1996 йил, 30 август, 276-I-сон.

[9] «Ўзбекистон Республикаси аҳоли пунктларининг маъмурий-ҳудудий тузилишини такомиллаштиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг Қарори. 2009 йил, 13 март, 68-сонли қарор.

[10] Ўзбекистон Республикаси Давлат Статистика Қўмитаси маълумотлари. Тошкент, 2015 йил 1 январь ҳолати.

[11] Урбанизация в Центральной Азии: вызовы, проблемы и перспективы. Тошкент, 2013. 21-б.

катда изчил амалга оширилган сиёсий, ижтимоий, иқтисодий ислоҳотлар, барқарор ривожланиш, тинчлик ва бағрикенглик, осуда ҳаёт, муносиб турмуш шароитининг яратилиши туфайли эришилди.

Республика шаҳарлари тараққиётида уларнинг функционал типологияси муҳим аҳамият касб этади. Ўзбекистондаги замонавий шаҳарлар функционал вазифалари жиҳатидан бир неча гуруҳларга — *маъмурий марказ, тарихий шаҳар,* саноат тармоқлари бўйича ихтисослашган *саноат шаҳарлари* (Бекобод, Ангрен, Оҳангарон, Чирчиқ, Муборак, Газли, Зарафшон, Тахиатош, Асака, Учқўрғон, Кувасой), *рекреация марказлари* (Чорток, Чимён, Чорвоқ, Зомин ва бошқ.), *илм-фан маркази* (Тошкент шаҳри таркибидаги Улуғбек шаҳарчаси), *агроиндустриал марказлар*га бўлинади ва ўзига хос ривожланиш хусусиятларига эга.

Айни пайтда шаҳарлар тараққиётида уларнинг катта-кичиклиги ҳам муҳим аҳамият касб этади. Ўзбекистондаги шаҳарлар аҳоли сонига қараб, энг йирик (аҳолиси 1 миллиондан ортиқ), йирик (250 мингдан 1 миллионгача), катта (100 мингдан 250 минггача), ўрта (50 мингдан 100 минггача), кичик (бир неча мингдан 50 000 гача) шаҳарларга бўлинади. Бугунги кунда республика шаҳарларининг 69,7 % кичик ва ўрта шаҳарлар бўлиб, уларда шаҳар аҳолисининг 35,1% яшамоқда.

Шаҳарлар тизимидаги йирик, катта, ўрта ва кичик шаҳарлар тараққиёти умумий тенденциялар билан бирга ўзига хос хусусиятлар ва қонуниятларга эга.

Хусусан, **йирик шаҳарлар** ўз яқин атрофидаги кичик шаҳарлар, туман марказларини бошқаради, ўзи жойлашган вилоятнинг ижтимоий-иқтисодий тараққиётида етакчилик вазифасини бажаради, саноатнинг бир қанча тармоқлари ривожланган, илмий тадқиқот институтлари филиаллари, олий ўқув юртлари, маданий, маърифий ташкилот ва муассасалар, транспорт, коммуникация ва хизмат кўрсатиш тизимининг кенг тармоқлари, идоралар жойлашганлиги боис мамлакатдаги маданият ва иқтисодий тараққиёт ҳамда маъмурий бошқарувнинг асосий марказлари ҳисобланади. Йирик шаҳарларда демографик ҳолат ҳам ўзига хос хусусиятга эга бўлиб, аҳоли сони ва иш ўринларининг кўплиги, катта ёшдаги аҳолининг салмоғи ортиқлиги билан ажралиб туради. Бундай шаҳарларда туғилиш нисбатан камроқ бўлишига қарамай, иқтисодий, ижтимоий қулайликларнинг мавжудлиги туфайли уларда истиқомат қилувчи аҳоли сони ниҳоятда тез кўпаяди. Йирик шаҳарларда ижтимоий меҳнат унумдорлиги кичик шаҳарлардагига нисбатан анча юқори, ишлаб чиқариладиган маҳсулот таннархи эса анча паст бўлади. Ўзбекистондаги йирик шаҳарларнинг асосий қисми вилоят марказларига тўғри келади.

**Ўрта шаҳарлар** тараққиёти саноат ишлаб чиқариши, иқтисодий ресурслар, транспорт йўлаклари, йирик шаҳарлар билан яқинлик ва боғлиқлик даражаси каби омилларга боғлиқ бўлиб, инфраструктура нисбатан суст ривожланганлиги билан ажралиб туради. Шу йили 11 майда Жаҳон банкининг махсус делегацияси билан Республика иқтисодий тадқиқотлар Марказида бўлиб ўтган учрашув-

да ўрта шаҳарларни комплекс ривожлантириш масаласи муҳокамасида Жаҳон банкининг вакили Розанна Нитти бу борада тегишли тадқиқотлар олиб бориш учун маблағ ажратилишини маълум қилди[12].

**Кичик шаҳарлар** (аҳоли сони 50 минг кишигача) эса инфратузилмалар етишмаслиги, иқтисодий фаолият асосан қишлоқ хўжалиги билан боғлиқлиги, ишлаб чиқариш, ишчи кучи ва транспорт тизими яхши ривожланмаганлиги билан ажралиб туради. Кичик шаҳарлар Ўзбекистонда умумий шаҳарлар тизимида 68% ни ташкил қилади, уларда ўртача 8 млн. аҳоли ёки республика аҳолисининг 25% истиқомат қилади. 1065 та шаҳарчалардан фақатгина 114 тасида нисбатан ривожланган коммунал ва транспорт инфраструктураси мавжуд, бу шаҳарчалар йирик корхоналар ёки катта транспорт чорраҳаларига яқин жойларга жойлашган. Қолган 951 та шаҳарчада саноат ва инфраструктура потенциали ҳали етарли даражада эмас[13].

Кичик шаҳарлар урбанизация жараёнларининг асосий таянчи ҳисобланади. Қишлоқ аҳолиси ва ундан бўшаган ишчи кучи, энг аввало, кичик шаҳарларда тўпланади. Уларнинг тараққиётида аграр индустрия ва транспорт йўлакларини ривожлантириш, шу орқали иқтисодий салоҳиятни кучайтириш, инфратузилмаларни барпо этиш муҳим роль ўйнайди. Бугунги кунда Ўзбекистонда аҳолиси 20 000 дан ортиқ барча шаҳар манзилларининг қурилиш режаларини ишлаб чиқиш, уларнинг инфраструктурасини ривожлантириш ҳақида қарорлар[14] ижроси уларнинг тараққиётига йўналтирилган.

Ўзбекистон шаҳарлари тараққиётида уларнинг типологияси ҳам ўзига хос аҳамият касб этган. Унга кўра шаҳарлар функционал вазифаларидан келиб чиққан ҳолда маъмурий марказлардан ташқари яна бир қанча гуруҳларга бўлинади.

Бу гуруҳда **тарихий шаҳарлар** алоҳида ўрин эгаллайди. Тарихий шаҳарларнинг аксарияти «йирик шаҳарлар» (Тошкент, Самарқанд, Наманган, Бухоро, Андижон, Фарғона, Қарши) тоифасига кириш билан бирга вилоят марказлари ҳамдир. Тарихий шаҳарларнинг бир қисми — Қўқон, Хива, Марғилон, Шаҳрисабз «катта шаҳарлар» бўғимига мансуб бўлиб, уларнинг баъзилари туман маркази мақомига эга, баъзилари эса вилоят миқёсидаги шаҳар ҳисобланади. Мазкур шаҳарлар ўтмишдан бой тажриба ва салоҳиятга эгалиги, маъмурий, савдо,

---

12 Обсуждение нового проекта по комплексному развитию средних городов в Узбекистане //http://www.cer.uz/ru

13 Региональная политика в Узбекистане: фокус на малые города // Центр экономических исследований. Аналитическая записка. 2014. 4-б.
//http://www.cer.uz/ru/publications

14 ЎзР ВМ 2014 йил 21 октябрда қабул қилган «Шаҳарлар ва аҳолиси 20 минг кишидан кўп бўлган шаҳарчаларни батафсил режалаштириш лойиҳаларини ишлаб чиқиш Дастурини тасдиқлаш тўғрисида»ги 292-сонли қарори. «Шаҳарлар, шаҳарчалар ва қишлоқ аҳоли пунктларининг бош режаларини ишлаб чиқиш ва амалга ошириш жараёнларини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПҚ 165-сонли қарори. 30 август, 2005 йил. //http://lex.uz//pages/

маданият ва иқтисодий марказ бўлганлиги, маданий ёдгорликларга бойлиги боис бошқа катта шаҳарлар ёки туман марказларига нисбатан анча нуфузи ва тараққиёт даражаси баландлиги, маданий туризм ва туризм инфратузилмалари, транспорт ва логистика, замонавий хизмат кўрсатиш ва сервис тизими тараққиёти билан ажралиб туради, тез ва барқарор ривожланмоқда. Мазкур шаҳарлар иқтисодий тараққиёти йирик саноат эмас, балки маҳаллий ишлаб чиқариш ва анъанавий ҳунармандчиликнинг ривожланишида намоён бўлмоқда.

Шаҳарлар тизимида алоҳида ўрин тутувчи **саноат шаҳарлари** эса (Асака, Олмалиқ, Ангрен, Навоий, Чирчиқ ва бошқ.) республиканинг муҳим иқтисодий таянчи ҳисобланади. Бу шаҳарлар истиқлол йилларида амалга оширилган иқтисодий ислоҳотлар натижасида саноат ишлаб чиқариши ихтисослашган тармоқларининг жадал ривожланиши, модернизация ва диверсификация жараёнлари, инвестициялар жалб этилиши, очиқ ва махсус иқтисодий зоналар сиёсатининг амалга оширилиши ҳисобига нафақат республикада, балки бутун минтақадаги йирик саноат марказларига айланиб бормоқда[15]. Аммо уларда ижтимоий инфраструктуранинг нисбатан суст ривожланганлиги шаҳар маданиятининг яқин келажакда ўз ечимини кутаётган долзарб муаммоларидан биридир.

Ўзбекистон шаҳарлари тизимида муҳим янгилик **рекреация марказлари** бўлиб, уларнинг юзага келиши замонавий ижтимоий-иқтисодий тараққиёт ва истиқлол яратган қулай имкониятлар маҳсулидир. Хусусан, Чимён-Чорвоқ, Зомин каби рекреация марказларининг ривожланишида Президент фармонлари ва қарорлари, ҳукумат томонидан қабул қилинган давлат дастурлари ижроси муҳим аҳамият касб этади[16]. Мазкур дастурларнинг амалга оширилиши яқин келажакда замон талаблари даражасидаги рекреация марказларига айланишига замин яратади.

Иқтисодчилар шаҳарлар типологиясини белгилашда нафақат аҳоли сони, балки саноат ишлаб чиқариши ҳажмига ҳам эътибор берадилар. Шундай ёндашув асосида Ўзбекистондаги шаҳарларни 5 гуруҳга бўладилар:

1) аҳолиси 20–50 минг, саноати паст даражадаги кичик шаҳарлар;

2) аҳолиси 20–100 минг, саноати ўрта даражадаги кичик шаҳарлар;

3) саноат юқори даражада ривожланган кўп функцияли ўрта ва кичик шаҳарлар;

4) аҳолиси 100 мингдан ортиқ ва ўрта даражада саноатлашган йирик шаҳарлар;

5) юқори даражада саноатлашган йирик шаҳарлар.

---

[15] Перемкулов Ж. Мустақиллик йилларида Бекобод шаҳрида иқтисодий жараёнлар ва инфратузилмаларни ривожлантириш масалалари // Ўзбекистон Миллий университети хабарлари. №1/5. Тошкент, 2015. 58–63-б.

[16] Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2001 йил 6 сентябрдаги «Чимён-Чорвоқ курорт-рекреация зонасининг табиий бойликларини сақлаб қолиш ҳамда дам олиш ва соғломлаштириш тизимини такомиллаштиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги 362-сонли қарори.

Жаҳон тажрибаси[17] ва иқтисодий таҳлиллар республикадаги шаҳарлар тараққиётининг навбатдаги босқичида кичик ва ўрта шаҳарларга алоҳида урғу ва эътибор бериб, муҳим вазифаларни амалга ошириш зарурлигини кўрсатмоқда[18].

Мустақиллик йилларида шаҳарлар тараққиёти бир неча босқичларни босиб ўтди. Хусусан, мустақилликнинг дастлабки йиллариданоқ мамлакатда миллий маънавият, бой ўтмиш ва тарихий меросни тиклаш борасида амалга оширилган сиёсат доирасида республика Президенти И. Каримов ташаббуси ва бошчилигида, энг аввало, тарихий шаҳарларга алоҳида эътибор қаратилди. Қарши, Термиз. Самарқанд, Хива, Марғилон, Тошкент, Бухоро каби қадимий шаҳарларнинг тарихий ёшлари нишонланиши муносабати билан[19] кўп асрлик меъморий обидалар таъмирланди. Ўтмишда яшаб ўтган, жаҳон илм-фанига муносиб ҳисса қўшган алломалар — Мирзо Улуғбек, Аҳмад ал-Фарғоний, Абу Райҳон Беруний, Мусо ал-Хоразмий, буюк саркарда ва давлат арбоби Амир Темур каби тарихий шахслар хотираси тикланиб, уларнинг ҳайкаллари ўрнатилган янги хиёбонлар яратилди. Ислом оламида катта мерос ва из қолдирган Бурҳониддин Марғиноний, Ҳаким ат-Термизий, Имом Бухорий, Баҳовуддин Нақшбанд каби буюк аждодларимизнинг меросини тиклаш ва халққа етказиш сиёсати борасида уларнинг вайронага айланиб, йўқ бўлиб кетиш даражасига келаёзган қабрлари гўзал ва обод зиёратгоҳларга айлантирилди. Муҳим тарихий мерос — «Авесто», «Алпомиш» асарларининг халқимиз маънавий ҳаётида тутган ўрни ҳақидаги ҳақиқат тикланди ва уларга атаб ёдгорликлар барпо этилди. Буларнинг бари тарихий шаҳарлар қиёфаси ҳамда архитектурасида ўзига хос манзарани шакллантирди.

Ўзбекистонда замонавий шаҳар архитектурасидаги муҳим янгиликлардан яна бири Иккинчи жаҳон урушида шаҳид кетган ёки совет даврида қатағонга учраган ватандошлар хотирасига бағишлаб шаҳидлар майдони, «Қатағон қурбонлари хотираси» музейи, Мотамсаро она ҳайкали ва «Хотира» майдонларининг барпо этилишида намоён бўлди ва жараёнда миллий маънавият, тарихий ҳақиқат тикланиши баробарида шаҳарлар қиёфасида ўзига хос ахлоқий-маънавий тарбия ўчоқлари бўлган объектларнинг қурилишида намоён бўлди.

Шу тариқа бой ўтмиш меросга ва ўтган авлодларга ҳурмат, уларнинг хотирасини эъзозлаш учун яратилган майдон ва масканлар мавжудлиги, уларнинг

---

[17] Saskia Sassen. Cities in World Economy. Chapter 3. National and Transnationai Urban Sistems.

[18] Эргашев Б. и др. Будущее урбанизации в руках бизнеса, четверки мегаполисов и сотни городов. // www.reviw.uz

[19] ЎзР ВМнинг 1999 йил 27 декабрдаги «Термиз шаҳрининг 2500 йиллигини нишонлашга тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш тўғрисида» ги 545-сон қарори; ЎзР Президентининг 2005 йил 26 июлдаги «Қарши шаҳрининг 2700 йиллигини нишонлашга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги ПҚ-135-сонли қарори; ЎзР Президентининг 2006 йил 25 июлдаги «Самарқанд шаҳрининг 2750 йиллигини нишонлашга тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш тўғрисида»ги ПҚ-426-сонли қарори ва бошқалар.

обод ва кўркамлиги, ёшларнинг севимли манзилгоҳига айланганлиги Ўзбекистондаги шаҳар маданиятининг муҳим шартига ҳамда замонавий шаҳарсозликнинг ўзига хос хусусиятларидан бирига айланди.

Мамлакатда маъмурий марказларда, хусусан, пойтахт Тошкент ҳамда вилоят марказларида бош майдоннинг барпо этилиши ҳамда унинг қиёфасида мустақиллик, эрк ва озодлик ғояларининг мужассамлашуви ҳам замонавий шаҳарсозликнинг муҳим хусусияти сифатида намоён бўлди.

Мамлакатда замонавий шаҳарлар тараққиётида уларнинг ҳуқуқий асосларининг ишлаб чиқилиши ва амалиётга татбиқ этилиши муҳим аҳамиятга эга бўлди. Ўзбекистон Республикаси Шаҳарсозлик Кодексининг қабул қилиниши[20], Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ўзбекистон Республикасида архитектура ва шаҳар қурилишини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисидаги» Фармони[21], Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «Замонавий архитектура-шаҳарсозлик талабларини ҳисобга олган ҳолда аҳоли пунктларини ободонлаштириш ишларини ташкил этиш қоидаларини тасдиқлаш тўғрисида»ги қарори[22], алоҳида шаҳарларнинг ижтимоий-иқтисодий инфраструктурасини ривожлантириш юзасидан қабул қилинган Президент қарорлари ва фармонлари шулар жумласидан бўлиб, уларнинг ижроси шаҳар қурилишини тартибга солишда катта аҳамият касб этди. Уларнинг ижроси юзасидан махсус давлат дастурлари қабул қилиниб, жуда катта маблағлар ажратилди.

Шу асосида барча йирик ва катта шаҳарларда қурилиш ва бунёдкорлик ишлари бошлаб юборилди. Бунда, энг аввало, барча йирик ва катта шаҳарларнинг бош режалари ва қурилиш лойиҳалари ишлаб чиқилиб, кенг муҳокама ва танлов асосида қабул қилинди, шаҳарсозликнинг замонавий талаб ва мезонлари асосида тасдиқланиб, амалиётга татбиқ этилди. 2020–2030 йилларгача муддатга қабул қилинган бош режаларда шаҳар чегаралари, ҳудуди ва аҳоли сонининг ўсиб бориш истиқболларини ҳисобга олган ҳолда шаҳар қурилишининг

---

[20] Ўзбекистон Республикасининг Шаҳарсозлик Кодекси (ЎзР Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 2002. 4–5-сон, 63-модда; ЎзР қонун ҳужжатлари тўплами, 2004. 25-сон, 287-модда; 2006. 27-сон, 245-модда, 41-сон, 405-модда; 2011. 1–2-сон, 1-модда).

[21] «Ўзбекистон Республикасида архитектура ва шаҳар қурилишини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Президенти Фармони. (ЎзР Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 2000. 4-сон, 120-модда; ЎзР қонун ҳужжатлари тўплами, 2009. 38-сон, 417-модда); ЎзР ВМнинг 2014 йил 24 июлда қабул қилинган «Республиканинг аҳоли пунктларини ва қишлоқлараро ҳудудларини шаҳарсозлик ҳужжатлари билан таъминлашни янада яхшилаш, уларни ишлаб чиқиш, келишиш ва тасдиқлаш тартибини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги 203-сонли қарори (ЎзР қонун ҳужжатлари тўплами, 2014. 31-сон, 381-модда; 2016. 1-сон, 5-модда).

[22] «Замонавий архитектура-шаҳарсозлик талабларини ҳисобга олган ҳолда аҳоли пунктларини ободонлаштириш ишларини ташкил этиш қоидаларини тасдиқлаш тўғрисида» ЎзР ВМнинг қарори, 9 март 2009 йил (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2009. 10–11-сон, 112-модда; 2011. 14-сон, 138-модда; 45–46-сон, 470-модда).

15—20 йилгача режалаштирилган муддатдаги энг муҳим йўналишлари, комплекс вазифалар белгилаб олинди. Дастлабки босқичда йирик ва тарихий шаҳарлар, кейинчалик эса туман марказлари, ўрта шаҳарлар қурилишига эътибор қаратилди.

Шаҳар инфраструктурасини ривожлантириш шаҳарлар тараққиётидаги энг муҳим ва долзарб масала бўлиб, бунда энг аввало муҳандислик тармоқларини реконструкция қилиш ва янгилаш, хизмат кўрсатиш ва сервис тизимини ривожлантириш, йўл қурилиши каби масалаларга жуда катта давлат маблағи ва хорижий инвестициялар жалб этилди. Деярли барча шаҳарларда совет давридан мерос бўлиб қолган эски газ ва сув қувурлари, электр тармоқлари ва қувват манбалари, қозонхоналарни таъмирлаш ишлари жадал олиб борилмоқда. Ҳозирча бу муаммолар катта ва йирик шаҳарлар мисолида ўз ечимини топмоқда, кичик ва ўрта шаҳарларда эса бу борада режалар ва вазифалар катта.

Шаҳар инфраструктурасини ривожлантириш кўп жиҳатдан шаҳарларнинг иқтисодий салоҳиятига ва демакки, **шаҳар бюджетига** ҳам боғлиқ. Йирик ва ўрта шаҳарларнинг бюджет даромадлари улардаги иқтисодий ислоҳотлар жараёнида ўсиб бормоқда. Аммо кичик ва ўрта шаҳарлар иқтисоди аграр соҳа билан боғлиқлиги боис бу масалада улар давлат маблағларига қараб қолмоқда. Бундай ҳолатда уларда аграр индустрияни жадал ривожлантириш муҳим аҳамиятга эга. Бу эса, ўз навбатида, уларнинг аҳолисини иш билан, бюджетни эса даромад билан таъминлаб, ривожланишга хизмат қилади. Зеро йирик, катта ва ўрта шаҳарлар тараққиёти таҳлилининг кўрсатишича, **шаҳар иқтисоди** ишлаб чиқаришнинг ўсиши билан чамбарчас боғлиқ. Республикада амалга оширилаётган иқтисодий ислоҳотлар — саноат ишлаб чиқариши ва бозор инфратузилмасини ривожлантириш, кичик бизнес субъектлари ва тадбиркорлик фаолиятини кенг йўлга қўйиш, ички ва ташқи савдо алоқаларини такомиллаштириш, халқаро иқтисодий алоқалар, модернизация ва диверсификация жараёнлари шаҳарларда ялпи ҳудудий маҳсулот ишлаб чиқариш ва бюджетининг ўсишида, унинг иқтисодий салоҳиятининг юксалишида катта аҳамиятга эга бўлди.

Шаҳар иқтисоди ва даромадлари ўсиб борган сари шаҳар аҳолисига қулайликлар яратиш, яъни ижтимоий объектлар — маданий-маърифий масканлар, таълим муассасалари, соғлиқни сақлаш, дам олиш масканлари, истироҳат боғлари, спорт иншоотларини бунёд этиш ва ривожлантириш учун катта имконият юзага келади. Иқтисодий таҳлилларнинг кўрсатишича, шаҳарлар тараққиёти истиқболларида уларнинг бюджетини бошқариш ва такомиллаштириш борасида ҳам қатор масалалар ўз ечимини кутмоқда.

Замонавий шаҳар маданияти тараққиётида муҳим мезонлардан бири ҳисобланган **экология мувозанати** масаласи мустақилликнинг дастлабки йилларидаёқ долзарб муаммолардан бири бўлиб келмоқда. Зеро, саноат тараққиёти ва инсон фаолияти давомида табиат мувозанатининг кескин бузилиб бориши натижасида уларнинг асорати катта хавфга айланмоқда. Шуни назарда тутган ҳолда мустақилликнинг дастлабки йилларидаёқ Республика Экология Қўмитасининг

тузилиши, шаҳарларда экология комиссиялари фаолиятининг йўлга қўйилиши, экоҳаракатнинг кенг қулоч ёйиши, «Экология назорати» қонуни ва яна ўнлаб қонунларнинг қабул қилиниши, шаҳар муҳитига зарар етказувчи ҳолатлар олдини олиш ва барҳам бериш саъйи ҳаракатлари жуда кўп экологик муаммоларни бартараф этиш имконини берди. Истиқлол арафасида экологик ҳалокат ёқасида турган кўпгина шаҳарларда бугунги кунда экологик мувозанат қарор топишига эришилди. Бу борадаги ишлар узлуксизлик ва давомийликни талаб қилади.

Шаҳар маданияти ривожида **транспорт** ва **коммуникация тараққиёти** катта аҳамият касб этиши шубҳасиз. Бу борада ҳам республикада катта ишлар амалга оширилди. Шаҳарлараро йўналишларда барча турдаги транспорт воситалари (автомобиль, поезд, ҳаво йўллари), шаҳарлар ичида енгил машина ва пассажир транспорти турларининг модернизацияси, ҳаракат йўллари таъмирланиши ва қурилиши натижасида республиканинг ички ва ташқи йўллари замон талаблари даражасида такомиллашиб, ниҳоятда фаоллашди. Бу борада амалга оширилаётган давомли ишлар — ҳар бир вилоятни ўзаро боғловчи автомобиль йўлларининг қурилиши, Қамчиқ довонидаги йўлларнинг қурилиши, темир йўлларнинг электрлаштирилиши ва Ангрен-Поп темир йўли, яъни минтақавий транспорт коридорининг ривожланиши яқин келажакда шаҳарлар тараққиётида муҳим роль ўйнаши шубҳасиз. Бундай транспорт йўлаклари минтақавий ва ҳududлараро миқёсдаги алоқаларни ривожлантириш билан бирга кичик ва ўрта шаҳарлар тараққиётида ҳам муҳим роль ўйнайди. Зеро, кичик ва ўрта шаҳарлар тараққиётидаги энг муҳим стратегик вазифалардан бири — уларни саноат марказлари билан яқиндан боғловчи транспорт йўлакларини ривожлантиришдир[23].

Хулоса қилиб айтганда, Ўзбекистонда шаҳар маданиятини ривожлантириш борасида мустақилликнинг 25 йили давомида катта тараққиёт йўли босиб ўтилди, улкан қурилиш ва бунёдкорлик ишлари амалга оширилди. Республика Президенти И. Каримовнинг ҳар бир шаҳар қурилишига ўз ғоялари, таклифлари билан бевосита иштироки ва раҳбарлиги натижасида шаҳарларда олиб борилаётган қурилиш ва бунёдкорлик ишлари ўз ҳолига ташлаб қўйилмай, давлат сиёсати даражасига кўтарилди. Бугунги кунда мамлакатда анъанавий ва замонавий архитектура уйғунлашган, бой ўтмишга ҳурмат ва эҳтиром ҳозирги замон нафаси билан қоришган бетакрор ва ўзига хос шаҳар қиёфаси шаклланди. Республикада шаҳар маданиятини ривожлантириш борасида бажарилиши лозим бўлган ва режалаштирилган вазифалар кўп. Зеро, шаҳарсозлик ва шаҳарларни ривожлантириш бўйича амалга оширилаётган ишлар режаларининг аксарияти 2020—2030 йилларга бориб тақалади. Уларда ўз ечимини кутаётган вазифалар республикада шаҳар маданиятини янада ривожлантириш истиқболларига хизмат қилади.

---

[23] Урбанизация в Центральной Азии: вызовы, проблемы и перспективы. Тошкент, 2013. 57-б.

*Д. ЗИЯЕВА*

## ЎЗБЕКИСТОН ЗАМОНАВИЙ ШАҲАРЛАРИНИНГ ТАРАҚҚИЁТИ МАСАЛАЛАРИ

Мақолада мустақиллик йилларида Ўзбекистонда шаҳарлар ҳаётидаги ўзгаришлар, замонавий шаҳарлар классификацияси ва типологияси, шаҳарсозлик сиёсатининг асосий тенденциялари, шаҳар инфратузилмасини ривожлантириш масалалари таҳлил этилади. Шунингдек, Ўзбекистонда шаҳар аҳолиси нуфусининг ўсиб бориш тенденциялари ва уларга таъсир этган омиллар таҳлилига, шаҳар тараққиёти билан боғлиқ муаммоларга алоҳида эътибор қаратилади.

*Калит сўзлар*: шаҳарлар классификацияси, шаҳарлар типологияси, саноат, маъмурий марказлар, агроиндустриал, рекреация маркази, инфратузилма, коммуникация, экология, шаҳарсозлик.

*Д. ЗИЯЕВА*

## ВОПРОСЫ РАЗВИТИЯ СОВРЕМЕННЫХ ГОРОДОВ УЗБЕКИСТАНА

В статье рассмотрены вопросы, связанные с развитием современных городов Узбекистана. В частности, проанализированы классификация и типология современных городов, основные тенденции развития градостроительства и городской инфраструктуры, изменения, произошедшие в городах за годы независимости. Особое внимание уделено анализу динамики городского населения, факторам, повлиявшим на эти процессы, а также проблемам развития городов.

*D. ZIYAEVA*

## THE ISSUES OF DEVELOPMENT OF MODERN CITIES IN UZBEKISTAN

Transformations in urban life in Uzbekistan, classification and typology of modern cities, main tendencies of urban planning policy and the problems of improving the infrastructures in cities are analysed in the article. Special attention is drawn to the analyses of growing tendencies of city populations and factors influencing them, as well as the problems relating to urban development.

*В. ХОЛОВ*

# ЭРКИН ИНДУСТРИАЛ-ИҚТИСОДИЙ ЗОНА СИЁСАТИНИНГ ЎЗБЕКИСТОН ТАРАҚҚИЁТИДАГИ ЎРНИ

Жаҳон тажрибасида эркин ва махсус иқтисодий зоналар сиёсати тараққиётнинг ўзига хос модели сифатида алоҳида ўрин тутади. Замонавий индустриал марказларнинг шаклланиши ва фаолиятида Буюк Британиялик иқтисодчи олим Алфред Маршалнинг назариялари асосий мезон бўлиб хизмат қилди[1].

Тарихчилар ва мутахассислар томонидан олиб борилган тадқиқотларда иқтисодий зоналарнинг шаклланиш тарихи тўғрисида турли маълумотлар бор. Бир гуруҳ олимларнинг фикрича, бундай тажриба дунё тарихида илк бора XIII асрда амалиётга киритилган. Бунда, асосан, мамлакатлар ўртасидаги савдо муносабатларида ўзаро берилган имкониятлар ва чегирмаларда намоён бўлган эркин бозор муносабатларининг шаклланиши муҳим ўрин тутган.

Аммо, хитойлик тадқиқотчи Менг Гуангвеннинг фикрича, дастлабки эркин иқтисодий зоналар XVI асрда шаклланган[2]. Бу даврга келиб жамият ҳаётида иқтисодий муомалаларнинг янги турлари — банклар ва биржалар фаолияти ривожлана бошлаган.

Саноатнинг ривожланиши натижасида XVIII асрдан дастлабки индустриал зоналар шакллана бошлади. Ҳақиқий индустриал зоналарга XIX асрнинг охири — XX асрнинг бошларида асос солинди. Биринчи зона Траффорд саноат парки бўлиб, у Англиянинг Манчестер шаҳри яқинида, океанга қуйилувчи канал бўйида жойлашган эди. Кейинчалик, 1904 йилда Италиянинг Неаполь шаҳрида, 1907 йилда АҚШнинг Чикаго штатида махсус индустриал зоналар ташкил этилди. Осиёда эса биринчи индустриал зона 1951 йилда Сингапурда очилди[3].

Мутахассислар фикрига кўра, бугунги кунда иқтисодий ҳудудларнинг бир неча кўринишлари мавжуд бўлиб, индустриал парклар, махсус иқтисодий зоналар, эко-индустриал зоналар, технология парклари, инновация зоналари ва махсус индустриал зоналар ташкил қилинган[4].

Эркин иқтисодий ҳудудлар (ЭИҲ) дунёнинг кўплаб давлатларида кенг ёйилган. XX асрнинг охирларида дунёда 4 мингдан ортиқ ЭИҲ лар мавжуд эди.

---

[1] Marshall A. (1890). Principles of economics: an introductory volume.

[2] Meng Guangwen. The Theory and Practice of Free Economic Zones: A Case Study of Tianjin, People's Republic of China. 2003. 17 б.

[3] Economic zones in the Asean Industrial parks, special economic zones, Eco industrial parks, innovation districts as strategies for industrial competitiveness // UNIDO country office in Vietnam August 2015.18 б.

[4] Economic zones in the asean Industrial parks, special economic zones, Eco industrial parks, innovation districts as strategies for industrial competitiveness // UNIDO country office in Vietnam August 2015.12 б.

Уларни имтиёзлар асосида ташкил қилиш ЭИҲларда товар айланмалари ва ишлаб чиқариш салоҳиятининг ўсишида муҳим омил бўлди. Чунончи, 2004 йилга келиб жаҳон товар айланмасининг 30 % турли эркин иқтисодий ҳудудларда амалга оширилди.

ЭИҲлар халқаро корпорациялар фаолиятида йирик фойда олиш мумкин бўлган жой сифатида алоҳида аҳамиятга эга. Бунда корпорациялар эркин иқтисодий ҳудудларда ўз ишлаб чиқаришини ташкил қилишни халқаро бозордаги экспансиянинг муҳим йўналиши деб ҳисоблайди. Бирлашган миллатлар саноатни ривожлантириш ташкилоти (UNIDO) нинг маълумотларига кўра, 2012 йилда дунёда 15 000 га яқин индустриал ва иқтисодий марказлар фаолият юритаётганлиги аниқланган[5].

Мутахассисларнинг маълумот беришича, бугунги кунда иқтисодий ҳудудларнинг бир неча кўринишлари мавжуд бўлиб, жумладан, индустриал парклар, махсус иқтисодий зоналар, эко-индустриал зоналар, технология парклари, инновация зоналари ва махсус индустриал зоналар ташкил қилинган[6].

Марказий Осиё минтақасида эса биринчи индустриал зона 2008 йилда Ўзбекистонда ташкил қилинди. Амалга оширилган ижтимоий-иқтисодий ислоҳотлар натижасида 2008 йилда Ўзбекистонда «Навоий» эркин индустриал-иқтисодий зонаси, кейинроқ Ангрен ва Жиззах шаҳарларида ҳам махсус индустриал зоналар ташкил қилинди. Индустриал зоналарнинг ташкил қилиниши натижасида бу ҳудудларда иқтисодий ўсиш ва аҳоли бандлигини таъминлаш, хорижий инвестицияларни тўғридан-тўғри жалб қилиш, ишлаб чиқариш ўсиши кузатилди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти ташаббуси билан 2008 йил 2 декабрда жаҳон стандартларига жавоб берадиган ва жаҳон бозорларида талаб қилинадиган маҳсулот ишлаб чиқаришни таъминлайдиган, замонавий юқори технологияли ишлаб чиқаришларни ташкил этиш учун хорижий инвестицияларни, биринчи галда тўғридан-тўғри инвестицияларни жалб этиш бўйича қулай шарт-шароитлар яратиш, шунингдек, Навоий вилоятининг саноат салоҳиятини, ишлаб чиқариш, транспорт-транзит ва ижтимоий инфратузилмасини ривожлантириш, Навоий шаҳридаги корхоналар фаолиятидан унумли фойдаланиш мақсадида 564 гектарни эгаллаган «Навоий» эркин индустриал-иқтисодий зонаси ташкил этиш тўғрисидаги қарор қабул қилинди[7]. Бунга кўра, индустриал-иқтисодий зонанинг фаолияти узайтирилиш имконияти билан 30 йил қилиб белгиланди.

---

[5] Economic zones in the Asean Industrial parks, special economic zones, Eco industrial parks, innovation districts as strategies for industrial competitiveness // UNIDO country office in Vietnam August 2015. P. 18.

[6] Economic zones in the asean Industrial parks, special economic zones, Eco industrial parks, innovation districts as strategies for industrial competitiveness // UNIDO country office in Vietnam August 2015. P. 12.

[7] Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Навоий вилоятида эркин индустриал-иқтисодий зона ташкил этиш тўғрисида»ги ПФ-4059-сон Фармони // Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2008. 49-сон, 478-модда; 2011. 9-сон, 84-модда; 2012. 3–4-сон, 26-модда; 2014. 29-сон, 356-модда. http://lex.uz/pages/getpage.aspx?lact

«Навоий» ЭИИЗ баъзи хусусиятларига кўра Жиззах ва Ангрен шаҳарларида ташкил қилинган индустриал зоналардан фарқ қилади. Биринчидан «Навоий» ЭИИЗ шаҳар ҳудудидан ташқарида жойлашганлиги ва халқаро аэропортга яқинлиги, унинг эркинлик мақомига эга эканлиги ва бу орқали маҳсулотларни хорижга экспорт қилиш имкониятлари кенглиги ишлаб чиқарувчиларга кенгроқ имкониятлар беради. Иккинчидан «Навоий» ЭИИЗ инвесторларига солиқ тўловлари бўйича берилган имтиёзлар ҳам алоҳида эътиборга молик масала саналади. Масалан, рўйхатдан ўтган хўжалик юритувчи субъектлар уларга киритилган тўғридан-тўғри инвестициялар ҳажмига қараб ер солиғи, мулк солиғи, даромад солиғи, ободончилик ва ижтимоий инфратузилмани ривожлантириш солиғи, ягона солиқ тўлови (кичик корхоналар учун), йўл жамғармаси ва бюджетдан ташқари умумтаълим мактаблари, касб-ҳунар коллежлари, академик лицейлар ва тиббиёт муассасаларини реконструкция қилиш, мукаммал таъмирлаш ва жиҳозлаш жамғармаси учун белгиланган мажбурий тўловлардан қуйидаги тартибда озод этилади: инвестиция ҳажми 3 миллион евродан 10 миллион еврогача бўлса 7 йилга, 10 миллион евродан 30 миллион еврогача бўлса 10 йилга (кейинги 5 йил давомида фойда солиғи ва ягона солиқ тўлови ҳажми амалдаги ставкадан 50 % миқдорида), 30 миллион евродан ортиқ бўлганда 15 йилга (кейинги 10 йил давомида фойда солиғи ва ягона солиқ тўлови ҳажми амалдаги ставкадан 50 % миқдорида) озод қилинади. Аммо Жиззах ва Ангрен шаҳарларидаги индустриал ҳудудларда фаолият олиб борадиган корхоналар учун солиқ имтиёзлари 7 йилгача берилиши мумкин.

Бугунги кунга қадар «Навоий» эркин индустриал-иқтисодий зонасида электротехника маҳсулотлари, телекоммуникация асбоб-ускуналари, машинасозлик, ўлчагич асбоб-ускуналари ва бутловчи қисмлар, пластик ва полимер буюмлар, дори-дармон маҳсулотлари ва тиббий жиҳозларни ишлаб чиқариш ҳамда озиқ-овқат маҳсулотларини қайта ишлаш ва қадоқлашга ихтисослашган 22 та хўжалик субъектлари фаолияти йўлга қўйилди. Булар орасида «Ўзавтосаноат» АК, «Ўзбекнефтгаз» МХК, «Ўзкимёсаноат» ДАК ҳамкорлари салмоқли ўрин тутади[8].

2010 йилда «Навоий» ЭИИЗда дастлабки 5 та корхона ишга туширилди. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2009 йил 25 мартдаги Фармойишига асосан ва автомобилсозликни маҳаллийлаштиришни ривожлантириш режасига мувофиқ, «Ўзавтосаноат» АК Жанубий Кореянинг «Erae cs Ltd» компанияси билан ҳамкорликда йилига 130 000 километр автомобиль симларини ишлаб чиқариш қувватига эга бўлган «UzEraeCable» қўшма корхонаси ташкил этилди. Лойиҳа қиймати 13 миллион АҚШ долларини ташкил этади. 2010 йилдан ушбу корхона маҳсулот ишлаб чиқара бошлади. Корхона ўзининг тармоқларини кенгайтириб, 2012 йилдан «Chevrolet Cobalt» автомобиллари учун аккумулятор батареяларини улашда фойдаланиладиган симларни ишлаб чиқаришни

---

[8] http://fiez.uz/page/companies-in-navoi-fiez

йўлга қўйди[9]. Шунингдек, «Ўзавтосаноат» АК ва «Erae cs Ltd» компанияси ҳамкорлигида автомобиль генераторлари ва компрессорларини ишлаб чиқарувчи «UzEraeAlternator» қўшма корхонасига асос солинди.

Маҳаллийлаштириш дастурига мувофиқ[10], «Ўзавтосаноат» АК «Навоий» эркин индустриал-иқтисодий зонасида 2010 йилда Ҳиндистоннинг «Spark Minda Group» компанияси инвестицияси иштирокида «O'zMinda» қўшма корхонасини ташкил этди. Бу корхона айни пайтда тўрт русумдаги ўзбек автомобиллари учун спидометр, эшик дастаси ва қулф жамланмаси, автомобиль соати каби 21 турдаги эҳтиёт қисмларни ишлаб чиқаради. Йилига 250 минг автокомпонент тайёрлаш қувватига эга корхона мамлакат автосаноати тизимидан ташқари, ўз маҳсулотларини хорижий давлатларга экспорт қилади. 2014 йилда корхона томонидан 220 минг АҚШ доллари қийматидаги сифатли маҳсулотлар хорижга экспорт қилинди.

Маҳаллийлаштириш дастурида белгиланган вазифаларни амалга ошириш, автомобиль бутловчи қисмларини ишлаб чиқариш мақсадида «Ўзавтосаноат» акциядорлик компанияси ҳамда капот остига ўрнатиладиган сиқилган табиий газда ишлайдиган мотор қисмларини ишлаб чиқаришда дунё бозорида 30% улушга эга бўлган Италиянинг «Landi Renzo SpA» корхонаси ҳамкорлигида «Навоий» эркин индустриал-иқтисодий зонасида «Avtosanoat-Landi Renzo» қўшма корхонаси ташкил этилди. Қўшма корхона «Навоий» ЭИИЗда «Йилига 25 минг дона капот остига ўрнатиладиган сиқилган табиий газда ишлайдиган мотор қисмларини ишлаб чиқаришни йўлга қўйиш» инвестицион лойиҳасини амалга ошириш мақсадида ташкил этилди ва таъсисчилар томонидан 1,8 миллион АҚШ доллари миқдорида инвестиция киритилди.

Автомобиль қисмларини маҳаллийлаштириш дастурига мувофиқ, ўзлаштириш мақсадида 2011 йил апрелда «Навоий» эркин индустриал-иқтисодий зонасида Ўзбекистоннинг «Автогазтаъминот» ва «Ўзбеккимёмаш» ҳамда Кореянинг «Kogas», «Kolon» ва «NK Completks Ltd» корхоналари билан ҳамкорликда 13,6 миллион АҚШ доллари қийматидаги Ўзбекистонда импорт ўрнини босадиган, мамлакат ички бозорини автомобиль газ баллонлари билан таъминлайдиган, жаҳон талабларига жавоб берадиган маҳсулот билан тўлдириш мақсадида «Ko UNG Cylinder» қўшма корхонасини ташкил этди. Корхонанинг 55 метр/кубдан 154 метр/кубгача метан гази сиғимига эга баллонлари Туркия, Германия ва Жанубий Корея мамлакатлари технологиялари асосида ишлаб чиқарилади. «Ko UNG Cylinder» қўшма корхонаси йилига 120 000 дона газ баллонлари ишлаб чиқариш қувватига эга.

---

[9] http://uzeraecable.uz/uz/biz-haqimizda/korxona-tarixi

[10] «2009 йилда саноат кооперацияси асосида тайёр маҳсулотлар, бутловчи буюмлар ва материаллар ишлаб чиқаришни маҳаллийлаштириш дастури тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Президентининг ПҚ-1048-сон Қарори // Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами. 2009. 5-сон, 35-модда. 49-сон, 522-модда. 52-сон, 561-модда; 2013. 52-сон, 690-модда. http://lex.uz/pages/getpage.aspx?lact_id=1437228

Автомобилсозликдан ташқари, мамлакатда коммунал хизмат маҳсулотларига бўлган эҳтиёжни таъминлаш, маҳаллий хомашёдан унумли фойдаланиш, мавжуд корхоналарда диверсификация ишларини амалга оширишга алоҳида эътибор қаратилиб, «Навоий» эркин индустриал-иқтисодий зонасида «Шўртангазкимё» мажмуасининг «Полиэтилен қувурлар» ва «Полипропилен қувурлар» шўъба корхоналари фаолияти йўлга қўйилди[11].

«Полиэтилен қувурлар» шўъба корхонаси ички бозорни сувдан оқилона фойдаланиш мақсадида томчилаб суғоришда ишлатиладиган қувурлар, водопровод ва канализация тизими учун 6 ва 8 атмосфера босимига чидамли қувурлар ва уларни улашда фойдаланиладиган қисмлар ҳамда сим ўтказгичлар изоляцияси учун зарур бўлган маҳсулот билан таъминламоқда.

«Полипропилен қувурлар» шўъба корхонаси 2010 йилда ташкил этилди. Полипропилен қувурлар иссиқлик тизими, совуқ ва иссиқ сув таъминоти жараёнида технологик қувурлар ўтказишга мўлжалланган. Корхонада ишлаб чиқариладиган полипропилен қувурларнинг асосий устунлик томонлари — мустаҳкамлик, коррозиянинг йўқлиги, кимёвий моддаларга чидамлилиги, қулай ташиш ва осон ўрнатиш ҳамда 50 йилгача хизмат қилишидадир. Корхона «Shurtan Navoi Plast-PP» бренди остида 16–110 мм гача бўлган 53 турдаги қувурлар, шунингдек, қувурларни бирлаштиришда ишлатиладиган 20 дан ортиқ турли ўлчамдаги маҳсулотлар ишлаб чиқаради. Улар маҳаллий, юқори сифатли полипропилен грануласининг PPR100 маркасидан тайёрланади[12].

«Навоий» эркин индустриал-иқтисодий зонасини ташкил этишда юқори технологияларни ишлаб чиқариш асосий вазифа қилиб белгиланган эди. Вазирлар Маҳкамасининг 2009 йил 27 январдаги қарори[13] ва Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2012 йил 10 апрелдаги Фармони[14] республикада юқори технологияларни ишлаб чиқаришда хорижий инвесторларни жалб қилиш учун муҳим омил бўлди. Натижада, ўтган давр мобайнида «Telecom Innovations», «Olive Telecom», «Uzhongkong» каби қўшма корхоналар ишга туширилди.

«Telecom Innovations» Ўзбекистон-Сингапур-Хитой қўшма корхонаси «Ўзбектелеком» АК, «Telmax Elektroniks», Хитойнинг «ZTE» ва Сингапурнинг «Servetechno PTE. LTD» компаниялари ҳамкорлигида Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2009 йил 12 мартдаги қарори асосида ташкил қилинди ва 2010 йилда ўз фаолиятини бошлади. Корхона ички бозорда талаб юқори бўлган интернетга уланиш модемлари, рақамли тюнерлар ва бошқа 11 турдаги маҳсулотларни ишлаб чиқаради.

---

[11] http://sgcc.uz/uz/page/complex/subsidiary

[12] http://ppq.uz/uz/

[13] «Навоий» эркин индустриал-иқтисодий зонаси фаолиятини ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг Қарори // Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами. 2009. 5-сон, 40-модда.

[14] Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2012 йил 10 апрелда қабул қилинган «Тўғридан-тўғри хорижий инвестициялар жалб этилишини рағбатлантиришга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги Фармони.

«Olive Telecom» Ўзбекистон-Ҳиндистон қўшма корхонасида планшетлар ва 2 хил моделдаги уяли телефонлар ишлаб чиқариш йўлга қўйилди. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ўзбекистон Республикасининг 2015 йилги инвестиция дастури тўғрисида»ги Қарорига мувофиқ, 2015 йилда индустриал зонада телевизор, телефон, планшет ва ноутбуклар ишлаб чиқаришга ихтисослашган «Uzhongkong» Ўзбекистон-Хитой қўшма корхонаси ишга туширилди[15].

Ички бозорни сифатли маҳсулот билан таъминлаш ва импорт ўрнини босадиган маҳсулот ишлаб чиқариш, шунингдек, ишлаб чиқарилган маҳсулотни хорижга экспорт қилиш мақсадида индустриал ҳудудда саноатнинг яна бир тармоғи — юқори кучланишли кабеллар ишлаб чиқариш лойиҳаси амалга оширилди. Натижада, 2014 йилда Хитойнинг «Gulf Cable Trading Company» компанияси «Навоий» ЭИИЗ ҳудудида «Navoi Cable Connector» ОАЖ чет эл корхонасини тузди. Корхона «Алюминий ва алюминий қотишмасидан электротехника симларини ишлаб чиқариш, кабель изоляцияси материаллари ва юқори вольтли кабель линиялари учун муфталар тайёрлаш» бўйича инвестиция лойиҳасини амалга ошириш доирасида ташкил этилган. Лойиҳанинг илк даври учун сармоядор томонидан 2 млн. АҚШ доллари миқдоридаги инвестиция ажратилган. Шунингдек, бу соҳани ривожлантириш, ўзаро манфаатли алоқаларни давом эттириш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси қарори ҳам қабул қилинди[16]. «Олмалиқ КМК» ОАЖ, «Uzkabel» ОАЖ қўшма корхонаси ва «Gulf Cable Trading Company» компаниялари ҳамкорликда Финляндия, Франция, Хитой каби давлатлардан умумий қиймати 14,5 млн. АҚШ долларига тенг замонавий технология ва ускуналар корхонага келтирилиб, ўрнатилди ҳамда 6 млн. АҚШ долларилик қурилиш-монтаж ишлари амалга оширилди.

Эркин индустриал-иқтисодий зонада кимё саноати, айниқса пардоз, дори ва болалар тагликлари ҳамда аёллар гигиеник воситаларини ишлаб чиқаришга ихтисослашган қўшма корхоналар ишга туширилди. «Навоийазот» ОАЖ ва Жанубий Кореянинг «DK Cosmetics» корхонаси ҳамкорлигида 2009 йилда «Navoiy Beauty Cosmetics» қўшма корхонасига асос солинди[17]. «Novo Farm Komplekt», «Hansang Pharm» қўшма корхоналари ички ва ташқи бозор учун фармацевтика маҳсулотларини ишлаб чиқаришни йўлга қўйди.

2010 йилда ишга тушган «Navoiy Hunan Pulp» (Ўзбекистон-Хитой) қўшма корхонаси болалар тагликлари, аёллар гигиеник воситалари маҳсулотларини

---

[15] https://mineconomy.uz/ru/node/791.

[16] ««Навоий» эркин индустриал-иқтисодий зонаси «Uzkabel» очиқ акциядорлик жамияти қўшма корхонаси билан биргаликда янгидан ташкил этилаётган қўшма корхона базасида куч кабеллари ишлаб чиқаришни ташкил этиш» инвестиция лойиҳасини амалга оширишни жадаллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида» ЎзР ВМнинг 172-сонли қарори // Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2012. 23–24-сон, 266-модда http://lex.uz/pages/getpage.aspx?lact_id=2020359.

[17] http://nbcosmetics.uz/about.

ишлаб чиқаришга ихтисослашган. Корхона томонидан тақдим этилган маҳсулот турлари мунтазам кенгайиб бормоқда. Барча маҳсулотлар олимлар томонидан инновацион ишланмалар асосида ишлаб чиқилади.

2016 йил июль ойида «Навоий» ЭИИЗда республикада дори воситаларига бўлган талабни қондириш, экспортбоп маҳсулотлар ишлаб чиқариш мақсадида Ҳиндистон билан ҳамкорликда «Bravo Pharmaceutical» қўшма корхонасининг қурилиши бошланди.

«Навоий» ЭИИЗда хўжалик эҳтиёж маҳсулотларини ишлаб чиқариш, ички бозорда импорт ўрнини босадиган ва шу билан бирга экспортбоп ва рақобатбардош маҳсулотларни ишлаб чиқаришга алоҳида урғу берилган. Шу мақсадларда «Навоий» ЭИИЗда «Ariston Thermo-UTG» масъулияти чекланган жамият қўшма корхонаси ташкил этилди. Ушбу қўшма корхонанинг муассислари сифатида Италия томонидан иситиш ва сув иситадиган технологиялар соҳасидаги етакчи «Aristonthermogroup» компанияси иштирок этди. Ҳозирда мазкур корхонада ишлаб чиқарилган маҳсулотлар ички бозорда харидорбоплиги билан ажралиб туради.

Алюмин ромларини ишлаб чиқариш мақсадида Буюк Британиянинг «Dartlex Impex LLP» компанияси билан ҳамкорликда «Green Line Profil» қўшма корхонаси очилди. Светодиод электр чироқлари ва прожекторларнинг ишлаб чиқарилишини йўлга қўйиш мақсадида «CFM ProEnergies» Ўзбекистон-Сингапур қўшма корхонаси ташкил қилинди.

Ички бозорни қишлоқ хўжалик маҳсулотлари, мева ва сабзавотлар билан мунтазам таъминлаш мақсадида Ташқи иқтисодий алоқалар, инвестиция ва савдо вазирлигининг «Марказсаноатэкспорт» Давлат Акциядорлик Ташқи иқтисодий компанияси томонидан 2010 йил август ойида «Навоий» эркин индустриал-иқтисодий зонасида «Agrofresh» қўшма корхонаси ташкил этилди. «Agrofresh» ҚК янги узилган мева-сабзавот маҳсулотларини сақлаш учун музлатадиган омбор ҳисобланади. Ўзбекистон Республикасида биринчи ҳисобланган энг янги Италия технологияси БГМ (бошқариладиган газли муҳит) мева ва сабзавотларни уларнинг навига қараб бир йилгача сақлаш имконини беради. Меваларни навларга ажратиш бўйича Голландия технологик асбоб-ускунаси меваларни нафақат ҳажми бўйича, балки уларнинг вазни, ҳаттоки рангига қараб ажратиш имкониятига эга.

«Agrofresh»нинг музлатадиган омборхонасида 3000 тоннагача янги узилган мева-сабзавот маҳсулотларини сиғдириш мумкин. Бу ерда 14 та музлатадиган омборхона мавжуд бўлиб, уларнинг умумий ер майдони 2080,96 кв. м ёки умумий сиғими 12486 куб. м га тенг. Улардан ҳар бири 250 тоннадан маҳсулот сиғдира оладиган ва 173,6 кв. м умумий ҳажмга эга бўлган 11 та катта омборхона ҳамда сиғдириш ҳажми ва майдони уларга мос равишда 83 тонна ва 57,12 кв. м га тенг бўлган 3 та кичик омборхонадан иборат.

«Навоий» эркин индустриал-иқтисодий зонаси ва «Навоий» халқаро аэропортининг ривожланиши бир-бири билан чамбарчас боғлиқ бўлиб келди. Аэро-

портнинг реконструкция қилиниши натижасида индустриал зонага келиш имкониятлари ошган бўлса, индустриал зонанинг ишлаб чиқариш ва экспорт қувватининг ортиши аэропортнинг юк сақлаш, ташиш тармоқларининг кенгайишига хизмат қилди. 2008 йилнинг ноябрь ойида «Ўзбекистон ҳаво йўллари» МАКси Кореянинг «Korean Air» компанияси билан шартнома имзолади. Унга кўра, Навоий халқаро аэропорти базасида, «Навоий» ЭИИЗ да «Korean Air» компанияси билан ҳамкорликда МДҲ мамлакатларида ягона бўлган трансконтинентал интермодал логистика маркази ташкил этилди. «Ўзбекистон ҳаво йўллари» ва «Korean Air» авиа ташувчилари аэропортдан Тошкент, Шанхай, Инчён, Сеул, Деҳли, Мумбай, Ханой, Дубай, Вена, Милан, Франкфурт, Париж, Москва ва бошқа шаҳарларга парвозларни амалга оширади. Шунингдек, «Навоий» эркин индустриал-иқтисодий зонасининг темир йўл вокзалининг яқинлиги ва М-37 магистрали ёқасида жойлашганлиги ҳудудда қулай логистик имкониятни яратди.

2015 йил якунларига кўра, «Навоий» эркин индустриал-иқтисодий зонасида 22 та корхона фаолият кўрсатмоқда. Эркин индустриал-иқтисодий зона ташкил этилган вақтдан буён жалб этилган чет эл инвестицияларининг ҳажми 124,2 млн. АҚШ долларини ташкил этди, уларнинг 30 фоизи тўғридан-тўғри чет эл инвестицияларидир. Биргина 2015 йилда ишлаб чиқарилган маҳсулотлар ҳажми 180 млрд. сўмдан ортиқни, экспорт ҳажми эса 5 млн. АҚШ долларидан ортиқни ташкил этди. 2014 йил билан таққослаганда 2015 йилда экспорт ҳажми 3 баравар ортди. Бу эса мазкур зонанинг нафақат Навоий вилояти, балки республика иқтисодида ўзига хос ўрин эгаллашини намоён этади.

Шунга қарамасдан, «Навоий» ЭИИЗнинг ташкил қилинишидан кўзланган мақсад тўлиқ амалга ошди, дейиш қийин. Чунончи, ташкил қилинаётганда бу ерда 50 мингдан ортиқ аҳолини иш билан таъминлай оладиган инфратузилмани яратиш мақсад қилинган эди. Аммо ўтган 7 йил давомида мингга яқин иш ўринлари ташкил қилиниши бу борада муаммолар борлигини акс эттиради. Бундан ташқари, «Навоий» ЭИИЗнинг Навоий шаҳридан узоқда жойлашганлиги, ҳудуд атрофида юқори сифатли инфратузилманинг шаклланмаганлиги зона тараққиётида, инвесторларни жалб қилишда маълум даражада тўсқинлик қилмоқда.

Хулоса қилиб айтганда, эркин иқтисодий зоналарнинг ташкил қилиниши, уларга берилган имтиёз ва имкониятлар жаҳон тажрибаси кўрсатганидек, Ўзбекистонда ҳам ижобий натижалар олиб келди. Шунингдек, бу сиёсатнинг амалга оширилиши «Ўзавтосаноат» АК, «Ўзбектефтгаз» МХК, «Ўзкимёсаноат» ДАК каби ташкилотлар таркибидаги корхоналар ва ҳамкорлари учун муҳим омил бўлди. Натижада, бу ерда ишлаб чиқаришнинг юксак технологиялари, турли тармоқлари қисқа фурсатда ташкил этилди ва бу ижобий натижалар бера бошлади ҳамда Навоий вилоятида логистика тизими тараққиёти жадаллашди.

*В. ХОЛОВ*

## ЭРКИН ИНДУСТРИАЛ-ИҚТИСОДИЙ ЗОНА СИЁСАТИНИНГ ЎЗБЕКИСТОН ТАРАҚҚИЁТИДАГИ ЎРНИ

Мазкур мақолада Ўзбекистонда мустақиллик йилларида мамлакат иқтисодини ривожлантириш мақсадида иқтисодий-индустриал ҳудудлар сиёсати ва унинг амалий натижалари «Навоий» ЭИИЗ мисолида таҳлил қилинган. Шунингдек, мақолада иқтисодий ва индустриал ҳудудларнинг келиб чиқиш тарихи, бу сиёсатнинг жаҳон тажрибасидаги ўрни, Ўзбекистондаги амалиёти ёритилган.

*Калит сўзлар*: Навоий, эркин иқтисодий зона, инвестиция, ишлаб чиқариш, Ўзавтосаноат, Навоийазот, қўшма корхона, логистика.

*В. ХОЛОВ*

## ПОЛИТИКА СВОБОДНОЙ ИНДУСТРИАЛЬНО-ЭКОНОМИЧЕСКОЙ ЗОНЫ И ЕЕ ЗНАЧЕНИЕ В РАЗВИТИИ УЗБЕКИСТАНА

В статье проанализирована политика создания индустриально-экономических зон и результаты их практической деятельности. В качестве примера представлена свободная индустриально-экономическая зона «Навои», созданная в годы независимости для развития экономики.

*V. KHOLOV*

## THE POLE OF FREE INDUSTRIAL ECONOMIC ZONE POLICY IN THE DEVELOPMENT OFUZBEKISTAN

The article analyses the policy of creating industrial-economic zones and its practical results in Uzbekistan in the example of "Navoi" free industrial-economic zone, which was established during the years of independence. Besides, the article illustrates the origin of economic and industrial zones, the role of this policy in world experience and its practices in Uzbekistan.

С. ДАВЛЕТОВ

# ЎЗБЕКИСТОНДА ЭКОЛОГИК ХАВФСИЗЛИКНИНГ МИЛЛИЙ ОМИЛЛАРИ

Ҳозирги даврда инсоният ҳар куни умумий барқарор келажак учун ғайриоддий илмий ёндашувлар ва амалий ечимларни талаб этувчи, сайёрамиз аҳолисининг ўйланмаган даражада ўсиб кетиши, иқлимнинг глобал ўзгариши, сув ва ҳаво ҳавзаларининг ифлосланиши, биологик турларнинг йўқолиб кетиши ва экология тизимининг бузилиши, тупроқ унумдорлигининг йўқолиши ва қишлоқ хўжалиги экинлари ҳосилдорлигининг пасайиши, ерларнинг чўлланиши ва шўрлашиши каби кўплаб глобал муаммолар билан тўқнашади. Ўзбекистон Республикаси экологик сиёсатининг асосий мақсади — кишиларнинг ҳаётий зарур бўлган экологик хавфсиз муҳитини таъминлаш учун табиатни муҳофаза қилиш ва табиий ресурслардан самарали фойдаланиш, яъни табиат билан жамият ўртасидаги иқтисодий-экологик муносабат шаклини қўллашдан иборат. Зеро, Ўзбекистон Республикаси Президенти И. Каримов: «Озод ва обод юртда яшайдиган, янгича фикрлайдиган одамларнинг уйлари ҳам, уларнинг ҳаёти, турмуши ҳам гўзал ва фаровон бўлиши керак», — дея таъкидлагани бежиз эмас[1].

Маълумки, Ўзбекистон Республикаси давлат мустақиллигини қўлга киритгач, собиқ Иттифоқ давридан қолган носоғлом экологик муҳитни «мерос» қилиб олди. Ҳозирги даврга келиб, экологик нобарқарорлик ўчоқлари деярли барча вилоятларда мавжуд[2]. Таҳлилларга кўра, Ўзбекистон ҳудудининг 27 фоизи атроф-муҳитнинг ҳаво, сув ва тупроқ сифати бўйича миллий стандартларига жавоб беради[3]. Умуман олганда мамлакатнинг экологик хавфсизлигига таҳдидлар глобал, минтақавий, миллий ва маҳаллий даражалар билан таснифланади. Экологик хавфсизликка бўлаётган глобал экологик таҳдидларга иқлим ўзгариши, озон қатламининг емирилиши ва Орол муаммоси кирса, минтақавий экологик муаммоларга Оролбўйи муаммолари, чўлланиш, атроф-муҳитнинг трансчегаравий ифлосланиши, табиий ва техноген тусдаги катаклизмлар, юқумли ва бошқа ўта хавфли касалликларнинг тарқалиши ҳамда сув ресурсларидан фойдаланишнинг минтақавий муаммолари киради.

Шу билан бирга, Ўзбекистон Республикасининг экологик хавфсизлигига таҳдид солувчи миллий экологик омиллар ҳам мавжуд:

---

[1] Каримов И.А. Она юртимиз бахт-у иқболи йўли ва буюк келажаги йўлида хизмат қилиш — энг олий саодатдир. Тошкент: Ўзбекистон, 2015. 191-б.

[2] Ўзбекистон Республикасида атроф-муҳит ҳолати ва табиий ресурслардан фойдаланиш тўғрисида Миллий маъруза-2008. Тошкент: Chinor ENK, 2008. 12-б.

[3] Косимова С.Т., Бадер О.А., Шоджалилов Ш. Охрана окружающей среды. Городская климатология. Ч. I–II. Учебное пособие. Ташкент: Издательство Литературного фонда Союза писателей Узбекистана, 2006. 81-б.

1. Сув ресурслари танқислиги ва ифлосланганлиги. Ўзбекистонда сув ресурсларидан фойдаланишда содир бўлаётган асосий муаммолар қуйидагилардан иборат: аҳолининг, айниқса, қишлоқ аҳолисининг тоза ичимлик суви билан кам таъминланганлиги; суғориладиган деҳқончиликда вужудга келган тизим; сув ресурсларини бошқариш ва сувдан тежаб фойдаланишни рағбатлантиришдаги камчиликлар. Маънавий эскирган суғориш тизимларидан фойдаланиш натижасида сув ресурсларининг 40–60 фоизи исроф бўлади. Ичимлик сувининг 5–10 фоизи водопровод қувурларининг эскириши, 15–20 фоизи эса, эскирган ускуналардан фойдаланилиши оқибатида исроф бўлмоқда[4].

Республикада ичимлик сувининг такомиллаштирилган манбаларидан фойдаланиш имкониятига аҳолининг 90 фоизи эга бўлиб, бу кўрсаткич шаҳарда 100 фоиз, қишлоқ жойларда 85 фоизга тенг[5]. 1996–2000 йилларда Ўзбекистонда фойдаланилган сув ресурсларининг ўртача миқдори йилига 50 км$^3$ ни ташкил қилиб, унинг 47 км$^3$ қисми ер усти сувларидан, 3 км$^3$ сув эса ер ости сувларидан иборат бўлган. Сувнинг 45,2 км$^3$ (90,2 %) қисми суғорма деҳқончиликка ишлатилган бўлса, 4,8 км$^3$ сув ноирригацион мақсадларда (шундан 1,1 км$^3$ саноатда) ишлатилган.

Кейинги йилларда сув танқислиги оқибатида 1–2 марта юқори даражада минераллашган зовур сувлари билан экинларни суғориш амалда кенг қўлланилмоқда[6]. Дарё сувларини ичимлик суви сифатида ишлатиб бўлмаслиги, суғоришда фойдаланганда тупроқнинг шўрланиб қолиши ва турли чиқиндилар билан ифлосланиши вазиятни жиддийлаштирмоқда. Қуйи Амударё, Қуйи Сирдарё ва Қуйи Зарафшон ҳудудларида сифатсиз дарё сувини истеъмол қилиш аҳоли ўртасида турли касалликлар тарқалишига сабаб бўлиб, бир ёшгача бўлган гўдак ва ёш болаларда, аёлларда оғир асоратлар қолдирмоқда.

Суғориладиган қишлоқ хўжалиги (78 %), саноат (18 %) ва муниципал сектор (4 %) мамлакатда сув ифлосланишининг манбалари бўлиб ҳисобланади. Суғориладиган ерлардаги минерал тузларни ювиш сув ҳавзаларини ифлослантиради, кўпинча заҳарли химикатлар, фосфор, азот ўғитлари назоратсиз қўлланади. Сув танқислиги сезилувчи ҳудудлар (Қорақалпоғистон, Хоразм, Бухоро)да, шунингдек, ишлаб чиқариш саноати юқори ҳудудлар (Тошкент, Фарғона, Самарқанд, Навоий саноат туманлари)да юқори концентрация каби мураккаб вазият юзага келмоқда. Тахминан 1–5 % саноатда ишлатилган сув манбага тозаланмай ташланади.

---

[4] Хошимов З., Икромова Н., Исломов А., Раджабов Н. Орол минтақаси экологияси // Ўзбекистон қишлоқ хўжалиги. 2008. №8. 20-б.

[5] УзРТМКДҚЖА. Мульти-индикаторное кластерное исследование Узбекистана. 2006. 52-б.

[6] Рашидов Д. Ер ресурслари ва ундан оқилона фойдаланиш // Қишлоқ ҳаёти. 2010 йил. 29 июль.

Республика ҳудудида сув танқислигига мослашиш ва сувдан ўлчов асосида фойдаланишнинг олдини олиш мақсадида қуйидаги бир қатор тадбирлар ишлаб чиқилган:

— сувни тежовчи технологиялардан фойдаланиш;

— ишлаб чиқариш шароитида сувдан бир неча марта фойдаланишга ўтиш;

— ичиш мақсадида узатилаётган сувдан ишлаб чиқариш жараёнида фойдаланишни ман этиш;

— ичимлик сувини алоҳида узатиш;

— истеъмолчиларга ичимлик суви узатилаётганда замонавий сув тақсимлагичдан фойдаланиб, кам ишлатилишини йўлга қўйиш ва исроф бўлишининг олдини олиш;

— сувни иқтисодий асосда нархлаш;

— сув омборларини қуриш ва уларнинг юзаси буғланишини камайтириш;

— сувдан фойдалана олмайдиган даражага келтирадиган хўжаликларни камайтириш ҳисобига, у йўқолиб кетадиган ҳавзалар сонини қисқартириш.

Шунингдек, миллий даражада Ўзбекистонда Орол денгизи қуришининг салбий оқибатларига қарши курашиш борасида катта иш олиб борилмоқда. Бу борада 1990 йилдан бошлаб юзга яқин дастур ва лойиҳалар амалга оширилган. 2013 йилда 1,3 млрд. АҚШ доллари эквивалентига тенг Оролбўйи лойиҳалари ва тадбирларини лойиҳалаш режаси, шунингдек, Амударё дельтасида кичик сув омборларини тузиш, сувни чучуклаштирадиган қурилмали сув иншоотларини қуриш, Жанубий Оролбўйи сув ҳавзаларида орнитолог мониторинги ва иҳота дарахтларини ўтказиш ташкиллаштирилди[7]. Ўзбекистон Республикаси Президенти ташаббуси билан 2013 йилнинг 16 сентябрида БМТнинг Бош ассамблеясининг 68-сессиясида «Оролбўйи экотизими фалокатларини олдини олиш ҳамда Орол қуриши асоратларига йўл қўймаслик чора-тадбирлари Дастури» қабул қилинди. Мазкур Дастур БМТнинг Бош котиби Пан Ги Мун томонидан ҳар тарафлама қўллаб-қувватланди.

2. Атмосфера ҳавосининг ифлосланиши. Йирик шаҳарлар ва саноат марказларида атмосфера ҳавосининг ифлосланиши мамлакатдаги атроф-муҳитни муҳофаза қилишнинг асосий муаммоларидан биридир. 1991 йилдан бошлаб ҳавони саноат чиқиндиларидан ифлослантириш даражаси камайиб борди. Лекин ҳаракатлантирувчи манбаларнинг таъсири юқори бўлди[8].

Республикада турғун манбалар атмосфера ҳавосига 150 дан кўп турдаги ифлослантирувчи моддаларни чиқаради. Шуларнинг фақат 85 фоизи Тошкент, Қашқадарё, Бухоро, Фарғона, Навоий вилоятлари ҳиссасига тўғри келади. Ҳар йили республиканинг атмосфера ҳавосига 4 млн. тоннага яқин зарарли моддалар

---

[7] ГЕФ/КГД жорий архив маълумоти: Барқарор ривожланиш ва табиатдан фойдаланиш асослари. Тошкент, 2015. 21-б.

[8] Ўзбекистонда атроф-муҳитнинг ҳолати ва табиий ресурслардан фойдаланиш: фактлар ва рақамлар. 2000–2004. Тошкент, 2004. 54-б.

қўшилмоқда. Шуларнинг ярми углерод оксидига тўғри келади, 15 фоизини углеводород чиқиндилари, 14 фоизини олтингугурт қўш оксиди, 9 фоизини азот оксиди, 8 фоизини қаттиқ моддалар ташкил этади ва 4 фоизга яқини ўзига хос ўткир заҳарли моддаларга тўғри келади.

Республикадаги атмосфера ҳавосининг энг кўп ифлосланиши Тошкент ва Қашқадарё вилоятларида учрайди. Бунинг асосий сабаблари мазкур ҳудудларда ёқилғи-энергетика комплекси: иссиқлик электр станциялари, иссиқхоналар, газ компрессор станциялари кўпроқ йиғилганлигидир. Албатта, Талимаржон, Янги Тошкент ИЭСларининг қурилиши атмосферага чиқариладиган чиқиндилар ҳажмининг янада ошишига олиб келади[9]. Тошкент вилоятида атмосферага ташланаётган ифлослантирувчи ялпи моддалар 2008 йилда қарийб 488,831 минг тоннани ташкил этди[10]. Сурхондарё вилоятида пахта тозалаш заводлари томонидан атмосферага йилига 4000 тоннадан ортиқ турли чиқиндилар чиқарилмоқда. Бу чиқиндилар аҳолининг аллергия, нафас йўллари, ошқозон-ичак ва бошқа касалликлар билан оғришига сабаб бўлди[11].

Сўнгги 25 йил ичида кўчмас манбалардан заҳарли моддалар чиқариш тенденцияси қисқарганлиги кузатилмоқда (1,3 млн. тоннадан 0,7 млн. тоннагача)[12]. Республиканинг катта шаҳарларидаги йирик корхоналарда зарарли моддалар чиқарилишига қарши чора-тадбирлар кўрилгач, бу кўрсаткичларга эришилди. Ҳавони асраш чора-тадбирлари натижасида бутун республика бўйича ҳаво ҳавзасини асраш борасида экологик аҳволни барқарорлаштириш йўналиши белгилаб олинди. 2013 йилда Ўзбекистон Республикасида атмосферага чиқариб ташланган ифлослантирувчи моддалар миқдори 2012 йилга нисбатан 15% га қисқарганлиги кузатилди[13].

Ҳозирги кунда кўпчилик катта шаҳарларда атмосфера ҳавосини умумий ифлослантиришда автотранспортнинг ҳиссаси 60 фоиздан кўпроқни ташкил этади. Статистик маълумотларга кўра, 2000 йилда бу кўрсаткич 67,8 фоизга тенг бўлган[14]. Атмосфера ҳавосини ифлослантиришда автотранспорт ҳиссасининг келажакда ортиши кутилмоқда, чунки ишлаб чиқаришдан кўра, унинг ўсиш суръатлари юқоридир.

---

[9] Естифеева А. Вероятностная оценка воздействия строительства Пскемского гидроузла на окружающую среду // www.armon.freenet.uz/rus/bulletin/7/06.html

[10] ЎзРТМКДКЖА. Информационный бюллетень о состоянии источников загрязнения и их влиянии на окружающую природную среду на территории Республики Узбекистан (2007–2008 гг.). Ташкент, 2010. 33-б.

[11] Кулматов Р. Некоторые социально-экологические проблемы. // www.armon.freenet.uz/rus/bulletin/2/03.html

[12] Атмосфера ҳавосини асраш борасидаги ишлар ҳолати. 2013-05-07. // www.uznature.uz/ru/node/169

[13] Атмосфера ҳавосини асраш борасидаги ишлар ҳолати. 2014-01-22. // www.uznature.uz

[14] Охрана окружающей среды в Узбекистане. Статистический сборник. Ташкент, 2002. 86-б.

3. Ер ресурсларидан фойдаланиш муаммолари. Ердан барқарор фойдаланишнинг муқаррар хавфи Ўзбекистонда ер ресурсларининг чекланганлиги ва таркиби сифатининг пастлигидир. Йилдан йилга Ўзбекистонда ерга нисбатан, айниқса, қишлоқ хўжалиги мақсадида иқтисодий ва демографик юк ортиб бормоқда. Айрим маълумотларга кўра, республикадаги жами 17,8 млн. гектар қишлоқ хўжалиги ерларидан атиги 25% ҳайдаладиган ерлардир. Сўнгги 15 йилда қишлоқ хўжалиги ерлари майдони 5% дан ортиққа қисқарди, аҳоли сонига ҳисобкитоб қилганда эса 22% бўлади. Бу, асосан, яйловлар, боғлар ва узумзорлар ҳисобига содир бўлди[15].

Минтақа мамлакатлари орасида Ўзбекистонда аҳоли зичлиги энг юқори: 1 км$^2$ га 51,4 киши тўғри келади. 1 гектар суғориладиган ерга мамлакат аҳолисидан 8 нафар киши тўғри келади. Аҳоли сони ортиши суръати суғориладиган ерлар майдони ортиши суръатидан олдинда кетмоқда. Аҳоли сони ортганлиги туфайли жон бошига тўғри келувчи суғориладиган ер майдони сўнгги 30 йил ичида 25% га қисқарди, яъни 0,23 дан 0,16 гектарга тушди. Осиё тараққиёт банки хулосаларига кўра, мазкур тенденция давом этса, суғориладиган ерлар келгуси 30 йилда яна 20–25% га қисқаради.

Мамлакатда ерларнинг шўрланиши, шамол ва сув эрозиясига учраши энг долзарб муаммолардан саналади. Эрозия таъсирида республикада ҳар йили 22 млн. тонна энг унумдор тупроқ устки қатламини йўқотади[16]. Айни пайтда, Ўзбекистонда шўрланган ерлар суғориладиган ерларнинг 50,7 фоиз (2170,7 минг гектар)ни, шундан кучсиз шўрланган ерлар — 31,4; ўртача шўрланган ерлар — 15,5; кучли шўрланган ерлар 3,8 фоизни ташкил этади. Суғориладиган ерларнинг 52 фоиздан ортиғи иккиламчи шўрланишга дучор бўлган. Экин майдонининг 1,42 млн. гектари сув эрозиясига учраган[17]. Яйловлар майдони — 20,8 млн. га, шундан 18,7 млн. га — суғориладиган; 1,6 млн. га — деградацияга учраган ерлар; 15,1 млн. га ерлар хўжалик мақсадларида фойдаланилмайди[18].

Ўзбекистонда суғориладиган ерлар 4,2 млн. га бўлиб, улар паст маҳсулдорлиги, юқори шўрланиш даражаси, шамол ва сув эрозиясига учраганлиги билан характерланади. Айниқса, дарёларнинг қуйи қисмларидаги ерлар кучли шўрланган[19]. Амударё ва Сирдарёнинг юқори ҳавзаларида ернинг 10 фоизи юқори

---

[15] ГЕФ/КГД жорий архив маълумоти: Барқарор ривожланиш ва табиатдан фойдаланиш асослари. Тошкент, 2015. 48-б.

[16] Хоразм вилояти Табиатни муҳофаза қилиш қўмитаси жорий архиви: Ўзбекистонда иҳота (ҳимоя) ўрмонларини барпо қилиш бўйича қўлланма. Тошкент, 2007. 2-б.

[17] Текущий архив Центра Узгидромет при КМ РУз. А г а л ц е в а Н.А. Выполнение обязательств по КБО в Узбекистане: основные направления и действия. Презентация. Ташкент, 2010. 30-б.

[18] А з и з о в И. Қонунчилик ва тарғибот ишларининг уйғунлиги // Жамият. 2010 йил. 28 май.

[19] Второе национальное сообщение Республики Узбекистан на Рамочной конвенции ООН об изменении климата. Ташкент, 2008. 8-б.

даражада шўрланган, Амударёнинг қуйи оқимида бу рақам 95 фоизни ташкил этади. Бухоро, Навоий ва Сирдарё вилоятларида ернинг шўрланиши кенг тарқалган, бу вилоятларнинг 40–50 фоиз майдонини шўр босган.

Фарғона вилоятида қишлоқ хўжалиги ерлари таркибига 567,6 минг га ер ажратилган бўлиб, унинг 248,7 минг гектарини қишлоқ хўжалиги учун яроқли бўлган суғориладиган ерлар ташкил қилади. Вилоятнинг суғориладиган қишлоқ хўжалиги ерларида тупроқ унумдорлигининг бонитети ўрта ҳисобда 56 баллни ташкил этди[20].

Қорақалпоғистон Республикаси ҳудудида 2 млн. гектарга яқин суғорма деҳқончиликка яроқли ерлар мавжуд бўлса-да, уларнинг тўртдан бир қисмидангина фойдаланилади[21]. Хоразм вилоятида ер ва сув ресурсларидан фойдаланиш соҳасида ҳам муаммолар мавжуд[22].

Мамлакат барқарор ривожланиши учун долзарблигини ҳисобга олиб ва Ўзбекистон Республикасида ерларнинг мелиоратив ҳолатини тубдан яхшилаш мақсадида қуйидаги Ҳукумат қарорлари қабул қилинган:

— Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2007 йил 29 октябрдаги ПФ-3932-сонли «Ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Фармони;

— Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2007 йил 31 октябрдаги ПҚ-718-сонли «Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳузуридаги суғориладиган ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш жамғармаси фаолиятини ташкил этиш тўғрисида»ги Қарори;

— Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2008 йил 19 мартдаги ПҚ-817-сонли «2008—2012 йиллар даврида суғориладиган ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш давлат дастури тўғрисида»ги Қарори;

— Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2013 йил 19 апрелдаги ПҚ-1958-сонли «2013–2017 йиллар даврида суғориладиган ерларнинг мелиоратив ҳолатини янада яхшилаш ва сув ресурсларидан оқилона фойдаланиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Қарори[23].

4. Биохилма-хилликни сақлаб қолиш. Табиатдан фойдаланишнинг кучайиши оқибатида табиатдаги ҳайвонларнинг кўплаб турлари антропоген таъсир остида қолди, уларнинг яшаш жойлари ва сони қисқарди, баъзилари бутунлай йўқолди. Ўзбекистон ҳудудида турон йўлбарси, гепард, туркман қулони йўқ

---

20 Ер — халқимиз ҳаёти ва фаровонлигининг асоси // Халқ сўзи. 2010 йил 5 август.

21 Убайдуллаев К., Умаров Е.К. Региональные аспекты рационального использования ресурсного потенциала аграрного сектора (На примере Республики Каракалпакстан) // Вестник КГУ. Нукус, 2008. №1. 67-б.

22 Эшчанов Р.А. Ер ва сув ресурсларидан барқарор фойдаланишнинг агроэкологик асослари (Хоразм вилояти мисолида). Биол. фан. докт. дисс. Тошкент, 2007. 113–114-б.

23 Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2013 йил 19 апрелдаги ПҚ-1958-сонли Қарори. // www. Lex.uz.

бўлиб кетди[24]. Ўзбекистонда биринчи ҳайвонлар Қизил китоби 1983 йилда, иккинчиси 1994 йилда чиқарилган, унга 113 тур киритилган. 2006 йилда 184 тур, яъни 71 турга кўп бўлган янги китоб чоп этилди[25]. Ўсимлик дунёсига нотўғри муносабат, ундан оқилона фойдаланмаслик ўсимлик турларининг камайишига олиб келмоқда. Кейинги йилларда «Қизил китоб»га (1979, 1984, 1998) киритилган ўсимликлар сони 163 тадан 305 тагача кўпайди.

Ўзбекистон биохилма-хиллиги асосини ёввойи умуртқали ҳайвонларнинг 714 тури ва умуртқасиз ҳайвонларнинг 14900 га яқин тури (шулардан сутэмизувчилар 107 тур, қушлар — 460, рептилиялар — 60, сувда ва қуруқликда яшовчилар — 3, балиқлар — 84, ҳашаротлар — 11 000, моллюсклар — 223, ҳалқали чувалчанглар — 61, юмалоқ чувалчанглар — 1179, ясси чувалчанглар — 533, энг содда ҳайвонлар — 850), ёввойи ҳолда ўсадиган ўтказувчи тўқимали ўсимликларнинг 4 500 га яқин тури (йўсинлар — 150 га яқин, қирқ бўғимлар — 2, қирққулоқлар — 19, очиқ уруғлилар — 18, ёпиқ уруғлилар — 4320), сувўтларнинг 2 548 тури, замбуруғларнинг 2 102 тури, лишайникларнинг 500 га яқин тури, бактерияларнинг 2000 га яқин тури, цианобактерияларнинг 822 тури ва вирусларнинг 300 га яқин тури ташкил этади[26].

Оролбўйида экологик шароит ўзгариши оқибатида бир қатор ноёб қушларнинг асосий ин қуриш жойи бўлиб хизмат қилган Амударё дельтаси орнитологик нуқтаи назардан аҳамиятини йўқотди[27]. 1995 йил октябрь ойидан Ўзбекистон Биохилма-хилликни сақлаш бўйича конвенцияга қўшилди[28]. «Ўзбекистон Республикаси Биохилма-хилликни сақлаш бўйича миллий стратегияси ва ҳаракатлар дастури» ишлаб чиқилиб, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1998 йил 1 апрелдаги 139-сонли қарори билан тасдиқланган[29]. Бу стратегиянинг асосий вазифаларидан бири мамлакат умумий майдонининг 10 фоизга яқин ҳудудини қамраб олувчи муҳофаза этиладиган табиий ҳудудлар барқарор тизимини ташкил қилишдан иборатдир[30].

5. Саноат ва маиший чиқиндиларни бошқариш. Тупроқнинг ҳар хил саноат чиқиндилари ва маиший чиқиндилар билан шиддатли тарзда ифлосланиши реал таҳдид туғдирмоқда. Турли кимёвий воситалар, зарарли моддалар ва минерал

---

[24] Атроф-муҳит муҳофазаси ўз ечимини топмоқда // Экология хабарномаси. 1999. № 4. 6–8-б.

[25] Ниҳматов А.Н., Шивалдова Н.С. Иқлим ва биз. Тошкент: Chinor ENK, 2010. 89-б.

[26] ГЕФ/КГД жорий архив маълумоти: Барқарор ривожланиш ва табиатдан фойдаланиш асослари. Тошкент, 2015. 105-б.

[27] Хушвақтов И. Қутқариш ва асраш керак // Маърифат. 2008 йил. 8 март.

[28] Крейцберг-Мухина Е., Крейцберг А., Быкова Е. Проблемы охраняемых природных территорий Узбекистана и возможные пути их решения. // www.armon.freenet.uz/rus/bulletin/3/02.html

[29] ЎзР ВМнинг 1998 йил 1 апрелдаги 139-сонли Қарори // www. Lex.uz.

[30] Мирзакомилова Ф. Ягона сайёра — ягона келажак // Жамият. 2010 йил. 11 июнь.

уғитларни, саноат ва қурилиш материалларини сақлаш, ташиш ва фойдаланиш қоидаларининг кўпол равишда бузилиши ернинг ифлосланишига олиб келмоқда. Шаҳарлардан оқиб чиққан дарёлар турли ишлаб чиқариш корхоналарининг оқоваларидан ифлосланганлигини кузатиш мумкин[31]. 2003 йилги маълумотларга кўра, Ўзбекистонда 230 дан ортиқ шаҳар ва қишлоқ полигонларида 30 млн. км$^3$ чиқинди йиғилиб қолган. Ҳозирги вақтда биргина Тошкент вилояти ҳудудида 22 та чиқинди тўкиладиган жойлар мавжуд бўлиб, улардан 20 таси рўйхатга олинган. Ҳар йили бу жойларда 680 минг м$^3$ дан кўпроқ маиший ва саноат чиқиндилари тўпланади[32].

Мамлакатда ишлаб чиқариш истеъмол чиқиндиларининг шаклланиши йилига 100 млн. тоннани ташкил қилиб, уларнинг 14 фоизи токсик манбалардан иборат. Утилизация қилинган чиқиндилар миқдори 0,2 фоизни ташкил қилиб, қолган чиқиндилар ҳудудларда йиғилиб қолади. Йилига 90 млн. тоннадан ортиқ чиқиндилар, асосан, тоғ-кон ва қайта ишлаш саноати корхоналари томонидан чиқарилади.

Саноат чиқиндиларининг тўпланиши маиший ахлатларга нисбатан 10 марта кам. Аммо заҳарлилик даражаси юқори, у ер ости сувларини оғир металлар ва бошқа зарарли моддалар билан ифлослайди. Айниқса, тоғ-кон ва кон бойитиш саноати, жумладан, Навоий вилояти саноат чиқиндилари катта муаммо келтириб чиқармоқда. Масалан, Навоий кон-металлургия комбинати чиқинди уюмлари 250 гектар ерни банд қилган ва ер ости сувларини цианид, аммиак, нитрат, маргимуш билан ифлослайди. Олмалиқ кон-металлургия комбинати ва бошқа турдош корхоналар яқинидаги оқим сув чиқиндиларни ювиб, таркибида оғир металлар бўлган тузларни оқизиб келади.

Мустақиллик йилларида мамлакатимиз пойтахти Тошкент шаҳри аҳолисининг сони ошиб кетди ва шаҳар мегополисга айланди. Аммо, аҳоли сони билан биргаликда чиқиндилар ҳажми ҳам ўсиб боради. Катта шаҳарнинг экологияси чиқиндилар билан муомала қилишнинг янги тизимини яратиш йўли билан соғломлаштирилиши керак. Шу муносабат билан 2012 йилда Тошкент шаҳар Халқ депутатлари кенгашининг қарорига мувофиқ, Тошкент шаҳрида чиқиндиларни саралаш, йиғиш ва уюштирилган олиб чиқиш қоидалари тасдиқланди[33]. Ушбу қоидаларга биноан маиший чиқиндилар беш турга бўлиниши керак, улардан тўрттаси учун пластик пакетлар назарда тутилган. Чиқиндиларнинг бешинчи тури — ишлатилган симоб лампалар учун эса пециал контейнерлар назарда тутилди.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси 2013 йил 3 декабрда «Республика аҳоли пунктларини ободонлаштириш ишларини ташкил этишни тако-

---

[31] Атроф-муҳит муҳофазаси ўз ечимини топмоқда // Экология хабарномаси. 1999. № 4. 6–8-б.

[32] Суванов Х. Тошкент вилояти табиатни муҳофаза қилиш қўмитасининг фаолияти ҳақида: 20 йил табиат муҳофазасида // Экология хабарномаси. 2008. № 5–6. 66-б.

[33] Тошкент оқшоми. 2012 йил. 17 июль.

миллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги 315-сон қарорини тасдиқлади. Қаттиқ маиший чиқиндиларни олиб чиқиш ва жойлаштириш бўйича санитария хизматлари ўз вақтида ва сифатли кўрсатилишини самарали ташкил қилиш мақсадида ушбу Қарорда республика вилоятларида аҳоли қаттиқ маиший чиқиндилари санитария тозаланишини ташкил қилинишининг асосий вазифалари белгилаб қўйилган[34].

6. Табиий ресурслардан оқилона фойдаланиш муаммолари. Фойдали қазилмаларни жадал қазиб олиш, кўпинча уларни қайта ишлашнинг технологик схемалари номукаммаллиги кўп миқдорда ағдармалар, кул, шлак ва бошқа моддалар тўпланиб қолишига олиб келмоқда. Булар деҳқончилик учун яроқли бўлган ерларни эгаллабгина қолмай, балки тупроқ, ер усти ва ер ости сувлари, атмосфера ҳавосининг ифлосланиш манбаларига ҳам айланмоқда. Республикада заҳарли чиқиндилардан фойдаланиш саноати эса етарли даражада ривожланмаган.

Табиий ресурслардан бири — газни қазиб олиш, тайёрлаш ва ташиш жараёнида 10 фоиз табиий газ ресурси йўқотилади. Жумладан, Муборак газни қайта ишлаш заводи томонидан атмосферага кўп миқдордаги газ ҳажми чиқариб юборилмоқда. Нефть-газ тармоқларида эса нефть ва газ конденсатини қазиб олиш ва ташиш жараёнида 1,3 фоиз нефть ҳамда 4 фоиз газ конденсати йўқотилади[35]. Шунинг учун ҳам бозор муносабатлари шароитида Ўзбекистон Республикасининг иқтисодий ва ижтимоий ривожланиши учун фойдали қазилмаларни қазиб олиш ва уларни қайта ишлашнинг юқори даражаси муҳим аҳамиятга эга.

Мамлакатимиз ҳукумати томонидан энергияни тежаш дастури ишлаб чиқилган. Мазкур Дастурга биноан энергия тежамкор технологиялар жорий этилади, энергия ишлаб чиқаришнинг гидро-, гелио-, термо- ва шамол ресурслари ривожлантирилади.

Мамлакатнинг тегишли замонавий иқтисодий ва ижтимоий вазиятида табиий ресурсларнинг иқтисодий қийматини ҳисобга олиш атроф-муҳитни муҳофаза қилишда ва табиатдан оқилона фойдаланишда вазиятни яхшилаш учун муҳим аҳамиятга эга. Бу тўғри иқтисодий ва бошқарув қарорлари қабул қилиш учун жуда муҳим ҳисобланади.

Ҳозирги кунда барқарор ривожланиш муаммоларида аҳолининг фаол иштирокини таъминлаш учун барқарор ривожланиш ғоясини таълим соҳасига боғлаган ҳолда, маҳаллий ва миллий даражада кенг ёритиш, тарғибот қилиш зарур. Мазкур ҳолда Барқарор ривожланиш учун таълим нафақат ҳозирги, балки келгуси авлод вакилларининг талабларини қондириш мақсадида жамиятнинг ижтимоий-иқтисодий; маънавий-маданий вазифалари, қулай атроф-муҳит ва мамлакатнинг табиий ресурслари салоҳиятини сақлаб қолиш муаммоларини оқилона ечишга йўналтирилган билимларни ўз ичига олган бутун таълим тизимининг босқичма-босқич кечадиган ислоҳотларини кўзда тутади.

---

[34] ЎзР ВМнинг 2013 йил 3 декабрдаги 315-сонли Қарори (www. Lex.uz.).

[35] Алиханов Б. Экологические риски для страны: от глобальных до локальных ...

*С. ДАВЛЕТОВ*

## ЎЗБЕКИСТОНДА ЭКОЛОГИК ХАВФСИЗЛИКНИНГ МИЛЛИЙ ОМИЛЛАРИ

Ушбу мақола миллий даражадаги экологик муаммоларни ўрганишга бағишланган. Унда сув, ер ва бошқа табиий ресурслардан оқилона фойдаланиш муаммолари, атмосфера ҳавосини муҳофаза қилиш, биохилма-хилликни сақлаш, чиқиндиларни бошқариш ва бошқалар Ўзбекистоннинг барқарор ривожланиши ва экологик хавфсизлигини таъминлашда муҳим роль ўйнаши кўрсатиб берилган.

*Калит сўзлар*: Ўзбекистон, экологик хавфсизлик, сув ресурслари, ер ресурслари, эрозия, демография, ифлосланиш, табиий ресурслар.

*С. ДАВЛЕТОВ*

## НАЦИОНАЛЬНЫЕ ФАКТОРЫ ЭКОЛОГИЧЕСКОЙ БЕЗОПАСНОСТИ УЗБЕКИСТАНА

Статья посвящена изучению экологических проблем в Узбкистане. Показано, что проблемы рационального использования водных, земельных и других природных ресурсов, охрана атмосферного воздуха, сохранение биоразнообразия, управление отходами и др. играют важную роль в обеспечении экологической безопасности и устойчивого развития Узбекистана.

*S. DAVLETOV*

## NATIONAL FACTORS OF ENVIRONMENTAL SECURITY IN UZBEKISTAN

The article is dedicated to the study of environmental issues in Uzbekistan. It illustrates that the issues of rational usage of water, land and other natural resources, protection of atmospheric air, preservation of biodiversity, waste management and other factors play an important role in maintenance of environmental security and sustainable development in Uzbekistan.

*ТАРИХ ФАНИ МУСТАҚИЛЛИК ЙИЛЛАРИДА*

*Р. АБДУЛЛАЕВ*

# ЎЗБЕКИСТОННИНГ ЭНГ ЯНГИ ТАРИХИНИ ЎРГАНИШНИНГ АЙРИМ ДОЛЗАРБ МАСАЛАЛАРИ

Маълумки, миллий ўзликни англашнинг шаклланиши жараёнида, миллат жипслашуви ва сафарбарлигида, унинг маънавий қуввати захирасининг янгиланишида тарих ўта муҳим роль ўйнайди. Бундан ташқари, глобаллашув шароитларида ялпи стандартлаштириш ва маданий ўзига хосликнинг сийқаланишига қарши мувозанатни сақловчи посанги сифатида тарих ва тарихий билимлар халқнинг тарихий-маданий мероси софлигини экологик муҳофаза қилиш вазифасини бажаради.

СССР парчаланганидан сўнг собиқ совет республикаларида, жумладан, Ўзбекистонда ҳам илгари жамиятда ўн йиллар давомида назар-писанд қилинмай келинган ёки онгли равишда салбий талқин этилган миллий ва маънавий қадриятларнинг жонланаётгани кўзга ташланиб, одамлар янги сиёсий-мафкуравий ва маданий муҳит шаклланаётганининг гувоҳи бўлдилар. Бу пайтга келиб, Ўзбекистон аҳлида ўзининг бой қадимий ва ўрта асрлар тарихига қизиқиши сезиларли даражада ошиб, улар мамлакат ва ҳозирги дунёнинг энг янги тарихига оид ҳодиса ва воқеаларни ҳам чуқурроқ мушоҳада этишга уриндилар.

Жамият ҳаёти барча соҳаларининг модернизациялашуви билан боғлиқ бўлган глобаллашув жараёнларининг кучайиб бораётгани шароитида тарих фани динамик равишда ўзгараётган дунё чақириқлари билан тўқнашмоқда. Айни пайтда, гуманитар фанлар ривожи йўлларини танлашда тамомила янгича ва кескин масалаларни қўяётган бу чақириқларга муносиб жавоб беришда тарих фанига катта масъулият юкланади. Ҳозирги дунё воқелиги интеллектуал ҳамжамият олдига, унинг ижтимоий-тарихий жараёнлар моҳиятини англаш имкониятлари ва захираларига янги талаблар қўймоқда.

Ҳозирги замон тарихини яхлит тарзда ўрганиш заруриятидан келиб чиқиб, 2012 йил 27 январда Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги ҳузурида Ўзбекистоннинг энг янги тарихи бўйича Жамоатчилик кенгашини ташкил этиш тўғрисида»ги Қарори қабул қилинди.

Мазкур ҳужжатда Жамоатчилик кенгаши олдига Ўзбекистоннинг энг янги тарихини тизимли ўрганишни ташкил этиш; Ўзбекистоннинг энг янги тарихини бутун дунёдаги ва минтақавий жараёнлар билан узвий боғлиқликда кўриб чиқишни таъминлаш; ҳуқуқий демократик давлатни шакллантиришнинг «ўзбек модели»ни, ижтимоий йўналтирилган бозор иқтисодиётини, фуқаролик жамияти асосларини, инсон ҳуқуқлари ва эркинликларини таъминлашга, барқарорликни, жамиятда миллатлараро ва динлараро ҳамжиҳатликни сақлашга, Ўзбекистоннинг ҳозирги дунёдаги ўрни ва ролини кўрсатишга қаратилган ишларни

таҳлил қилиш ва моҳиятини очиб бериш; хорижий илмий ва ўқув адабиётларида Ўзбекистон тарихини сохталаштириш ва бузиб кўрсатиш ҳолларини аниқлашга, кенг халқаро жамоатчиликка Ўзбекистоннинг тарихий ўтмиши ва ҳозирги ижтимоий-иқтисодий, сиёсий ривожланиши, мамлакатда ўтказилаётган демократик ислоҳотлар ҳақида холис, ҳаққоний ахборотни етказишга қаратилган тизимли тадбирларни амалга ошириш вазифалари қўйилди[1].

СССР парчаланганидан кейин мамлакатимиз танлаган машаққатли, мустақил тараққиёт йўли ўтмишдан мерос бўлиб қолган ҳамда собиқ марказнинг империявий сиёсати натижасида халқимиз бошига тушган оғир ижтимоий-иқтисодий аҳвол туфайли юзага келган оқибатлар ва қолиплардан қутулиш барчадан катта куч-ғайратни талаб этиши аён бўлиб қолди. Шу муносабат билан мамлакатимиз Президенти 2015 йил 12 январда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг биринчи йиғилишида қуйидагиларни алоҳида таъкидлади: «Бугун мустақил тараққиёт йўлимизни, амалга оширган ишларимизни сарҳисоб қилар эканмиз, авваламбор, бир ҳақиқатни такрор ва такрор айтишни ўринли деб биламан. Яъни янги ҳаёт, янги жамият қуриш йўлида биз илгари ҳеч қачон дуч келмаган, тажрибамизда учрамаган ўта оғир ва машаққатли йўлни босиб ўтишимизга тўғри келди. Ҳеч шубҳасиз, бу борада қандай муаммо ва синовларни, қийинчилик ва тўсиқларни енгишга тўғри келган бўлмасин, қандай суронли ва тўфонли кунларни бошимиздан кечирган бўлмайлик, халқимизнинг хоҳиш-иродаси билан танлаган ва дадил қадамлар билан бораётган йўлимиздан, ўз олдимизга қўйган буюк мақсадларимиздан қайтмадик ва ҳеч қачон қайтмаймиз... Маълумки, ўтган асрнинг 90-йилларида бошқа совет республикалари қатори Ўзбекистон ҳам мустақил тараққиёт йўлига ўтди. Мустабид тузумдан бизга қандай оғир, қандай ночор мерос қолганини, халқимиз қанча азоб-уқубатлар тортганини ҳеч қачон унутмаслигимиз керак»[2] .

Юқорида айтилганларнинг барчаси тарих фани ва бошқа ёндош фанлар олдига бир қатор жиддий вазифалар қўяди. Уларнинг ҳал этилиши халқимиз ва жаҳон жамоатчилиги томонидан собиқ совет империясининг парчаланиши арафасида мамлакатимизда ва атрофимизда юз берган мураккаб ва кўп жиҳатдан бир хил баҳолаш мумкин бўлмаган воқеалар, ҳодиса ва жараёнларнинг идрок этилишига қаратилиши лозим. Ушбу вазифаларнинг илмий идрок этилиши ва ҳал қилиниши муайян даражада тарих фанидаги мавжуд тушунча — методологик арсеналнинг танқидий таҳлили ва Ўзбекистоннинг энг янги тарихига оид турли сюжетларни тадқиқ этиш билан шуғулланаётган барча илмий йўналишлар назарий салоҳиятининг янгиланиши билан боғлиқдир.

---

[1] Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2012 йил 27 январдаги №ПҚ-1694-сонли «Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги ҳузурида Ўзбекистоннинг энг янги тарихи бўйича Жамоатчилик кенгашини ташкил этиш тўғрисида»ги Қарори.

[2] Президент Ислом Каримовнинг Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг биринчи ташкилий йиғилишидаги нутқи. http: //www.uza.uz|ozpolitics/ prezident-islom-karimovning-uzbekiston-respublikasi-oliy-mazh-12-01-2015

Тарих фани ривожининг ҳозирги босқичида унинг назарий бойиётганлиги сезиларли ҳодиса бўлиб қолмоқда. Назарий арсеналда фанлараро ёндашув, яъни ўтмишни билишда турли ижтимоий фанларнинг методларидан фойдаланиш тобора кўпроқ ўрин эгаллаяпти.

Шуни қайд этиш лозимки, фанлараро ёндашув усули тарих фанида совет даврида ҳам қўлланилган, бироқ у, асосан, марксистик жамиятшунослик методларидан фойдаланишдан иборат қилиб қўйилган эди. Совет давридан сўнг тарих фанида фанлараро ёндашув сифат жиҳатдан ўзгарди, зеро, у энди ҳозирги замон дунё жамиятшунослиги арсеналидан — маданиятшунослик, социология, сиёсатшунослик, антропологиядан бемалол баҳра ола бошлади[3].

Мамлакатимиз тарих фани бутун собиқ совет ҳудудида бўлгани сингари СССР парчаланиши арафасида ва ундан кейинги дастлабки йилларда методологик жиҳатдан бирмунча «эсанкираш» ҳолатига тушиб қолган эди, бу охирги икки ўн йилликда аста-секинлик билан бартараф этилди. Бироқ, амалиёт узоқ йиллар давомида марксистик методология сифатида ҳукмронлик қилиб келган назарий мезонлардан воз кечиш осон эмаслигини кўрсатди. Бу жараён мутахассислар томонидан тарих фанининг назарий асосларини қайта мушоҳада этиш, унинг терминологиясини ҳам тартибга солишга йўналтирилган жиддий интеллектуал куч-ғайратни тақозо қилди.

Тарих фани терминологиясининг ўзгариши — бу, энг аввало, унинг ривожланишининг натижасидир. Зеро, бу ҳолат илмий тадқиқотнинг у ёки бу объектига нисбатан янгича нуқтаи назар, янгича тарихий атамаларнинг киритилишига олиб келади. Бу жараёнлар фақат мамлакатимиз тарих фани учун эмас, бутун постсовет ҳудудидаги тарих фани учун хосдир. Шу билан бирга, бугунги кунда кўплаб постсовет мамлакатларида мутахассислар тарих фани, хусусан, унинг энг янги тарихни ўрганиш билан боғлиқ йўналиши фанлараро чегараларга барҳам беришга интилаётгани тобора яққолроқ намоён бўлаётганига ва бунинг оқибати ўлароқ илмий муомалага янги терминлар баъзида асоссиз равишда киритилаётганига аллақачон эътибор қаратган эдилар[4].

Уларнинг фикрига кўра, кўп ҳолларда бир-бирини истисно этувчи янги иборалар ва тушунчаларнинг бошқа фанлардан механик олиб кирилиши назарий ва терминологик чалкашликларга сабаб бўлади[5].

Фикримизча, тадқиқот жараёнида фанлараро, полидисциплинар ва мультидисциплинар ёндашувлардан фойдаланишда шуни ёдда тутиш лозимки, тадқиқотчининг вазифаси ўқувчини ҳозир урф бўлган ва тарқалган илмий-тарихий терминлар ва тушунчалар билан чалкаштириш эмас, балки мантиқий жи-

---

[3] *Қаранг.* Согрин В. В. Цивилизационное и междисциплинарное изучение истории США // Новая и новейшая история. М., 2012. №1. 25-бет.

[4] *Қаранг.* Теория и методология исторической науки. Терминологический словарь. М., 2014. 5–7-б.

[5] Ўша манба. 5-б.

ҳатдан ўзаро боғланган ва бир-бирини тўлдирувчи тушунчаларни қўллаган ҳолда содир бўлган тарихий ҳодисалар ва воқеаларнинг аниқ-равшан ва илмий далилланган манзарасини тақдим этишдир. Ўзбекистон энг янги тарихининг турли жиҳатларини ўрганаётган ижтимоий-гуманитар фан вакиллари ҳозирги пайтда фақат янги назарий ёндашувларга суяниб қолмасдан, айни пайтда ўз изланишларида тадқиқотнинг замонавий методларидан фойдаланмоқдалар. Улар сирасига, хусусан, қуйидагиларни киритиш мумкин: компаратив таҳлил (қиёсий-тарихий тадқиқот методи); мажмуавий таҳлил (тарихий ҳодисани турли манбалардаги маълумотларни таҳлил қилиш асосида ҳар томонлама ўрганишни тақазо этувчи усул); статистик ва математик метод; ретроспектив таҳлил (тарихий ҳодисаларни ва жараёнларни уларнинг бизгача етиб келган ривожланишнинг янада юқори босқичидаги кўринишлари орқали ўрганиш); социологик метод; оғзаки тарих методи (тарихий воқеалар, жараёнлар ва ҳодисаларни кўпроқ оғзаки манбалар асосида ўрганиш билан шуғулланувчи тадқиқотчилик йўналиши. Воқеаларнинг иштирокчилари ва ўз кўзи билан кўрган кишилар орқали берилган маълумотларнинг мутахассислар томонидан илмий қоидалар асосида қайд этилган шаклларидан бири) ва бошқалар.

Мустақиллик йилларида Ўзбекистонда тарих фани жиддий ўзгаришларга учради. Бугунги кунда тадқиқотчилар олдида янги долзарб илмий мавзуларни замонавий концептуал ёндашувлар асосида ёритиш ва идрок этиш вазифаси турибди.

Ўзбекистоннинг энг янги тарихи ҳақида сўз кетганда биз учун, аввало, 1991 йилдан кейин босиб ўтилган тарихий йўлнинг моҳияти ва мазмунини англаб етиш, бу жараён қандай кечгани, мамлакат раҳбариятининг мустақиллик арафасида ва дастлабки йилларида муаммолар ечимини топишга қаратилган уринишларини англаш жуда муҳимдир.

Ривожланишнинг ўзбек моделининг ўзига хослиги нимадан иборат? Ўзбекистон жаҳон ҳамжамиятида қандай ўринга эга бўлган? Мамлакатимиз ҳозирги кунда иштирок этаётган глобал ва минтақавий интеграция жараёнларининг хусусияти нимадан иборат? Ўзбекистоннинг энг янги тарихи масалаларини ўрганишни ташкил этган бу саволлар ватанимиздаги кўплаб мутахассисларнинг диққат марказидан ўрин олган. Охирги ўн йиллик ичида мамлакатимизда ва ундан ташқарида Ўзбекистоннинг энг янги тарихининг турли жиҳатларига бағишланган кўплаб ишлар эълон қилинди. Хусусан, энг муҳим тадқиқот мавзуларидан бири Ўзбекистонда фуқаролик жамияти шакллантирилиши ва ривожланишининг ўзига хос хусусиятлари билан боғлиқ.

Маълумки, Ўзбекистонда бугунги кунда «Кучли давлатдан — кучли фуқаролик жамияти сари» концепцияси умуммиллий даражада амалга оширилмоқда. Фуқаролик жамиятининг замонавий (ижтимоий ҳаракатлар ва сиёсий партиялар, оммавий ахборот воситалари ва бошқалар) ҳамда анъанавий (фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари) институтларини шакллантирмай ва ривожлантирмай туриб демократик ҳуқуқий давлат қуриш учун тегишли шарт-

шароитни яратиш мумкин эмас. Экспертлар таъкидлаганидек, фуқаролик жамияти институтлари — давлат ва унинг органлари билан тенг ҳуқуқли мулоқот олиб боришни ўрганишлари керак[6].

Мамлакат ҳаётида муҳим бўлган ушбу вазифани бугун кўпчилик англай бошлади. Бу ўринда шуни қайд этиш зарурки, ўзбек жамиятида қадимги даврлардан бери айрим демократия унсурлари: ўзини ўзи бошқаришнинг жамоа шакли, маҳалла йиғинлари, оқсоқоллар кенгашлари ва халқ дипломатияси мавжуд эди. Бироқ ҳозирги кунда ушбу институтлар томонидан анъанавий функциялар бажарилишининг ўзи билан қаноатланиб бўлмайди. Уларнинг фаолияти ҳозирги давр талабларига мос янги мазмун билан тўлдирилиши зарур.

Ўз-ўзидан аёнки, бунда мазкур жамоатчилик тузилмаларининг ижтимоий-сиёсий ҳаётда фаол иштирокини кучайтириш мақсадида уларга кўпроқ мустақиллик берилиши, фаолияти учун шароитлар, хусусан, қулай иқтисодий шароит яратиб берилиши лозим[7].

Тарихчилар ва бошқа ёндош фанлар вакиллари Ўзбекистонда сиёсий партияларнинг шаклланиши, ривожланиши ва фаолияти тарихини мажмуавий таҳлил этиш жараёнига ҳам муайян ҳисса қўшиб келяптилар[8].

Маълумки, ривожланган демократик давлатларда сиёсий партиялар фуқаролик жамиятининг энг муҳим институтларидан бирини ташкил этади. Мустақиллик қўлга киритилганидан сўнг мамлакатимиз Президенти фуқароларнинг давлат ва жамиятни бошқаришда кенг иштирок этишларини таъминловчи сиёсий институтларнинг хилма-хиллигига асосланган янги демократик сиёсий системанинг негизларини шакллантириш зарурлиги ҳақида гапирган эди.

Ўзбекистон ўз тарихида яккапартиявийлик тизимининг узоқ вақт давом этган ҳукмронлигини бошдан кечирди ва табиийки бу ҳол кўплаб ўзбекистонликларнинг онгида ва турмуш тарзида акс этмай қолмади.

Собиқ Иттифоқ даврида давлат ва яккапартиявийлик тизими шахс устидан ялпи ҳукмронлигини ўрнатган эди. Фуқаро ҳуқуқлари ҳимояланмагани, бош-

---

[6] *Қаранг*: Этапы демократизации политической системы, либерализации и развития гражданского общества: (Материалы дискуссии ) // Жамият ва бошқарув. 2015. №1. 30–45-б.

[7] А б д у л л а е в Р. Проблемы формирования и развития гражданского общества в современном Узбекистане // Историческое пространство. Москва, 2008. №1–4. 241-б.

[8] *Қаранг*: А б д у н а б и е в А. Многопартийность — форма политической организации общества. Ташкент, 1991; Д ж у м а е в Р. Политическая система Республики Узбекистан: становление и развитие. Ташкент, 1996; Қ и р ғ и з б о е в М. Фуқаролик жамияти: генезиси, шаклланиши ва ривожланиши. Тошкент, 2006; А б д у л л а е в Р. Актуальные проблемы изучения истории национальных общественно-политических движений и организаций Узбекистана в XX веке // Материалы международной конференции «К новым стандартам в развитии общественных наук в Центральной Азии». Алматы, 2006; Ўзбекистонда кўппартиявийлик тизими шаклланиши масалалари (Давра суҳбати) // Жамият ва бошқарув. 2015. №1. 16–29-б.

қарувнинг маъмурий-буйруқбозлик усуллари, мамлакатда ҳар қандай муқобил фикрлашнинг тазйиқ остига олиниши кўп одамларда чорасизлик туйғусини уйғотиб, реал ҳаётдан узоқлашиш истагини кучайтирган, «сиёсий аутсайдерлар» деб аталувчи кишилар сонининг ўсишига олиб келган, жамиятда ижтимоий пессимизм ва боқимандалик кайфиятларининг кучайишига сабаб бўлган эди.

Афсуски, бугунги кунда ҳам жамиятда эски совет даврига хос бўлган ижтимоий онгнинг рецидивлари муайян даражада сақланиб қолмоқда. Айнан шу сабабли бугун кучли фуқаролик жамиятини қуриш вазифаси тобора долзарблик касб этмоқдаки, унинг амалга оширилиши реал кўппартияли тизимни шакллантиришни англатади. Бироқ, кўппартияли тизимнинг ўзи биз учун нимани англатади? Мамлакатимизда илгари ушбу тизимнинг қандайдир унсурлари бўлганми?

Сиёсий партиялар бугунги жамиятнинг сиёсий-иқтисодий, мафкуравий ва бошқа соҳаларида қандай ўринга эга?

Шунингдек, кўппартияли тизимнинг мустаҳкамланиш жараёни қандай кечаётганини тушуниш ҳам муҳим. Мамлакатимизда партияларaро рақобатнинг ўзига хослиги нимада? Бу ва бошқа саволларга жавоб бериш вазифаси ҳам тарихчилар олдида турибди.

Ўзбекистоннинг энг янги тарихи масалаларини тадқиқ этиш доирасига жамиятни ижтимоий-иқтисодий ислоҳ қилиш ўзбек моделининг концептуал асосларини мушоҳада қилиш билан боғлиқ муаммоларнинг ҳам кириши равшан.

Амалиёт иқтисодиётнинг маъмурий-буйруқбозлик тизимидан ва марказлаштирилган режалаштиришдан ижтимоий йўналтирилган бозор механизмларига ўтиши фавқулодда мураккаб жараён эканлигини кўрсатмоқда. Зеро, Ўзбекистонда бозор иқтисодиётига ўтишнинг бошланиши ўта оғир шароитларда кечди.

Ўзбек мутахассисларининг фикрича, СССР парчаланиши арафасида «...республика барча ижтимоий-иқтисодий кўрсаткичлар бўйича СССРда охирги ўринлардан бирини эгаллаган, аҳоли жон бошига тўғри келадиган реал даромадлар даражаси бўйича сезиларли фарқ кузатилган... Ўзбекистон аҳолисининг 45% 1980-йиллар охирига келиб, ойига 75 рублдан кам даромадга эга бўлган, айни вақтда, бутун Иттифоқ бўйича бундай аҳоли 12% ни ташкил этган. ... Совет даврида эълон қилинган статистик материалларнинг кўрсатишича, Ўзбекистон аҳолисининг турмуш даражаси ва моддий фаровонлиги, бошқа ижтимоий-иқтисодий кўрсаткичлар бўйича ҳам (айниқса, собиқ Иттифоқнинг Европада жойлашган қисмига солиштирганда) сезиларли даражада паст бўлган»[9].

Бундан ташқари, ўша йилларда республикада ижтимоий-иқтисодий вазиятнинг мураккаб бўлганлигини характерловчи бошқа омиллар ҳам мавжуд эди. Жумладан, мазкур омилларга қуйидагиларни киритиш мумкин:

— минтақалар ўртасида ижтимоий-иқтисодий номутаносиблик даражасининг анча юқорилиги;

---

[9] Рахматуллаев Ш. Фарғона водийсидаги ижтимоий-иқтисодий жараёнлар (XX асрнинг 80-йиллар охири ва 90-йиллар бошлари) // Ўзбекистоннинг энг янги тарихи масалалари. Тошкент, 2015. № 1. 100-б.

— аҳолининг салмоқли қисмида бозор муносабатларига мос келувчи иқтисодий хулқ-атвор ва ижтимоий қоидаларнинг шаклланмаганлиги;

— туғилиш даражасининг юқорилиги ҳамда кўп болали оилаларда боқимандалар сонининг кўплиги. Бу ҳол ижтимоий масалаларни ҳал этиш учун катта ресурслар талаб этар эди[10].

Тарихий тажриба мустақиллик арафасида ва унинг дастлабки йилларида республика аҳолиси дуч келган муаммоларнинг бу рўйхатини давом эттириш мумкинлигини кўрсатади. Бироқ, шуни таъкидлаш зарурки, собиқ Иттифоқдан мерос бўлиб қолган ижтимоий-иқтисодий муаммолар ва зиддиятларга қарамай, истиқлол йилларида уларнинг аксарияти ҳал этилди. Аммо бу қайд этилганлардан, ҳозирги пайтга келиб ижтимоий-иқтисодий соҳанинг барча долзарб вазифалари аллақачон ҳал этиб бўлингани ҳақида хулоса чиқариш керак эмас[11].

Дарҳақиқат, мутахассислар қайд этганидек, мазкур соҳада мавжуд муаммоларни ижобий ҳал этиш ва тартибга солиш учун ҳали бутун жамиятнинг катта куч-ғайрат сарфлаши талаб этилади[12].

Ўзбекистоннинг энг янги тарихини тадқиқ этишнинг яна бир муҳим жиҳати мамлакатнинг интеграция жараёнларида иштироки билан боғлиқ масалалар мажмуасидир. Бу алоҳида тадқиқотчилик йўналиши бўлиб, сўнгги ўн йилликларда сезиларли даражада долзарблик касб этди.

Кўп йиллар давомида ташқи дунёдан деярли тўлиқ сиёсий ва иқтисодий айро ҳолатида бўлган Ўзбекистон, СССР парчаланганидан сўнг глобал ва минтақавий интеграция жараёнларига қўшилди ва унда фаол иштирок этиб келмоқда. Шу билан бирга, маълумки, у ёки бу интеграция лойиҳаларини амалга ошириш жараёнида албатта ҳисобга олиниши лозим бўлган бир қатор принципиал шароитлар мавжуд.

Уларга, энг аввало, қуйидагилар киради:

— интеграция лойиҳаларида иштирок этишнинг ихтиёрийлиги ва тенг ҳуқуқлилигини таъминлаш;

— интеграция жараёнларини сунъий тезлаштириш ёки мафкуралаштиришдан воз кечиш

Бунда, айрим ўзбек мутахассисларининг фикрича, Ўзбекистон (Марказий Осиёнинг бошқа давлатлари қаторида) ҳали узоқ вақт давомида жаҳоннинг етакчи давлатларининг перманент сиёсий қарама-қарши кураш зонаси бўлиб қолишини ҳар доим ёдда тутиш керак[13].

---

[10] *Қаранг*: К а р и м о в а Д. Социальная стратегия Узбекистана: этапы и перспективы // Ўзбекистоннинг энг янги тарихи масалалари. 2015. № 1. 49–59-б.

[11] *Қаранг*: Иқтисодий ривожланишнинг «ўзбек модели» (Давра суҳбати) // Ўзбекистоннинг энг янги тарихи масалалари. 2015. № 1. 36–48-бетлар.

[12] Ў ш а ж о й д а.

[13] Т о л и п о в Ф. Большая стратегия Узбекистана в условиях геополитической и идеологической трансформации Центральной Азии. Ташкент, 2005. 44-б.

Бу ҳолат, албатта, республиканинг ички ва ташқи сиёсатининг муҳим қоида ва тамойилларини ишлаб чиқишда ҳисобга олинади.

Хулоса қилиб айтганда, Ўзбекистоннинг энг янги тарихининг долзарб масалаларини ўрганиш манзарасининг қисқача таҳлили мамлакат олимлари томонидан бу соҳада муайян ишлар қилинганидан далолат беради. Бироқ, бу йўналишда олиб борилган ишларни ҳозирча етарли деб бўлмайди. Эҳтимол, бундай вазиятни биз Ўзбекистоннинг энг янги тарихининг энди шаклланаётган илмий соҳа эканлигини ҳисобга олган ҳолда, у ҳали тўла даражада мустақил институционал мазмун касб этмаганлиги билан изоҳлашимиз мумкин.

Шубҳасиз, буларнинг барчаси Ўзбекистоннинг энг янги тарихига доир илмий-тадқиқот ишларининг сифатига таъсир этмай қолмайди ва уларда ҳали ҳам жиддий камчиликлар мавжуд. Бундай камчиликлар жумласига қуйидагиларни киритиш мумкин:

— давлатимиз ҳаётининг охирги ўн йилликларида юз берган муҳим тарихий воқеа ва ҳодисаларнинг юзаки ва тизимсиз таҳлил қилиниши;

— масалага оид хорижий тарихшуносликни яхши билмаслик;

— манбавий асосининг заифлиги;

— ҳозирги замон тарихининг муҳим жиҳатлари бўйича муқобил манбаларнинг деярли мавжуд эмаслиги ва бошқалар.

Бугунги кунда илмий билимни назарий-методологик жиҳатдан қайта қуроллантиришнинг яққол намоён бўлаётган қирраси — бу ижтимоий фанлар орасидаги ортиқча тўсиқларни бартараф этишга интилишдир.

Шуни ҳам таъкидлаш лозимки, бизда ҳали фанлараро ёндашув асосига қурилган илмий-тадқиқот ишлари жуда оз.

Бундан ташқари, афсуски, ватанимизда Ўзбекистоннинг энг янги тарихининг турли жиҳатларини ўрганиш билан шуғулланаётган мутахассислар (тарихчилар, социологлар, сиёсатшунослар, файласуфлар, иқтисодчи олимлар, ҳуқуқшунослар)нинг тарқоқлигини, уларнинг фаолиятини мувофиқлаштириш ўта заиф эканлигини кўрсатиш мумкин.

Айни вақтда, бугун илмий гуманитар ҳамжамият вакилларининг ҳамкорлигисиз ва биргаликда сарфланадиган куч-ғайратисиз ҳозирги замон тарихининг зиддиятли ва динамик ривожланиб бораётган жараёнларининг моҳияти ва мазмунини тушуниш мураккаблигини кўпчилик англаб етмоқда.

Шундай қилиб, Ўзбекистоннинг энг янги тарихига оид масалалар мажмуаси ҳамда илмий идрок этиш соҳасида мавжуд муаммолар аста-секин ўз ечимини топади, деб умид қилишга бизнинг барча асосларимиз бор, зеро бизда бундан бошқа муқобил йўл йўқ.

*Р. АБДУЛЛАЕВ*

## ЎЗБЕКИСТОННИНГ ЭНГ ЯНГИ ТАРИХИНИ ЎРГАНИШНИНГ АЙРИМ ДОЛЗАРБ МАСАЛАЛАРИ

Мақолада Ўзбекистон энг янги тарихининг долзарб масалаларини ўрганиш ҳолати таҳлил қилинган. Хусусан, охирги ўн йилликларда юз берган тарихий воқеа ва ҳодисаларни англаб етишда фанлараро ва мультидисциплинар ёндашувларнинг зарурати кўрсатилган. Шунингдек, трансформацион жараёнлар кечаётган замонавий тарихий воқеликнинг характери ва хусусиятларини очиб берувчи тадқиқот мавзуларини яхлитликда таҳлил этиш лозимлиги асосланган.

*Калит сўзлар*: демократик давлат, ижтимоий фанлар, мафкура, методология, мустақиллик, муқобил, интеграция, тадқиқот, фанлараро ёндашув, энг янги тарих, Ўзбекистон.

*Р. АБДУЛЛАЕВ*

## НЕКОТОРЫЕ АКТУАЛЬНЫЕ ВОПРОСЫ ИЗУЧЕНИЯ НОВЕЙШЕЙ ИСТОРИИ УЗБЕКИСТАНА

В статье освещены состояние и перспективы изучения актуальных вопросов новейшей истории Узбекистана в контексте современных концептуальных направлений отечественной исторической науки, в частности, связанных с междисциплинарными и мультидисциплинарными подходами в осмыслении узловых исторических сюжетов и событий последних десятилетий. Также обоснована необходимость комплексного анализа значимых исследовательских тем, раскрывающих характер и особенности трансформационных процессов современной исторической действительности.

*R. ABDULLAEV*

## SOME TOPICAL ISSUES OF STUDYING THE CONTEMPORARY HISTORY OF UZBEKISTAN

The article analyses the perspectives and conditions of studying the urgent issues of the contemporary history of Uzbekistan in the context of modern conceptual directions of the national history, which are, in particular related with interdisciplinary and multidisciplinary approaches in interpretation of historical chapters and events of the last decades. Also, it substantiates the necessity of the comprehensive analysis of significant research topics that reveal the character and features of transformation processes of contemporary historical realities.

*А. АШИРОВ*

# ЎЗБЕКИСТОН ЭТНОЛОГИЯ ФАНИ МУСТАҚИЛЛИК ЙИЛЛАРИДА

Мустақиллик йилларида этнология соҳасида ҳам катта ютуқларга эришилди. Айнан бу йўналишда олиб борилган тадқиқотларга илмий холислик мезонлари асосида баҳо бериш жараёнида шуни ҳам таъкидлаб ўтиш зарурки, бу соҳадаги кўз илғамас муваффақиятларга ҳам маълум қийинчиликлар эвазига эришилди. Чунки совет тузумидан қолган оғир мерос сабабли мамлакат дунё ҳамжамиятининг ривожланган илмий-техник ва таълим йўналишларидан бирмунча ортда қолган эди. Айниқса, бу ҳолат ижтимоий соҳада, аниқроғи ижтимоий фанларда яққол намоён бўлди. Совет даврида ижтимоий фанлар бир-бирига қарама-қарши бўлган икки қутбга: совет ва ғарб фанига бўлинган эди. Ғарб фани дейилганда, собиқ Иттифоқ қарашларига номутаносиб бўлган барча хорижий мамлакатлар тарихшунослиги тушунилган. Шубҳасиз мазкур гуруҳлараро ўзаро зиддият бўлиб, бу қарама-қаршиликлар асосан методологик қарашларда, илмий ёндашувда ва ғоявий асосланишда намоён бўлган. Қолаверса, илгари халқлар ҳаётини ўрганувчи фан «этнография» деб юритилар ва мазкур йўналишда олиб борилган тадқиқотларда у ёки бу этнос (этник бирлик)га оид бўлган материалларни йиғиб, тўплаш, тизимлаштиришга ва турли халқлар ҳаётини тавсифлашга оид тадқиқотларга эътибор қаратилган эди. Ўтган йиллар мобайнида этнологиянинг кўплаб бошқа фанлар билан доимий алоқасининг самараси сифатида этнопсихология, этнолингвистика, этнодемография, этнофольклористика каби янги йўналишлар пайдо бўлди ва энг муҳими фаннинг номи ҳам «Этнология» деб ўзгартирилди. Натижада нафақат тадқиқот объекти ва предметига, балки унинг методлари ҳамда назарияларига ҳам янгича қараш шаклланди. Айнан шундай қарашлар асосида «этномаданий жараёнлар», «этнослараро жараёнлар», «замонавий жамиятда миллий-этник жараёнлар», «этнослараро коммуникация», «гендер муаммолари» ва этнологиянинг бошқа замонавий йўналишларида кўплаб тадқиқотлар бажарилди[1]. Шунингдек, мустақиллик йилларида халқимиз моддий ва маънавий маданияти, оилавий ва жамоавий ҳаёти, диний эътиқодлари ва

---

[1] Абдуллаев Ш. Этносоциальные и этнополитические процессы в Ферганской долине (основные проблемы, тенденции и противоречия. 70–80 гг. XX в). Автореф. дис. докт. ист. наук. Ташкент, 1994; Абдуллаев У. Фарғона водийсида этнослараро жараёнлар (XIX–XX аср бошлари). Тошкент: Янги аср авлоди, 2005; Маманазаров Н. Мустақиллик ва миллий этник жараёнлар. Тошкент, 2004; Мустақиллик йилларида мазкур соҳада бажарилган тадқиқотлар таҳлили бўйича батафсилроқ *қаранг*. Дониёров А. Мустақил Ўзбекистон этнографияси тарихшунослигининг айрим масалалари. Тошкент, 2003; Аширов А. Ўзбек халқи этнологияси мустақиллик йилларида: ютуқлар, муаммолар ва уларнинг ечимлари // «Ўзбекистон этнологияси: янгича қарашлар ва назарий-методологик ёндашувлар» мавзусидаги халқаро илмий анжуман материаллари. Тошкент, 2004. 24–32-б.

маросимларни тадқиқ этиш борасида жиддий тадқиқотлар бажарилиши билан бирга фанда анъанавий қўни-қўшничилик анъаналари, этносларaро жараёнларни тадқиқ қилишга қаратилган янги йўналишларга асос солинди. Бажарилган тадқиқотларнинг самараси ўлароқ қатор монографиялар ва рисолалар эълон қилинди[2]. Хуллас, ўтган тарихан қисқа давр мобайнида этнология йўналишида эришилган энг муҳим натижалар тарзида тадқиқот мавзуларининг кенгайгани ва илмий самарадорликнинг ошганлигини кўрсатишимиз мумкин.

Тарихдан маълумки, ҳар бир халқ миллий уйғониш ибтидосида ўзининг келиб чиқиш тарихини, қадимий давлатчилик анъаналари ва маънавий қадриятларини билишга эҳтиёж сезади. Шу маънода айтиш жоизки, мустақилликнинг дастлабки йилларидан бошлаб халқимизнинг этник тарихи ва этногенезига кенг миқёсда қизиқиш уйғонди. Академик олим ва устоз К. Шониёзов таъкидлаганларидек, истиқлолга эришилгандан сўнг ўзбек халқи ва давлатчилик тарихи фақат илмий муаммо бўлибгина қолмасдан, миллий мафкуранинг ҳам таркибий қисми сифатида тадқиқ қилина бошланди. Муаллифлар масалани тўғри кўтариб чиққан бўлсалар-да, лекин этник назарияга эътибор бўлмаганлигидан қўйилган масалани тўғри ҳал қилиб беролмаганлар.

Эътиборли томони шундаки, юқорида зикр этилган тадқиқотларда ўзбек халқининг этногенези, этник тарихи ва миллий давлатчилик тарихи бўйича ёзма манбалар, археологик ва этнографик материаллардан олинган янги маълумотларнинг илмий муомалага олиб кирилиши натижасида ўзбек халқи ва унинг 3 минг йиллик тарихга эга давлатчилик тарихи илмий жиҳатдан асосланди. Яна бир муҳим ҳолат бу юртимиз олимларининг жиддий изланишлари натижасида турли илмий мунозараларда ҳамон учраб келаётган ўзбеклар XVI асрда пайдо бўлган деган ғайриилмий ақидага тўлалигича барҳам берилди.

Мустақиллик йилларида ўзбек халқи этногенези ва этник тарихи йўналишида бажарилган тадқиқотлар таҳлилида тўхталадиган бўлсак, авваламбор, этнолог олим Карим Шониёзовнинг тадқиқотларини келтириб ўтиш ўринлидир. Устоз машҳур фан арбоби бўлиши билан бирга ўзбек халқи этнологиясига тамал тошларини қўйган олимлардан биридир. Этнолог олима З. Арифхонова у кишининг фандаги хизматлари ҳақида «ўзбек этнологиясида Карим Шониёзовдек Ўрта Осиё халқларининг этник тарихи бўйича ҳар томонлама кенг билимга эга бошқа тадқиқотчи йўқ» деганларида мутлақо ҳақ эдилар[3].

---

[2] Биз бу ўринда нашр этилган адабиётларнинг барчасини таъкидлаб ўтишнинг имкони бўлмаганлиги боис уларнинг айримларинигина келтириб ўтамиз. *Қаранг*: Исмоилов Ҳ. Ўзбек тўйлари. Тошкент: Фан, 1994; Бўриев О. ва бошқ. Ўзбек оиласи тарихи. Тошкент: Ўқитувчи, 1995; Насриддинов Қ. Ўзбек дафн ва таъзия маросимлари. Тошкент: Мерос, 1996; Шониёзов К. Ўзбек халқининг шаклланиш жараёни. Тошкент: Шарқ, 2001; Жабборов И. Ўзбеклар анъанавий турмуши ва маданияти. Тошкент, 2004; Аширов А. Ўзбек халқининг қадимий эътиқод ва маросимлари. Тошкент: Ўзбекистон Миллий кутубхонаси, 2007.

[3] Арифхонова З. Карим Шаниязов // Этнографическое обозрение 2002. № 4.

Академик Карим Шониёзов минтақада илк бора Ўрта Осиёдаги этник жараёнларнинг тарихий негизларига асосланиб, ўзбек халқининг шаклланиш жараёнининг назарий методологик концепциясини ишлаб чиққан ва бундай мураккаб этник жараёнлар борасидаги методологик қарашларини «Ўзбек халқи этногенезининг айрим назарий масалалари» ва «Ўзбек халқи шаклланиш жараёнининг айрим масалалари» каби мақолаларида батафсил баён қилиб берган[4]. Муаллифнинг кенг тарихий маълумотлар, қўлёзма манбалар ва дала этнографик материаллар асосида ёзилган «Ўзбек қорлуқлар» номли китобида ўзбек халқининг сиёсий, маданий ва этник муҳитида муҳим роль ўйнаган қорлуқлар этник гуруҳи ва Қорлуқ давлати тарихи ёритиб берилган бўлса, академик олимнинг қарийб ярим асрлик илмий фаолиятининг якуний маҳсули бўлган «Ўзбек халқининг шаклланиш жараёни» номли фундаментал монография этногенез ва этник тарих муаммоларини ёритишдаги маълум бир бўшлиқни тўлдирувчи муҳим қўлланма ҳисобланади. Мазкур асарда мавзунинг кўпгина жиҳатлари тарих фанида илк маротаба ёритилган ва муаллиф томонидан ўзбеклар этногенези ва этник тарихига оид янги илмий қарашлар, қатор назарий масалалар баён қилинганлиги билан ажралиб туради[5]. Умуман олганда, Карим Шониёзов ўзбек халқи этногенези, ўзбек халқининг шаклланиш жараёни муаммосини илмий равишда ёритиб бера олди.

Этногенез ва этник тарих муаммоларини тадқиқ қилишда нафақат этнолог олимларнинг, балки шарқшунос, тилшунос, файласуф олимларнинг ҳам хизматлари катта эканлигини таъкидлаш жоиз. Бу борада шарқшунос олимларнинг бажарган тадқиқотлари алоҳида эътиборга сазовор бўлиб, тадқиқотчилар томонидан хитой, қадимги туркий битиктошлар ва араб тилидаги манбалар асосида Марказий Осиёдаги турли хил қабила ва уруғлар этногенези, уларнинг этник жараёнлардаги иштироки ҳамда ўзбек халқининг шаклланишидаги роли таҳлил этилган[6].

Мустақиллик йилларида ўзбек халқининг этник тарихи ва этногенезининг назарий-методологик муаммоларига бағишлаб академик А.А. Асқаров ва этно-

---

4 *Қаранг*: Шониёзов К. Ўзбек халқи шаклланиш жараёнининг айрим масалалари // Ўзбекистонда ижтимоий фанлар. 1996. № 6. 79–87-б.; Ўша муаллиф. Ўзбек халқи этногенезининг айрим назарий масалалари // Ўзбекистонда ижтимоий фанлар. 1998. № 6. 31–44-б.

5 Шониёзов К. Ўзбек халқининг шаклланиш жараёни. Тошкент: Шарқ, 2001.

6 *Қаранг*: Хужаев А. Из истории древних тюрков (сведения древнекитайских источников). Ташкент, 2010; Ўша муаллиф. Фарғона тарихига оид маълумотлар: қадимги ва илк ўрта аср Хитой манбаларидан таржималар ва уларга шарҳлар. Фарғона: Фарғона, 2013; Маликов А. Узбеки группы кунграт долины Зерафшана в XIX — начале XX в. Самарканд, 2007; Мамадалиев Ҳ. IX–XII асрларда Ўрта Осиёда этник ҳолат (араб тилидаги манбалар маълумотлари асосида). Тарих фанлари номзоди илмий даражасини олиш учун ёзилган дисс. автореферати. Тошкент, 2010; Ўзбекистон халқларининг ўзаро этник ва маданий алоқалари. Тошкент: Yangi nashr, 2011.

лог олим У. Абдуллаев томонидан қатор тадқиқотлар эълон қилинди[7]. Хусусан, академик А. Асқаров томонидан охирги йилларда чоп этилган «Ўзбек халқининг келиб чиқиш тарихи» номли фундаментал монографияда ўзбек халқининг этногенези ва этник тарихи ҳамда ўзбек миллатининг шаклланиш жараёни, этногенез ва этник тарихга оид термин ва иборалар шарҳи, назарий методологик қарашлар таҳлили баён қилинди[8].

Айнан истиқлол йилларида этногенез ва этник тарихни ўрганиш борасида академик тадқиқотлар билан бирга қатор ўлкашунос муаллифларнинг ишлари ҳам чоп қилинди[9].

Бу нашрларнинг аксарияти бадиий-публицистик руҳда ёзилган бўлиб, муаллифлар халқ тарихига бўлган чексиз қизиқиш туфайли ҳам ўзбеклар этногенези ва этник тарихи масаласига мурожаат қилишди. Лекин баъзи ҳолларда манбавий асосларсиз халқимиз тарихини қадимийлаштиришга ҳаракат қилинган. Қолаверса, муаллифлар ўз қарашларининг тасдиғи тарзида халқ тарихи билан боғлиқ мифологик мазмундаги ривоят ва афсоналарни ёки эҳтирослар асосида публицистик фикрларни баён қилган ва хорижда, хусусан, Россия ва Туркияда чоп қилинган адабиётлардан иқтибос қилиш билан чегараланган.

Мамлакатимиз этнологлари мустақиллик йилларида хорижий илмий тадқиқот муассасалари билан изчил илмий ҳамкорлик олиб бормоқда. Истиқлол шарофати билан ўзбек халқ этнографиясини ўрганиш соҳасида қатор халқаро илмий лойиҳалар амалга оширилди ва бу йўналишда АҚШ, Германия, Франция, Япония, Жанубий Корея, Туркия, Марказий Осиё республикалари этнологлари билан илмий ҳамкорлик ишлари олиб борилди. Чунончи, 2011 йилда ЎзР ФА Тарих институти олимлари Россия ФА «Этнология ва антропология» институти билан ҳамкорликда «Халқлар ва маданиятлар» туркумида «Ўзбеклар» номли йирик фундаментал монография (70 босма табоқ) чоп қилишди[10]. Мазкур нашр ўзбекистонлик ва россиялик олимларнинг истиқлол йилларида олиб борган тадқиқотларининг ўзига хос сарҳисоби бўлиб, унда ўзбек халқининг этник тарихи, хўжалик анъаналари, моддий ва маънавий маданияти, оилавий ва жамоавий ҳаёт тарзи каби халқимизнинг ўзлигини кўрсатувчи ўзига хос

[7] Асқаров А. Ўзбек халқи этногенез ва этник тарихининг баъзи бир назарий ва илмий методологик асослари // O'zbekiston tarixi. 2002. № 4. 54–60-б.; Абдуллаев У. Этнологиянинг баъзи бир назарий масалалари // O'zbekiston tarixi. 2002. №1. 60–65-б.

[8] Асқаров А. Ўзбек халқининг келиб чиқиш тарихи. Тошкент: Ўзбекистон, 2014.

[9] Иброҳимов А. Биз ким, ўзбеклар. Тошкент, 1999; Санақулов У. Ўзбек халқи ва тилининг этногенези ва этник қатламлари. Самарқанд, 2010; Шукуров А. «Ўзбек» атамасининг келиб чиқиши ҳақида. Қарши: Насаф, 2010; Ўша муаллиф. «Т» товушининг товланиши. Тошкент: Чашма принт, 2012; Носиров Ў. Ўзбеклар шажараси. Тошкент: Extremum press, 2011; Ҳайдаров Б. Ўзбекчилик. Тошкент: Noshir, 2012.

[10] Узбеки. Москва: Наука, 2011.

миллий қирралари комплекс тарзда ёритиб берилган. Энг муҳими бу китобнинг нашр этилиши дунё ҳамжамиятига ўзбекларнинг кеча ёки бугун пайдо бўлган халқ эмас, балки кўп минг йиллик тарихий анъаналари ва миллий қадриятларига эга халқ эканлигини яна бир бор исботлаб берди. Қолаверса, бу юртимизда этнология фани жаҳон фани билан ўзаро уйғун тарзда ривожланаётганининг далолатидир. Яна шуни алоҳида қайд этиш жоизки, айнан мустақиллик йилларида хориждаги йирик ривожланган илмий Марказлардан ўзбек халқини ўрганиш мақсадида тадқиқотчи олимлар ташриф буюриб, баъзилари маҳаллий этнологларнинг илмий раҳбарлигида тадқиқот ишлари олиб бормоқда. Бу маънода ҳам айнан Тарих институтидаги тадқиқотчилик (стажировка) тизимида Англия, Бельгия, Жанубий Корея, АҚШ, Франция, Туркия, Япония каби мамлакатлардан келган мутахассисларнинг ўзаро ҳамкорликда тадқиқотлар олиб бориши яхши бир анъана тусини олди.

Ўтган йиллар давомида қатор хорижий илмий марказларда олиб борилган илмий тадқиқотларнинг натижаси сифатида ўзбек халқи этнологиясига оид 20 га яқин илмий ишлар ҳимоя қилинди ва қатор илмий нашрлар эълон қилинди[11]. Юртимиз этнологлари ва кўплаб бошқа соҳа мутахассислари учун бундай ҳамкорликни амалга ошириш ушалмас орзу эди.

Энди эса бевосита мустақиллик йилларида этнография ва этнология йўналишида бажарилган диссертацион тадқиқотлар тўғрисида сўз юритсак. Мустақиллик даврига қадар ҳам республикада этнография йўналишида қатор тадқиқотлар ва илмий изланишлар олиб борилган бўлса-да, лекин диссертациялар ҳимоялари марказдагина бажарилар эди. Мустақиллик қўлга киритилгандан кейинги ўтган давр мобайнида республикамизда этнология йўналиши бўйича 30 га яқин диссертациялар ҳимоя қилинди. Ҳимоя қилинган диссертациялар мавзулари кенг бўлиб, республикамизнинг турли тарихий-этнографик минтақалари мисолида бажарилганлиги билан алоҳида ажралиб туради. Жумладан, Фарғона водийси, Хоразм, Зарафшон, Нурота, Бухоро, Сурхондарё, Қашқадарё воҳаларининг оила ва оилавий турмуш маросимлари, маиший турмуш, жамоавий муносабатлар, хонаки ҳунармандчилик, шунингдек, қорақалпоқлар тарихининг этнографик жиҳатлари ёритилган илмий тадқиқотлар алоҳида ажралиб туради. Бу эса, ўз навбатида мазкур фан доирасида янги йўналишларнинг очилишига ва малакали ёш илмий кадрларнинг шакл-

---

[11] Edward A. Allworth The Modern Uzbeks. Standford, California. 1990.; Habiba Fathi. Femmes d'autorite dans l'Asie centrale contemporale. Paris, 2004.; Leonid Pavlovic Potapovs. Materialien zur Kulturgeschichte der Uzbeken aus den Jahren 1928–1930. Mit begleitenden Worten des Sammlers herausgegeben und eingeleitet von Jakob Taube Harrassowits Verlag. Wiesbaden, 1995.; Russell Zanka Fat and All That: Good Eating The Uzbek Way // Everyday Life in Central Asia :past and present /edited by Jeff Sahadeo and Russell Zanka. Blomington. 2007. V. 22.; During Jan, Khudoberdiev Sultonali. La voix du camane etude sur les baxshi Tadjiks et Ouzbeks. IFEAK-L'Harmattan, 2007.

ланишига кенг имкониятлар яратиб берди. Қолаверса, асосий илмий ишлар миллий қадриятлар ва анъаналарни тиклаш ғоясига асосланганлиги, ўзбек халқи этнографиясининг муаммоларига янгича руҳда ва тизимли ёндашув мавжудлиги билан ажралиб туради.

Умуман олганда, истиқлолнинг 25 йиллик даврида республикада этнологик йўналишда олиб борилаётган тадқиқотларнинг асосий ютуқлари қуйидагиларда мужассамлашган:

— аввало бу даврда этнологиянинг назарий-методологик муаммолари борасида дастлабки илмий тадқиқотлар амалга оширилди. Бунда тадқиқотчилар томонидан фаннинг нафақат назарий муаммолари, балки замонавий этнология мактаблари ва атамаларига оид янги материалларнинг эълон қилиниши ўзбек этнологларининг замон билан ҳамнафас тадқиқотлар олиб бораётганликларини кўрсатади[12];

— этногенетик жараёнлар доирасида ўзбек халқининг шаклланиш жараёни ва унинг назарий-методологик муаммоларига оид қатор фундаментал тадқиқотлар эълон қилинди;

— мутахассис олимлар нафақат тарихий-этнографик мавзудаги тадқиқотларни, балки дастлабки профессионал этнографлар каби «анъанавий замонавийлик»ни ва бугунги кунда муҳим деб эътироф этилаётган этномаданий ўзликни англаш, ижтимоий маданий инновациялар, трансформацион жараёнлар, замонавий жамиятнинг анъанавий ҳаётини ҳам ўрганишмоқда[13];

— этнологик йўналишда бажарилаётган тадқиқотларда анъанавий маданиятни тадқиқ қилишгагина эмас, балки замонавий полиэтник жамиятни ўрганиш, айниқса, анъанавий маҳалла институтининг замонавий жамиятда тутган

---

[12] Абдуллаев У. Этнос хўжалик фаолияти билан боғлиқ айрим назарий масалалар // Ўзбекистон этнологиясининг назарий-методологик муаммолари. Тошкент, 2014. 58–66-б.; Хан В. Об одной экспедиции по изучению когнитивных процессов в Средней Азии и истоках кросс-культурных исследований // Ўша асар. 97–104-б.; Аширов А., Хўжахонов И. Этник феномен масаласидаги айрим илмий хабарлар // ФарДУ илмий хабарлари. 2015. № 1. 64–68-б.; Марказий Осиё тарихи, археологияси ва этнологиясининг муаммолари. Тошкент, 2015.

[13] Социальная жизнь народов Центральной Азии в первой четверти XX века: традиции и инновации. Ташкент, 2009; Ўзбекистон халқининг дини, маданияти ва урф-одатлари: тарих ва ҳозирги ҳолати. Тошкент: Yangi nashr, 2011; Расулова З. Ўзбекларнинг никоҳ тўйигача бўлган маросимлари (қалин бериш одати мисолида). Тошкент, 2009; Пайзиева М. Ўзбекларнинг анъанавий ва замонавий мотам маросимлари (Тошкент шаҳри мисолида). Тошкент: Yangi nashr, 2014; Ўзбекистон халқларининг ўзаро этник ва маданий алоқалари. Тошкент: Yangi nashr, 2011; Бўриев О. Ўзбек халқининг боқий қадриятлари. Тошкент, 2011. Мустақиллик йилларида ўзбекларнинг миллий ўзликни англаши ва менталитети. Тошкент: Адабиёт учқунлари, 2015; Миндон ва миндонликлар. Тошкент: Yangi nashr, 2015; Қаюмов А. XX аср бошларида Ўзбекистон ҳудудида этник ҳолат. Тошкент: Адабиёт учқунлари, 2015.

ўрни, маҳалла тизимида замонавий этномаданий жараёнларнинг ролига катта эътибор қаратилмоқда[14]. Мазкур йўналишда Тошкент маҳаллалари бўйича олиб борилган тадқиқотлар натижаларини дастлабки ютуқлар сифатида қайд этиш мумкин[15]. Бу ўринда шуни ҳам алоҳида таъкидлаб ўтиш керакки, сўнгги йилларда жаҳон миқёсида этнологик йўналишда изланаётган тадқиқотчилар нафақат архаик турмуш тарзи юритган халқларни, балки замонавий индустрлашган халқлар ва маданиятларни ҳам тадқиқот объекти сифатида ўрганишга жиддий эътибор қаратмоқда. Шунингдек, турли тарихий-этнографик маконларга хос маданиятлар ҳам тадқиқотчилар диққатини тортмоқда[16];

— замонавий этнологиянинг тадқиқот мавзуси ва ўрганиш майдони анча кенг бўлиб, унга яқин бўлган социология, маданиятшунослик, психология, антропология, фольклоршунослик каби фанлар билан ўзаро туташиши натижасида этнопсихология, этномаданият, этнофольклористика, этносоциология каби янги соҳалар пайдо бўлди ва ушбу йўналишлар республикамизнинг бир қатор олий ўқув юртларида махсус фан сифатида ўқитилмоқда. Уларнинг айримлари бўйича ўқув қўлланмалари ҳам яратилди[17];

— истиқлол йилларида республикамизда этнологиянинг долзарб мавзуларига бағишланган илмий анжуманлар ҳамда фестивалларни ўтказиш яхши бир анъанага айланди. Бу борада «Академик Карим Шониёзов ўқишлари» туркумида доимий фаолият кўрсатувчи илмий анжуманнинг ташкил этилганлиги ва мазкур конференция материалларининг мунтазам нашр этиб борилаётганлиги

---

[14] Бўриев О. Ўзбек маҳалласи. Тошкент, 2013.

[15] Бу борада батафсилроқ қаранг: Тошкент маҳаллалари: анъанавийлик ва замонавийлик (Тарихий-этнографик тадқиқот). Тошкент: Янги аср авлоди, 2002; Современные этнокультурные процессы в махаллях Ташкента. Ташкент: Фан, 2005; Арифханова З., Зунунова Г. Обрядово-ритуальная жизнь узбеков Ташкента в условиях независимости (на русском и английском языках). Ташкент, 2006; Этнокультурные процессы в современном полиэтническом городе. Ташкент, 2010.; Зунунова Г. Материальная культуры узбеков Ташкента: трансформация традиций. Ташкент, 2013.

[16] Давлатова С. Қашқадарё миллий кийимлари: анъанавийлик ва замонавийлик. Тошкент: Янги аср авлоди, 2006; Бўриев О., Очилов А. Қашқадарё воҳаси этномаданий қадриятлари. Тошкент: Yangi nashr, 2013; Зунунова Г. Материальная культура узбеков Ташкента: трансформация традиций. Ташкент: EXTREMUM PRESS, 2013.

[17] Этномаданият. Ўқув қўлланма. Тошкент: Адолат, 2003; Жабборов И. Жаҳон халқлари этнологияси. Ўқув қўлланма. Тошкент, 2005.; Аширов А., Атаджанов Ш. Этнология. Ўқув қўлланма. Тошкент: Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Миллий Давлат кутубхонаси, 2007; Дониёров А., Аширов А., Бўриев О. Марказий Осиё халқлари этнографияси, этногенези ва этник тарихи. Тошкент: Янги нашр, 2011; Ashirov A. Etnologiya. O'quv qo'llanma. Toshkent: Yangi nashr, 2014.

ҳам амалга оширилаётган ижобий ишларнинг натижаси деб айтиш мумкин[18]. Лекин соҳада қатор ютуқларга эришилганига қарамай ҳали-ҳануз ечилиши лозим бўлган муаммолар мавжудки, уларни четлаб ўтиб маълум бир ижобий натижаларга эришиш мумкин эмас.

Замонавий ўзбек этнологияси олдидаги муаммолар тўғрисида фикр юритадиган бўлсак, аввало шуни таъкидлаш керакки, ҳануз айрим тадқиқотлар тавсифий характер касб этмоқда. Этнологик йўналишда бажарилган ҳар қандай тадқиқот маълум бир амалий аҳамиятга эга бўлиши ва унинг натижаларидан бугунги ва эртанги кун амалиётида фойдаланиш зарур. Қолаверса, ўзбек этнологияси ривожланган мамлакатлар фани билан ҳамоҳанг тараққий этган ҳолда ўзига хос ва мос мактаблари, концепциясига эга бўлмоғи керак. Методологик муаммоларга сифат жиҳатдан янгича ёндашувни ташкил этиш баробарида, анъанавий усуллар билан бирга ноанъанавий усуллардан ҳам фойдаланиш мақсадга мувофиқ. Назарий-методологик тадқиқотларга жиддий эътибор қаратилмас экан, бажарилган ҳар қандай тадқиқот ҳам амалий аҳамият касб этмайди ва илмий қимматга эга бўлмаган тавсифий тадқиқотдан нарига ўтмайди. Энг муҳими, бугуннинг замонавий муаммоларини этнолог тадқиқотчи нигоҳи билан тадқиқ қилиш, олиб борилган ҳар бир тадқиқот жамиятнинг маълум бир соҳаси учун амалий натижа бермоғи лозим. Шундагина этнологик тадқиқотларга жамиятда қизиқиш ортади ва унинг амалий аҳамияти ошади.

Республикамизда этнос назарияси, этногенез ва этник тарихга бағишланган сифат жиҳатидан юқори илмий хулосаларга асосланган тадқиқотларни яратиш зарур. Юқорида «Ўзбек халқи этногенези ва этник тарихи» муаммоси бўйича маълум ишлар қилинганлиги ҳақида тўхталган эдик. Лекин шунга қарамай ушбу муаммо ҳамон мамлакатимиз олимлари олдида турган энг долзарб муаммолардан бирилигича қолмоқда ва бу масала археолог, манбашунос, антрополог, этнограф, тарихчи, тилшунос ва бошқа соҳа олимларининг жамоавий фикр-мулоҳазаларини кутмоқда. Бу борада биринчи қадам сифатида мамлакатимизда ва чет элларда этногенез бўйича мавжуд барча адабиётларни имкон қадар ўрганиб чиқиш, махсус таҳлил этиш ва бу таҳлилга энг янги археологик, манба-

---

[18] Бу борада батафсилроқ *қаранг*: Ўзбекистон этнологияси: янгича қарашлар ва назарий-методологик ёндашувлар. ЎзР ФА академиги Карим Шониёзов таваллудининг 80 йиллигига бағишланган халқаро анжуман материаллари. Тошкент, 2004; Марказий Осиёда анъанавий ва замонавий этномаданий жараёнлар. 1–2-қисмлар. «Карим Шониёзов ўқишлари» туркумидаги халқаро илмий анжуман материаллари. Тошкент, 2005; Ўзбекистон этнологиясининг долзарб муаммолари. «Карим Шониёзов ўқишлари» туркумидаги IV Республика илмий-амалий конференция материаллари. Наманган, 2007; Этнос ва маданият: анъанавийлик ва замонавийлик. «Академик Карим Шониёзов ўқишлари» туркумида этнологларнинг V республика илмий конференцияси материаллари. Тошкент: Фан, 2010; Ўзбекистон этнологиясининг назарий-методологик муаммолари. «Карим Шониёзов ўқишлари» туркумидаги VI Республика илмий-амалий конференция материаллари. Тошкент: Наврўз, 2014.

шунослик, нумизматик, тилшунослик, этнографик ва бошқа маълумотларни қўшиш лозим. Тадқиқотчилар томонидан ўзбек халқи генеологияси, этнодемографияси, этнопсихологияси, миллий менталитетига ва умуман олганда, этнос муаммоси билан чамбарчас боғлиқ тадқиқотларга, шунингдек, этник жараёнларнинг назарий-методологик концепцияларини шакллантириш, маданий антропология, этноэкология каби йўналишларга жиддий эътибор қаратиш ҳамда махсус этнологик луғатларни нашр этиш мақсадга мувофиқ.

Этнология фанининг асосий тадқиқот объектларидан бири бўлган моддий ва маънавий маданият кўринишлари, халқнинг анъанавий турмуш тарзи билан боғлиқ маросимлар ва урф-одатларни тавсифий этнографик тарзда ёритишдан чекинган, маълум бир назарий-методологик концепцияга асосланган ҳолда уларнинг генезиси, ўзига хос хусусиятлари ва туб моҳиятини очиб беришга эътибор берган ҳолда этнологик нуқтаи назардан тадқиқ этиш зарур.

XX асрда ижтимоий-сиёсий ҳаётда бўлган ўзгаришлар турли этник гуруҳлар ва этносларнинг ҳамда турли маданиятларнинг ўзаро қоришуви жараёни юз беришига олиб келди. Ўзаро этномаданий алоқаларнинг кучайиши эса ўз навбатида республикамиз ҳудудида яшовчи этнографик гуруҳлар ва турли миллий диаспораларнинг моддий ва маънавий маданиятида туб ўзгаришларга сабаб бўлди, дейиш мумкин. Шунинг учун ҳам бугунги кунда миллий-этник, этносиёсий, этноижтимоий, этномаданий муносабатлар мавзусида жиддий этнологик тадқиқотларни амалга ошириш соҳадаги кечиктириб бўлмас илмий вазифалардан бири бўлиб қолмоқда. Бу ишни, аввало, турли этнослар ва диаспоралар зич яшаётган этнослараро алоқалар, этномаданий ўзаро таъсир ва маданиятларнинг бир-бирига кириб бориши; миллий хусусият ва менталитет; этнослараро зиддиятлар ва низолар сабаблари ва уларнинг эҳтимоли; миллатчилик ва миллий сепаратизм; миллий сиёсат ва ҳоказо каби долзарб мавзулардан бошлаш муҳим амалий аҳамият касб этади[19].

Олий ўқув юртларида этнология фани ўқитилишини сифат жиҳатдан такомиллаштириш ва бу соҳада тадқиқот олиб бораётган назариётчи олимлар билан амалиётчи педагоглар ўзаро ҳамкорликда янгича руҳдаги дарсликлар яратишлари лозим. Бу соҳада, айниқса, ғарбда кенг расм бўлган маданий антропология ёки ижтимоий антропологияга оид дарсликлар ва ўқув қўлланмаларидан ҳам бевосита фойдаланиш керак. Энг муҳим ишлардан яна бири мазкур соҳа учун университетлар ўқув дастурларидаги дарс соатларини кўпайтириш ва ижти-

[19] Ўзбекистонда яшовчи турли диаспоралар этнологиясига оид тадқиқотлар ҳақида батафсилроқ *қаранг*: Т е н М. Современная этнокультурная идентичность корейцев Узбекистана: по данным социологического исследования. Ташкент: Extremum-Press, 2013. 124 с.: Хан В. Диаспорные среды. (По материалам г. Ташкент,а. Этносоциологические исследования 2000-2012 гг.) Ташкент: Тафаккур, 2014; Р а ж а б о в Р. Ўзбекистондаги араблар тарихи ва этнографияси. Тошкент: Шарқ, 2012; С а у р о в М. Дунганская семья. Ташкент, 2015; В а л и х о н о в а Г. Фарғона водийси уйғурлари: турмуш тарзи ва маданияти. Тошкент: Yangi nashr, 2013.

моий фанларга ихтисослаштирилган университет ва институтларда «Этнология ва антропология» кафедралари ёки илмий марказларини ташкил этиш ва этник антропология, этник социология, этнодемография, этноиқтисодиёт, этногеография, этнопедагогика, этнопсихология, этнолингвистика каби йўналишларда махсус курслар ташкил этиш зарур.

Глобаллашув даврида миллий муносабатлар энг муҳим муаммолардан бирига айланаётган бир пайтда полиэтник жамиятни, унда кечаётган миллий-этник муносабатларни, унинг тарихий асосларининг бугунги ҳолати ҳамда истиқболларини этнологик йўналишда комплекс тадқиқ қилиш муҳим аҳамиятга эгадир. Қолаверса, Ўзбекистон ҳудудидаги нафақат турли этник ёки этнографик гуруҳларни ўрганиш, балки турли ижтимоий гуруҳларнинг ва турли маданий муҳитлар мулоқотининг жамият ҳамда халқлар турмушига таъсирини ҳам тадқиқ қилиш керак.

*А. АШИРОВ*

## ЎЗБЕКИСТОН ЭТНОЛОГИЯ ФАНИ МУСТАҚИЛЛИК ЙИЛЛАРИДА

Мазкур мақолада замонавий ўзбек халқи этнологиясининг Ўзбекистон мустақиллик йилларидаги ҳолати илмий таҳлил қилинган. Бу даврда бажарилган этнологик тадқиқотлар, хусусан, ўзбек халқининг этногенези ва этник тарихи, этномаданият ва миллий қадриятларга бағишланган илмий ишлар тарихшунослик нуқтаи назаридан ўрганилган. Мақолада мустақиллик даврида ўзбек халқи этнологияси соҳасида эришилган энг муҳим ютуқлар билан айрим муаммолар ҳамда уларнинг ечимлари борасида ҳам амалий таклифлар билдирилган.

*Калит сўзлар*: мустақиллик, ўзбек халқи, этнология, этногенез, этник тарих, этномаданият, этнослараро жараёнлар, этниклик, анъана, маросимлар, маҳалла, полиэтник жамият, этнографик тадқиқотлар, илмий нашрлар.

*А. АШИРОВ*

## ЭТНОЛОГИЧЕСКАЯ НАУКА УЗБЕКИСТАНА В ГОДЫ НЕЗАВИСИМОСТИ

В статье дана оценка этнологической науке в Узбекистане в период независимости. Научные работы по этнологическим исследованиям, в частности, этногенезу и этнической истории узбекского народа и этнокультуре изучены с точки зрения историографии. Описаны наиболее важные успехи и некоторые проблемы в области этнологии узбекского народа, даны практические предложения по их решению.

*A. ASHIROV*

## ETHNOLOGY OF THE UZBEK PEOPLE DURING THE INDEPENDENCE PERIOD

The article analyzes the current state of ethnology of the Uzbek people and evaluates the historical development of the ethnological discipline in Uzbekistan during the independence period. The scientific works on ethnological research, in particular, ethno-genesis and ethnic history of the Uzbek people, ethnic culture and national values are studied from the point of view of historiography.

## *ИЛМИЙ ҲАЁТ*

# «СОҒЛОМ ОНА ВА БОЛА: ИЖТИМОИЙ-МАДАНИЙ ЖИҲАТЛАР. ТАРИХ ВА ҲОЗИРГИ ЗАМОН» МАВЗУСИДАГИ ИЛМИЙ-АМАЛИЙ СЕМИНАР ҲАҚИДА

2016 йилнинг 4 май куни Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат бошқаруви академиясида Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги ҳузуридаги Ўзбекистоннинг энг янги тарихи масалалари бўйича Мувофиқлаштирувчи-методик марказ, Фанлар Академияси Тарих институти, Миллий ғоя ва мафкура илмий-амалий маркази ҳамда «Шарқ аёли» халқаро аёллар жамоат фонди билан ҳамкорликда ***«Соғлом она ва бола: ижтимоий-маданий жиҳатлар. Тарих ва ҳозирги замон»*** мавзусидаги илмий-амалий семинар бўлиб ўтди.

Семинарда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси депутати И. Зокиров «Соғлом она ва бола йили» Давлат дастури доирасида асосий норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни такомиллаштириш масалалари» деб номланган маърузаси билан иштирок этди. Ушбу маърузада мамлакатимизда оилани, оналик ва болаликни муҳофаза қилиш, аёллар манфаатларини ҳимоя қилиш, соғлом болани тарбиялашда уларнинг ролини ошириш, кучли, барқарор ва равнақ топаётган давлатнинг негизи сифатида оила институтини мустаҳкамлашга йўналтирилган қонунчилик ва норматив-ҳуқуқий базани янада такомиллаштириш масаласида белгиланган ва такомиллаштириш лозим бўлган қонун ҳужжатларини таҳлил қилди.

«Шарқ аёли» халқаро хотин-қизлар жамоат фонди раиси С.Г. Турсунбоева «Шарқ аёли» халқаро хотин-қизлар жамоат фондида дастур доирасида амалга оширилган ва келажакда қилиниши лозим бўлган ишлар режалари тўғрисида батафсил гапирди.

Ўзбекистоннинг энг янги тарихи масалалари бўйича Мувофиқлаштирувчи-методик марказ сектор мудири, с.ф.д. В. Қўчқоров «Соғлом она ва бола йили» Давлат дастурининг мазмун-моҳияти» мавзусидаги маърузасида асосий эътиборни Дастурнинг 11 та йўналиши ва амалга ошириш лозим бўлган чора-тадбирларга қаратиб, шунингдек, дастур доирасидаги ҳар бир соҳага алоқадор факт ва рақамлар таҳлилини келтириб ўтди.

Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги қошидаги Юристлар малакасини ошириш маркази катта ўқитувчиси, ю.ф.н. Г.С. Инамжанова «Ўзбекистонда она ва бола: ижтимоий муҳофазанинг ҳуқуқий асослари» номли маърузасида ҳозирги кунда Ўзбекистонда оналар ва болалар учун амалга оширилаётган ижтимоий муҳофазалар, шарт-шароитлар ва уларнинг қонуний мустаҳкамланганлигини ёритиб берди.

Тошкент педиатрия тиббиёт институтининг кафедра мудири, тиб.ф.д., проф. Ё.Н. Мажидова «Соғлом она ва бола ҳаётини таъминловчи тиббий

ёрдам асослари» мавзусидаги маърузасида «Соғлом она — соғлом бола» миллий моделини ҳаётга татбиқ этиш, оилада репродуктив саломатликни яхшилаш, ёшларни мустақил ҳаётга тайёрлаш, балоғат ёшига етмасдан турмуш қуриш ва қариндош-уруғлар ўртасидаги никоҳнинг олдини олиш, жамиятда соғлом турмуш тарзини шакллантириш каби бугунги кундаги энг долзарб масалалар тўғрисида гапириб, оналар ва болалар учун республикада амалга оширилаётган тиббий ёрдамларни ёритиб берди.

ЎзР ФА Тарих институтидан: т.ф.д. Д.А. Алимованинг «Оила соғлиги — жамият соғлиги», т.ф.н. Н.Ў. Хидированинг «Марказий Осиё халқлари маданиятида бола тарбияси масаласи: ўрта аср манбалари асосида», т.ф.н. Н.Ҳ. Азимованинг «Знания и практика матери по развитию ребенка», т.ф.н. Н.А. Мустафаеванинг «Соғлом оиланинг маънавий мезонлари», т.ф.н. Г.Ж. Ганиеванинг «Ўзбек оналари ҳаёти тажрибасидан: Андижон вилоятида ўтказилган интервью бўйича хулосалар» каби маърузаларида оиланинг жамият ҳаётидаги ўрни ва вазифаси, жамиятимизда она ва бола учун қилинаётган ишлар тарихий жиҳатдан таҳлил қилинди. Шу билан бирга, бугунги кун оилаларининг миллий анъаналар ва қадриятлар асосида шаклланганлигини, ўзбек оналарининг ҳаётий тажрибалари ва унинг тарбиядаги ўрни ҳамда соғлом оиланинг маънавий мезонлари тарихий фактлар асосида муҳокама қилинди. Оналик ва болалик масалалари тарихийлик нуқтаи назаридан ўрта аср манбалари асосида ёритиб берилди.

Миллий ғоя ва мафкура илмий-амалий маркази бош мутахассиси У. Сатторов «Соғлом она ва бола йили»нинг фалсафаси» мавзусидаги маърузасида бугунги кунда махсус дастур доирасида амалга оширилаётган ишларнинг маънавий-фалсафий жиҳатларини ёритиб берди.

Семинарда Оила илмий-амалий маркази, Ўзбекистон Миллий университети профессор-ўқитувчилари, Шарқ қўлёзмалари маркази мутахассислари иштирок этишди.

Семинар иштирокчилари маърузалар юзасидан савол-жавоблар, мавзулар муҳокамасида фаоллик билан иштирок этишди. Бунинг натижасида қатор масалаларга ойдинлик киритилди ҳамда фикрлар алмашилди. Оналик ва болаликнинг ташкилий-ҳуқуқий, тарихий, ижтимоий, маънавий-фалсафий жиҳатлари муҳокама этилган мазкур илмий-амалий семинарда ушбу йўналишда ҳали амалга оширилиши лозим бўлган қатор муҳим вазифалар юзасидан фикр ва мулоҳазалар билдирилди ҳамда бу борада ҳамкорликни давом эттиришга келишиб олинди.

***Д. Чориева***

# «ЎЗБЕКИСТОН ШАҲАРЛАРИНИНГ ЭНГ ЯНГИ ТАРИХИ: ИСЛОҲОТЛАР ВА МОДЕРНИЗАЦИЯ ЖАРАЁНЛАРИ» МАВЗУСИДАГИ ИЛМИЙ-АМАЛИЙ КОНФЕРЕНЦИЯ ҲАҚИДА

2016 йилнинг 29 июнь куни Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат бошқаруви академияси, Фанлар Академияси Тарих институти ҳамда Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги қошидаги «Ўзбекистонинг янги тарихи масалалари бўйича Мувофиқлаштирувчи методик марказ» билан ҳамкорликда «Ўзбекистон шаҳарларининг энг янги тарихи: ислоҳотлар ва модернизация жараёнлари» мавзусида илмий-амалий конференция ташкил этилди.

Конференцияда Тарих институтида 2012–2016 йилларда т.ф.д., проф. Д.Х. Зияева раҳбарлигидаги бир гуруҳ тадқиқотчилар «Ўзбекистон шаҳарлари тарихи: анъаналар, трансформация ва урбанизация жараёнлари» мавзусида амалга ошираётган фундаментал лойиҳа доирасидаги изланишлар натижалари муҳокама қилинди.

Хусусан, истиқлол йилларида Ўзбекистонда шаҳар маданиятининг ривожланиш йўналишлари, шаҳарсозлик сиёсати, шаҳарлар иқтисоди ва инфратузилмаларини ривожлантириш жараёнлари, шунингдек, шаҳарлардаги қурилиш ва бунёдкорлик масалалари турли соҳа вакиллари иштирокида муҳокама этилди. Зеро, замонавий шаҳарлар тараққиёти билан боғлиқ масалалар тадқиқи масалага фанлараро ёндашувни тақозо этади. Шу боис ушбу муаммоларни тадқиқ этишда турли соҳалар, хусусан, ҳуқуқшунослик, архитектура, иқтисод, география, статистика, социология, маданиятшунослик мутахассисликлари ҳамда тарихчи-олимларнинг яқиндан ҳамкорлиги объектив зарурият бўлиб, қўйилган масалаларни атрофлича ва чуқур тадқиқ ва таҳлил этиш имконини беради.

Конференцияда замонавий шаҳарлар классификацияси ва типологияси, уларнинг ўзига хос хусусиятларига алоҳида эътибор қаратилди. Ўзбекистонда замонавий шаҳарлар ўз функционал вазифаларига қараб кўп функцияли сиёсий-маъмурий марказлар (вилоят марказлари ва пойтахт шаҳарлар); кўп тармоқли йирик саноат марказлари; бир неча ёки бир саноат тармоғига ихтисослашган шаҳарлар; транспорт ва логистика марказлари; агроиндустриал шаҳарлар; рекреация шаҳарлари; илм-фан марказлари, университет шаҳарларига ажратилиши кўрсатиб ўтилди.

Шунингдек, Ўзбекистонда замонавий шаҳарлар тизимида маъмурий мақоми ва функцияларига кўра иқтисодий, маданий ва маъмурий марказлар (12 та вилоят ҳамда 157 та туман марказлари) билан бир қаторда кўп тармоқли йирик саноат марказлари (Тошкент, Андижон, Қўқон, Наманган), саноат тармоқлари бўйича ихтисослашган Бекобод, Ангрен, Оҳангарон, Чирчиқ, Муборак, Газли, Зарафшон, Тахиатош, Асака, Учқўрғон, Кувасой шаҳарлари, рекреация марказлари (Чорток, Чимён шаҳарчалари), илм-фан маркази (Тошкент шаҳридаги Улуғбек шаҳарчаси) алоҳида ўрин тутиши алоҳида қайд этилди.

Маърузаларда қайд этилишича, бугунги кунда замонавий шаҳар тараққиётида табиий, иқтисодий ва меҳнат ресурслари, илм-фан ва техника, коммуникация, логистика, транспорт тизими ва саноат соҳаларининг ривожи билан бир қаторда шаҳар манзараси, туризм имкониятлари, экологик ҳолат, хизмат кўрсатиш ва сервис соҳаларининг тараққиёти муҳим аҳамият касб этади. Бу муаммоларни ҳал этишда республикада аниқ мақсадларга йўналтирилган давлат дастурлари, Президент ва ҳукумат қарорларининг қабул қилиниши ва амалга оширилиши шаҳар маданиятини ривожлантиришда катта аҳамият касб этмоқда.

Конференцияда «Ўзбекистонда замонавий шаҳарсозлик сиёсати: ривожланиш хусусиятлари ва модернизация жараёнлари» номли маърузада шаҳар қурилиши билан боғлиқ масалалар мазкур ишларда бевосита иштирок этаётган архитекторлар томонидан, «Шаҳарлар иқтисодиётининг барқарор ривожланиши масалалари», «Эркин ва махсус иқтисодий зоналар тараққиёти» каби масалалар иқтисодчилар томонидан, «Шаҳарларда хизмат кўрсатиш ва сервис тизими тараққиёти», «Шаҳарларда ижтимоий-маданий инфратузилма тараққиёти» масалалари тарихчи олимлар томонидан, «Урбанизация ва агломерация масалалари» географ олимлар томонидан кенг маълумотлар асосида атрофлича таҳлил этилди.

Маърузачилар мустақиллик йилларида амалга оширилаётган шаҳарсозлик сиёсатида анъанавийлик ва модернизация жараёнлари уйғунлиги устувор ўрин эгаллаётганлигини алоҳида таъкидладилар. Шунингдек, шаҳарларда ижтимоий-маданий инфратузилма ҳамда хизмат кўрсатиш ва сервис тизими тараққиёти кенг статистик маълумотлар асосида таҳлил этилди.

Мамлакатда айрим ҳудудлар ва шаҳарлар иқтисодини ривожлантириш мақсадида Навоий, Жиззах ва Ангренда амалга оширилаётган эркин ва махсус иқтисодий, индустриал ҳудудларнинг ташкил этилиши ва уларнинг ижобий натижалари ҳамда шаҳар иқтисоди ва инфратузилмаси тараққиётига таъсири таҳлил этилди.

Мустақиллик йилларида Ўзбекистон шаҳарлари тараққиёти масалалари муҳокама этилган мазкур илмий-амалий конференцияда ушбу йўналишда ҳали амалга оширилиши лозим бўлган қатор муҳим вазифалар, шаҳарлар ривожланишининг имкониятлари ҳамда асосий йўналишлари юзасидан фикр ва мулоҳазалар билдирилиб, уларнинг ечими бўйича амалий таклифлар берилди.

***М. Исакова***

## МУАЛЛИФЛАР ҲАҚИДА МАЪЛУМОТ

| | |
|---|---|
| **М. Қирғизбоев** | сиёсий фанлар доктори, профессор |
| **Ш. Рахматуллаев** | ЎзР ФА Тарих институти катта илмий ходими, т.ф.н. |
| **О. Абдимўминов** | ЎзР ФА Тарих институти кичик илмий ходими |
| **С. Толибова** | НДПИ катта илмий-ходим изланувчиси |
| **Д. Зияева** | ЎзР ФА Тарих институти етакчи илмий ходими, т.ф.д., профессор |
| **В. Холов** | ЎзР ФА Тарих институти кичик илмий ходими |
| **С. Давлетов** | Урганч давлат университети маънавият ва маърифат ишлари бўйича проректори |
| **Р. Абдуллаев** | ЎзР ФА Тарих институти директори, т.ф.д. |
| **А. Аширов** | ЎзР ФА Тарих институти етакчи илмий ходими, т.ф.д., профессор |
| **Д. Чориева** | Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги ҳузуридаги Ўзбекистоннинг энг янги тарихи масалалари бўйича Мувофиқлаштирувчи-методик марказ етакчи мутахассиси |
| **М. Исакова** | ЎзР ФА Тарих институти катта илмий ходими, т.ф.н. |

*Журнал муқовасида*: «Ўзбекистон Мустақиллигига 25 йил» эсдалик нишони (олд томондан кўриниши).

*На обложке журнала*: Памятный знак «Ўзбекистон Мустақиллигига 25 йил» («25 лет Независимости Узбекистана». Вид спереди).

Индекс 1027

ISSN 2010-7234. O‘zbekiston tarixi. 2016. № 2